

86 +
M 12

МАСТОНОВ К.Ҳ., КАРИМОВ Б.Х.

**ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ
ВА ТЕРРОРИЗМ
ТАҲДИДЛАРИГА ҚАРШИ
КУРАШ МАСАЛАЛАРИ**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги**

Масонов К.Х., Каримов Б.Х.

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ ТАҲДИДЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ МАСАЛАЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
томонидан олий таълим учун ўқув қўлланма сифатида тавсия
этилган.**

Тошкент 2008

Такризчилар:


Эргашев Б.Х., Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти
директори ўринбосари, фалсафа фанлари
доктори, профессор

Раупов С.С., Бухоро давлат университети доценти, тарих
фанлари номзоди.

Ушбу ўқув қўлланмада ғоявий таҳдидларга – диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш масалаларини ёритишга ҳар томонлама ёндашилган. Унда диний экстремистик ва террористик уюшмаларнинг мақсадлари ҳамда фаолияти ҳақида маълумотлар баён этилган. Шу билан бирга, мавзуга оид кўргазмали куруллар, қисқача изоҳли лугат, талабалар билимини назорат қилиш учун тест намуналари, иловалар ва адабиётлар келтирилган. Ўқув қўлланма Олий таълим муассасалари талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масонов К.Х., Каримов Б.Х. Диний экстремизм ва терроризм таҳдидларига қарши кураш масалалари. Олий таълим учун ўқув қўлланма. Т. 172

© Бухоро ОО ва УСТИ



... Ҳар қандай тажовуз ва
террорчилик ҳуружларининг
одиниш олиш, уларнинг
мафкураларини заминини йўқотиш
на амвало, ёшларимизнинг қалби
на онги, соғлом тафаккури учун
курашни тақозо этмоқда.

Ислом Каримов

КИРИШ

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ривожланиб бораётган глобаллашув жараёни кишилик жамиятининг барча соҳаларига ўз таъсирини ўтказиб келмоқда. Бир томондан, дунёвий тамойилларга асосланган аксарият кўпчиликнинг хохиш-иродаси қонун даражасига кўтарилиб, инсониятнинг муштарак манфаатлари ифодаси тарзида янгича ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатлар тизими қарор топаётганлигининг гувоҳи бўлаётган бўлсак, иккинчи томондан эса тор доирадаги сиёсий манфаатларнинг ифодаси ўлароқ юзага келган диний, миллий руҳдаги экстремизм, наркобизнес ва халқаро терроризм ҳодисасига тўқнаш келмоқдамиз.

Инсоният диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш авж олган паллада турибди. Юртбошимиз Ислом Каримов: “Ҳозирги вақтда терроризмнинг тажовузидан ўзини холи ҳис қиладиган бирорта қитъа ёки давлатнинг ўзи йўқ. Худди вабо сингари ер юзининг кўплаб мамлакатларига ёйилиб бораётган бу бало-қазо эртага кимни нишонга олишини ҳам олдиндан айтиш қийин”¹, - дея таъкидлагани бежиз эмас.

Халқаро ислом ташкилотларининг жангари қаноти бўлган қатор фундаменталистик ва экстремистик ташкилотлар дунёнинг аксарият мамлакатларида кенг

тарқалган. Шулардан энг кўп таъсир доирасига эга бўлган «Ал-Ихлон ал-Муслимин» («Муслмон биродарлар») ташкилоти турли мамлакатларда ўта радикал кайфиятга эга бўлган ёшларни ўз сафларига бирлаштирмоқда. Энг ашаддий ислом экстремистик ташкилотлардан «Ал-жихот ал-Исламий» уюшмаси ҳозирги пайтда ўзларининг ўта фаол террорчилик ҳаракатлари билан машхур.

Хавотирли жиҳати шундаки, экстремистик руҳда бўлган ислом фундаменталистларининг сони кун сайин ортиб бормоқда. Бу эса эндигина мустақилликни қўлга киритиб ўнги хос тараққиёт йулини танлаган Ўзбекистон ва унга қўшни мамлакатлар халқлари тақдири учун жуда катта хавф туғдирмоқда. Бундай жангари ташкилотлар ва уюшмалар Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган. Масалан, Сирида «Жанговар авангард», «Ислом озодлик ҳаракати», «Муҳаммад қанотлари», «Оллоҳ аскарлари»; Марокашда «Ислом ассоциацияси», «Ислом авангарди», «Ислом уйғониш ассоциацияси»; Тунисда «Ислом ориентацияси» ҳаракати, «Шуро» ислом партияси, «Ислом озодлик партияси»; Мисрда «Ислом гуруҳлари», «Муҳаммад ёшлари», «Муқаддас уруш» ҳамда «Янги муқаддас уруш» ташкилоти ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкин.

Мазкур диний оқимларнинг номлари турлича бўлса-да, аслида уларнинг мақсадлари ва ғоялари битта-динни ниқоб қилиб, ҳокимиятга интилиш, тинч-осойишта халқ орасида нифок ва ихтилоф чиқариш. Энг ачинарлиси шундаки, бу оқимлар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, улардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланмоқ-далар. Пайғамбаримиз: «Отага итоат қилиш Тангрига итоат қилишдир. Унинг олдида гуноҳ қилиш Тангри олдида гуноҳкор бўлиш билан баробардир», деганлар. Яна марҳамат қилиб айтганлар: «Оталарининг кексалик вақтида ҳар иккисини ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қилиб, жаннати бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва яна хор бўлсин». Мазкур ҳодисалардиги тарбиявий ўғитларга қарамай, баъзи ғаразли

¹ Каримов И. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 14 – сессиясидаги нутқи. “Халқ сўзи” газетаси 2005 йил 4 декабрь.

оқимларга кириб қолган ёшларимиз ота-оналарини беҳурмат қилиш даражасигача бормоқдалар. Бу эса, исломнинг инсонпарварлик ғояларини обрўсизлантиришга сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга уриниш баъзан жуда мудҳиш ҳолатларнинг юз беришига олиб келди. Бунда ўтган даврдан мерос қолган диндан хабарсизлик мутаассиб гуруҳларга қўл келди. Ҳозирги кунга келиб минтақада, хусусан, Ўзбекистонда диний-маърифий соҳанинг ривожланиши диний фундаментализм ҳавфининг олдини олишда муҳим омил бўлиб қолмоқда. Аммо ғаразли кучлар ҳам ўз мақсадларига эришиш йўлида янги-янги услубларни, хийла-найрангларни ҳам ўйлаб топишлари табиий. Бу каби салбий ҳолатларнинг пайдо бўлиши ва ривож топишига йўл қўймаслик эса доимо ҳушёрликни талаб этади.

Маъмурий буйруқбозлик тузуми тугаб, мамлака-тимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг янги жамиятни барпо этишга эндигина киришилган, лекин ҳали жамиятнинг стратегик мақсадлари тараққиёт модели тўла шаклланиб улгурмаган бир пайтда минтақа халқларини ўз таъсир доирасига олиш учун халқаро жинойтчи кучлар ва ташкилотларнинг ғоявий таъсир кўрсатиш борасидаги фаолияти кучайиб кетди. Узок йиллар мобайнида дахрийлик мафкураси ҳукмронлиги остида қолган мамлакатимизда эса «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг «Виждон эркинлиги»га оид моддаларидаги талаблар ҳам эндигина ҳаётда ўз ифодасини топа бошлаган давр эди. Бундан фойдаланган халқаро диний фундаменталистик ва экстремистик ташкилотларнинг фаолияти ҳам кучайиб мамлакатимиз фуқаролари, айниқса ёшларни ўз сафларига жалб қилиш учун пул ва маблағни аямадилар.

Шу ўринда табиий савол туғилади. Динда ўзи партия тузиш, гуруҳларга бўлиниш қандай баҳоланади?

Ислон динимизда ҳизб-партиялар тузишнинг ўзи ман этилган:

«Ва барчангиз Аллоҳнинг аркони (Қуръон)га боғланингиз ва (фирқаларга) бўлинмангиз!» (Оли Имрон сураси, 103-оят). Демак, Ислонда партиялар тузиб, гуруҳ-гуруҳларга ажралиб ҳаракат қилиш қатъиян ман этилганлиги, балки мусулмон уммати учун ақидавий манба Қуръони карим эканлиги аниқ равшан билдирилмоқда.

Ислон дини ҳақида фикр юритар эканмиз «ислоҳ» сўзини назардан четда қолдирмаслигимиз керак. Ислон дунёда ислоҳ-реформа моҳиятини насроний давлатлардаги ислоҳдан фарқлаш керак. Ислонда диннинг ўзини эмас, балки уни бузиб талқин этиш ва тушунмасликка қарши ислоҳ қилиш лозимлиги уқтирилади. Демак, Ислонда ислоҳ деганда диннинг асл сарчашмаларини бўлғамаслик назарда тутилади.

Диний экстремизм қандай номланмасин ёки қандай кўринишга эга бўлмасин, унинг асосий мақсади жангари гуруҳларни шакллантириш орқали ҳокимият тепасига келишдан иборатдир.

Терроризмнинг ижтимоий — иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, ғоявий ва ҳуқуқий томонларини таҳлил этган Юрбоннинг Ислон Каримов, терроризмнинг ташқи кўринишларига қарши курашиш билан бу офатни бартараф этиб бўлмаслиги, ушбу бало-қазонинг бирламчи манбаларига қарши кураш даркорлигини алоҳида таъкидлаган эди. Чунки ҳар қандай террористик ҳаракати раҳнамоларсиз, иқтисодий таъминотсиз амалга ошмайди. Бу борада Президентимиз Ўзлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида сўзлаган нутқида, «Биз террорчилик ва экстремизмнинг айрим кўринишларига эмас, балки, энг аввало, террорчиларни ташкил этаётган, йўналтираётган ҳамда уларни энг замонавий воситалар ва қуроллар билан таъминлаётган йирик молиявий ва бошқа имкониятларга эга халқаро марказларга қарата биргаликда кураш олиб бортан тақдирдагина унга қарши туришнинг мумкин»¹ — деб таъкидлаган эди.

¹ Каримов И. БМТ Бош Ассамблеясида сўзлаган нутқи. Т. Ўзбекистон. Т. 9. 2001. 108 — 109 бетлар.

Террорчилик ҳаракатлари натижасида кўплаб бегуноҳ одамларнинг қони тўкилишига сабаб бўлган. Масалан, 1968–1991 йилларда бутун дунёда 6 минг 850 марта террорчилик ҳуружлари натижасида 5 минг 683 киши ҳалок бўлган, 15 минг нафардан ортиқ киши жароҳатланган. 1992–2000 йиллар орасида эса жаҳонда 2054 марта террорчилик фожиаси амалга оширилган бўлиб, 2547 киши ҳаётдан кўз юмган, 20555 бегуноҳ инсон ярадор бўлган. Кейинги уч йил ичида эса (2001–2003 йиллар) террорчилар 661 марта хунрезлик амалга оширганлар даҳшатли томони шундаки, унда 4 минг 146 киши ҳаётдан кўз юмган ва 4 мингдан зиёди ногирон бўлиб қолган. Хуллас, терроризм миқёси тубдан ўзгариб, тадқиқотчиларнинг фикрича, терроризм бугун “супер терроризмга айланиб бормоқда”¹.

Жаҳонда терроризмга қарши олиб борилаётган курашда Ўзбекистоннинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Давлатимиз халқаро ҳуқуқий меъёрлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг шу масалада қабул қилган ҳужжатларига риоя этиб жаҳон ҳамжамияти олдида зиммасига олган мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаб келмоқда. Республикамизда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар орасида биринчилардан бўлиб 2001 йилда “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Шу билан шахс, жамият ва давлатни терроризм хавфидан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Парламенти томонидан “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинганлиги ҳам бу муаммони ҳал этиш борасида олиб борилаётган ҳаракатларнинг мантикий давомидир.

Бугунги кунда диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг жаҳон миқёсида муайян даражада илдиз отиб

¹ Ю. Пўлатов., С. Раззоков. “Терроризмга қарши самарали курашиш учун унинг хусусиятларини билиш керак”. “Фалсафа ва ҳуқуқ”, 2006. №2. 33 – бет.

бораётганлиги, шу жумладан Республикамизда ҳам унинг айрим кўринишлари мажбуриятини ҳисобга олиб доимо огоҳ бўлишимиз, унга қарши изчил кураш олиб боришимиз устувор йўналишлардан бирига айланмоғи зарур деб ҳисоблаймиз.

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТНИНГ ДИН ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН МУНОСАБАТИ

Дин ва давлат муносабатлари долзарб масалалардан бўлиб, ушбу мавзуга бағишлаб кейинги йилларда кўплаб анжуман-йиғилишлар ўтказилмоқда. Жамиятда турли дин вакилларининг ўзаро дўстлик ва аҳилликда яшашлари ҳамда бунёдкорлик ишларида давлат билан ҳамкорлик қилишлари барқарор тараққиётнинг асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Дунёвий давлатнинг динга бўлган муносабатида икки муҳим жиҳат бор:

– биринчиси, диндорларнинг ҳуқуқий мақоми;

– иккинчиси, давлат томонидан ўтказилаётган тадбирларда диний конфессиялар ҳақидаги қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бу масалалар ўз ечимини топган ва у дунёдаги ривожланган мамлакатлардаги ҳуқуқий-меърий талабларга тўла жавоб беради. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида: «Ҳамма учун виждон эркинлиги қафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди», – деб ёзилган.

Мазкур қондада дунёвий давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодалайдиган асосий тамойиллар ўз ифодасини топган.

Биринчидан, давлат виждон эркинлигини кафолатлаш орқали, динга қарши сиёсат олиб бормасликни эътироф этади.

Иккинчидан, эътиқод қилиш ёки қилмаслик инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми сифатида тан олинади.

Учинчидан, юқоридаги икки асосий тамойилдан келиб чиққан ҳолда ва жамиятда эътиқодий мувозанатни таъминлаш мақсадида, давлат диний қарашларнинг мажбуран сингдирилишига йўл қўймайди.

Давлатнинг динга муносабатидаги асосий хусусияти - бу диннинг сиёсатга аралашмаслиги. Ҳар қандай дин биринчи ўринда маънавий-ахлоқий жиҳатни ўз ичига олади.

Давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодаловчи яна бир тамойил шундан иборатки, давлат динни халқ маънавиятининг узвий қисми сифатида тан олади. Шундан келиб чиқиб, унинг ривожини учун тегишли шарт-шароитлар яратишга ҳаракат қилади. И.А. Каримовнинг 2004 йил 29-30 май кунлари бўлиб ўтган Олий Мажлисининг 14-сессиясида сўзлаган нутқида бу тамойил ўзининг қуйидаги ифодасини топган: «Мамлакатимизнинг демократик тамойиллар, илм-фан ютуқлари, юксак технология асосида модернизация қилиш билан бирга, муқаддас динимизни, миллий ўзлигимизни асраб-авайлаб яшашни мақсад қилиб қўйганмиз». Бу фикрлар ҳаётий воқеликка айланмоқда.

Дин ва дунёвий давлат орасидаги муносабат асосида диннинг давлатдан ажратилиши тамойили ҳам ётади. Бу ҳақда Конституциямизнинг 61-моддасида шундай дейилади: «Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди».

Мазкур моддага учта муҳим аҳамиятга эга қоида мустаҳкамлаб қўйилган.

Биринчидан, диний ташкилотлар қайси конфессияга тааллуқлилигидан қатъий назар бир хил ҳуқуқий майдонда фаолият олиб борадилар. Бугунги кунда Республикамизда 15

та ноисломий конфессияга мансуб 185 та ташкилот эркин фаолият олиб бораётгани бунинг амалий ифодасидир.

Иккинчидан, диний бирлашмалар фаолиятини ташкил этиш, уларнинг ички иши ҳисобланади ва давлат назоратидан холидир.

Учинчидан, диний ташкилотлар, давлатдан ажратилган. Аммо бу диннинг жамиятдан ажратилганини англамайди. Зеро бирор динга эътиқод қилувчи фуқаролар ҳам жамиятнинг таркибий қисми ва шу сабабли дин фуқаролик жамиятида ўз макъеига эга бўлади.

Дин ва дунёвий давлат муносабатини белгилаб берувчи бошқа бир тамойил дин соҳасида кечаётган ўзгаришларни ҳолис ва илмий ўрганиш, башорат қилиш ва шундан келиб чиқиб, дин ижобий жараёнлар ривожига таъсирини кенгайтириш учун имконият яратиб беришдан иборатдир.

Виждон эркинлиги тўғрисида қонундан келиб чиқувчи тамойилларга қатъий риоя қилинаётганини қуйидагиларда ҳам кўриш мумкин.

Мустақиллик йилларида диний ташкилотларнинг сони ўсди. 1990 йилда республикада 119 та диний ташкилот мавжуд бўлган бўлса, 2004 йилнинг 1 августига келиб уларнинг сони 2170 тага етди. Диний ўқув юртларининг иши ривожлантирилди. Мустақилликкача бор-йўғи 2 та диний ўқув юрти ишлаган бўлса, ўтган йиллар давомида уларнинг сони 11 тага етди. Илк маротаба диний ўқув юрти талабаларига стипендия бериш таъсис этилди.

Тошкент Ислам институтини 1975–1990 йиллар орасида 153 киши, Мир-Араб мадрасасини, 1950–1990 йиллар орасида 272 киши, умуман олганда собиқ совет даврида диний билим юртларини жами 425 киши битирган бўлса, мустақиллик йилларида, яъни 1991–2004 йиллар орасида уларни 5058 киши битириб чиқди. Шу жумладан, имомларнинг диний маълумоти даражаси сезиларли оширилишига эришилди.

Фуқароларга ҳаж ибодатини адо этишлари учун барча шароитлар яратилди. 1994 йилдан ҳожилар учун имтиёзли валюта конвертацияси ташкил этилди. Ушбу мақсадда ўтган

йилларда 47 млн. АҚШ долларида ортиқ маблағ ажратилди. 1991 йилда ҳажга боровчилар сони 1500 киши ҳажга борган бўлса, бу кўрсаткич 1996 йилда йилига 3800 ни ташкил этди. Мустақиллик даврида жами 50 мингдан ортиқ киши ҳаж ибодатини адо этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тошкент Ислом университетига асос солингани фикримизнинг исботи бўла олади.

Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида, ўрта мактабларнинг юқори синфларида «Диншунослик» дарсларини ўтиш жорий этилди. Узлуксиз таълим тизимида динлар ҳақида маълумот берувчи фанлар киритиш бўйича тажриба-синов майдонлари ташкил этилиб, тегишли қўлланма ва дарсликлар яратиш устида иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон кўп миллатли, кўп конфессияли давлат бўлгани учун ҳам диний бағрикенглик кишиларимиз онгида устувор бўлиши ва амалий фаолиятларида рўёбга чиқишини таъминлаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Истиқлол арафасида диний қадриятларимизнинг тиклангани миллатимиз қўлга киритган энг катта ютуқлардан бири бўлди. Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 1991 йили Рамазон ҳайитининг биринчи куни дам олиш куни деб эълон қилинди ва бу муборак сана яна қайтадан чинакам миллий байрамга айланиб кетди. Масжид ва мадрасалар узоқ йиллар мобайнида қўрқув ва ҳадик остида яшаган миллионлаб эътиқодли ватандошларимиз билан гавжумлашди.

Президентнинг 1990 йил 2 июнда имзо чекилган «Мусулмонларнинг Саудия Арабистонига ҳаж қилиши тўғрисида»ги Фармони қарийиб бир аср давом этган даҳрийликка чек қўйди десак, муболаға бўлмас. Чунки шунга қадар муборак ҳаж сафарига бармоқ билан санарли одамларгина махсус кузатувчилар назорати остида борарди. Ҳозир ҳар йили икки мингдан ортиқ ватандошимиз

мамлакатимиз раҳбариятининг ғамхўрлиги туфайли ҳаж амалларини эмин – эркин адо этмоқда.

1991 йил 20 июнда Президент Фармони билан Қурбон ҳайитини байрам сифатида нишонлаш эълон қилинди.

Президент Ислом Каримовнинг 1991 йил 24 декабрда Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасини зиёрат қилиши муқаддас динимизга бўлган юксак эътиқоднинг яна бир ёрқин рамзи бўлди.

Мустақилликни энг олий неъмат сифатида мукаммал таърифлашнинг имкони бормикан?! У бизга динимизни, эътиқод эркинлигини қайтариб бергани учун ҳам муқаддас. Унга қадар Ўзбекистондаги юзлаб масжидлардан атиги 80 таси қолган эди. Бор – йўғи тўртта мадраса номигагина фаолият кўрсатарди. Бугун юртимиздаги масжидларнинг сони икки мингдан ошиб кетди, мадрасалар уч баробар кўнайди. Тошкент Ислом университети ташкил қилинди. Ҳазрат, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Аҳмад Фарғоний, Бурхониддин Марғиноний, Имом Термизий, Хожа Ахрор Валий каби ўнлаб буюк шайхларимизнинг мақбаралари қайта тикланди, таъмирланди ва муқаддас зиёратгоҳларга айлантирилди. Абдиётга татигулик бундай савоб ишлар тобора кенг қулоч ёймоқда.

Келтирилган далиллар мамлакатимиз томонидан диний соҳага нечоғлик жиддий эътибор қаратилаётганидан далolat беради.

Амалга оширилган ишлар билан бир қаторда хали ўз оқимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмаслиги таъкидлаш даркор. Уларни бартараф этиш учун барча бир ёқадан бош қилариб, ҳаракат қилиш талаб этилади.

Диний таълим муассасаларининг моддий ва ўқув базасини мустаҳкамлаш, уларда замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда, таълим-тарбия ва ўқув жараёнини такомиллаштириш, соғлом фикр ва дунёқарашга эга бўлган мутахассисларни етиштириб чиқариш, уларнинг салоҳиятини юрт осойишталиги ва халқ фаровонлиги йўлида сафарбар

қилишга кенг имкониятлар яратиб бериш бугуннинг асосий талабидир.

Диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини асраш, уни турли нотўғри ақидалардан соф ҳолда сақлаш, диннинг маънавий – маърифий салоҳиятини жамиятдаги барқарорлик, ижтимоий ҳамкорлик конфессиялараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга йўналтириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, бизгача етиб келган аждодларимизнинг бой илмий меросларини тадқиқ қилиш меъморий обидаларни асраб-авайлаш, уларни келажак авлодларга безарар етказиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ҳозирги куннинг энг асосий муаммоларидан бири 90 фоиз аҳолиси мусулмон бўлган мамлакатнинг диний эътиқодига зид ақидаларнинг минтакага кириб келишининг олдини олиш, анъанавий маърифий мўътадил, исломни ёт гоялардан соф ҳолда сақлашдир. XXI аср вабоси бўлган терроризм ва диний ақидапарастлик хавфини тўла бартараф қилиш ҳам мазкур муаммони ҳал этишга боғлиқ. Чунки, ҳар қандай мутаассиб кайфиятдаги ислом номини олган жангарилик, диний ақидапарастлик, кишиларнинг диний ҳиссиётларидан ғаразли мақсадларда фойдаланишга интилиш жамиятдаги демократик ислохотлар, диний бағрикенглик шартларини таъминлашга тўсқинлик қилади.

Мазкур ҳаракатлар қандай одамларни жалб этувчи ва эзгуликни даъво қилувчи қандай шиорлар ортида яширинмасин, уларнинг мақсади битта, у ҳам бўлса диний никоб остида сиёсий жараёнларга таъсир қилиш ва пировардида ҳокимиятни эгаллашдир.

Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш жамиятимизнинг барча аъзолари олдига қатор вазифаларни қўяди. Жумладан, республикамизда олиб борилаётган виждон эркинлиги соҳасидаги сиёсат, унинг амалий натижалари, мамлакатимизда қарор топган бағрикенглик муҳитини омма орасида кенг ёритишга қаратилган, маънавий-маърифий тадбирларга диний ташкилотлар вакиллари, мутахассис

олимларни фаол жалб қилиш орқали уларнинг самарадорлигини таъминлаш лозим.

Турли миллат ва дин вакиллари орасида ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, миллатлар ва динлараро муомала маданияти, умуминсоний қадриятларга ҳурматни шакллантиришга қаратилган тадбирларнинг ҳозиржавоблиги ва таъсирчанлигини ошириш ҳамбугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ТАМОЙИЛЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНИШИ

Мустақил Ўзбекистонда виждон эркинлиги нафақат эътиқод эркинлиги, яъни ҳар қандай динни эркин танлай олиш ҳуқуқини, балки дунёвий фикр эркинлиги, ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликни ҳам қафолатланганлиги юқорида қайд қилиб ўтилган эди. Бу эса жамият маърифий ва маданий даражасининг белгиси бўлиб, кишиларнинг руҳий оламига, биркамоллигига бевосита таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда виждон эркинлиги қуйидаги тамойилларга асосланади: **Биринчидан**, диний ташкилотларни давлатдан ажратиш, **иккинчидан**, барча мавжуд динлар тенглигини таъминлаш, **учинчидан**, ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи, **тўртинчидан**, мактаб тизимини дин таъсиридан озод қилиш ва нисбатан **бешинчидан**, барча фуқароларнинг қайси динга эътиқод қилишини қатъи назар қонун олдида тенглиги.

Инсонлар доим турли дунёқараш ва эътиқод билан яшаб келганлар. Ҳар бир инсоннинг ўз маънавий дунёси, ўз эътиқоди бўлади. Аммо бундай хилма – хиллик қарама – қарши гоя ва ақидаларнинг мавжудлиги муросасиз эътиқодларга, жиддий тўқнашувларга олиб келмаслиги, динлар, миллатлар ўртасидаги муносабатларга, бағрикенгликка тўсқинлик қилмаслиги лозим. Президентимиз

Ислом Каримов таъбири билан айтганда, инсоннинг, шахснинг, кадр-қимматини, устувор кадрият сифатида этироф этувчи ҳозирги дунёда, мазкур зиддият инсоннинг эркин фикрлаш, хоҳлаган динга эътиқод қилиш эркига ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик эркига бўлган ҳуқуқини тан олишга айланди.


Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Қонунни давр талабига мослаш ва янги моддалар билан кучайтиришнинг зарурлигини И. А. Каримов Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида сўзлаган нутқида қуйидагича изоҳлади: “Биз бугун нима учун мана шу Виждон эркинлиги тўғрисидаги Қонунни қайта кўриб чиқяпмиз? Бунинг сабаби шуки, мазкур Қонун 1991 йилда, яъни Конституциямиздан бир ярим йил олдин қабул қилинган эди. Ҳозир янги Конституцияни қабул қилдик. Кўп қонунларни ишлаб чиқдик. Энди ҳаётимиз учун, келажакимиз учун, фарзандларимизнинг соғлом эътиқоди учун аҳамиятли бўлган, демократиянинг энг муҳим шарти бўлмиш виждон эркинлиги масаласини қайта кўриб чиқяпмиз”¹.

Хуллас, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1998 йил 1 майдаги XI сессиясида “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Бу қонун тўғрисида атрофлича фикр юритмасдан фақат мавзуга оид баъзи жиҳатларини этироф этиш мақсадга мувофиқдир. Бу қонунга киритилган янги қоидалардан бири, дунёқараши тўла шаклланмаган ёшларни диний тазйикдан ҳимоялашни назарда тутди. Хусусан, унда “воёга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек уларнинг ихтиёрига зид тарзда ўқитишга йўл қўйилмайди” деб мустаҳкамлаб қўйилган. (3 — модда, 2 - қисм). Бугунги кунда демократик, инсонпарвар давлатлар дунёвийлик

¹ И. Каримов. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида сўзланган нутқ. 1998 йил 30 апрель. //Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. 7-том. Тошкент: “Ўзбекистон”. 1999 й. 55 — 56 бетлар.

тамойилига амал қилади. Демак, бу давлатларда виждон эркинлиги кафолатланади. Уларда толерантлик тамойили ҳал қилувчи тамойил, ижтимоий ҳаётнинг мезони сифатида этироф этилади. Толерантлик, бағрикенглик муносабати барча ижтимоий гуруҳлар ва шахслар орасида қарор топган тақдирдагина дунёвий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилиши мумкин. Кўпчилик конфессиялар учун хос бўлган диний тафаккур ва тасаввурга кўра, жамиятда толерантлик тамойили тўла миқёсда амалга оширилиши мумкин эмас, деб ҳисоблаб, улар бошқа диний конфессиялар, шунингдек, атеистик гуруҳларга нисбатан муайян салбий муносабатда бўладилар. Бу, толерантлик тамойилига, яъни дунёвий давлатнинг ҳал қилувчи мезонига зид бўлган интилишдир. Глобал миқёсда диний давлат барпо этишга уринишлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, умуман инсонпарварлик тамойилларини инкор этишдан бошқа ҳеч нарса эмас. Шу сабабли, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, инсон ҳаётида ўзининг мақсадларига эришишини, ўзлигини англашини ва намоён қилишини таъминлашнинг инсоният кашф этган асосий йўли — бу дунёвий демократик давлат барпо этишдир.

Конфессиялараро муносабатларда инсон эркинлигини таъминлаш учун виждон эркинлиги ва толерантлик тамойили ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Фуқаролик жамиятида эътиқод эркинлигига биноан ҳар бир инсон истаган динига сиғиниши ва айни вақтда ҳеч бир динга сиғинмаслиги ҳам мумкин. Бу инсон руҳий эркинлигининг фундаментал, ҳал қилувчи тамойили ва атрибутив, ажралмас хусусиятидир. Шу сабабли, фуқаролик жамияти шаклланаётган барча давлатларда виждон эркинлиги тамойили конституциявий равишда ҳуқуқий кафолатланган бўлиши зарур. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам бундай кафолатларнинг таъминланганлиги мустақил мамлакатимизда фуқаролик жамиятини куриш учун мустаҳкам замин яратади.



ИСЛАМОФОБИЯ НИМАНИ ИФОДАЛАЙДИ?

Илмий адабиётлардаги мавжуд маълумотларга кўра, islamophobia атамаси 1997 йилда британиялик тадқиқотчи Руннмед Трастнинг “Исламофобия – барча учун қақирик” деб номланган маърузаси нашр этилгандан сўнг кенг қўллана бошланган. Бошқа манбаларда “исламофобия” атамаси Францияда яшовчи эронлик мусулмон фаоллари томонидан муомалага киритилгани қайд этилади.

Исламофобия билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш лойиҳасига раҳбарлик қилган Сассекс университети профессори Гордон Конвей фикрича, исламофобия исломни қолоқ цивилизацияси, мусулмон маданиятини қотиб қолган ва бошқа маданиятларга хавф – хатар туғдириш салоҳиятига эга маданият сифатида баҳолашга асосланган. Бу фикрни британиялик тадқиқотчи Руннмед Траст қисқача қилиб “Ислом шерик эмас, душман” деган ғояда ифодалаб берган эди.

Умуман олганда, исламофобия ислом динини танкид қилиш, унга бўлган нафрат, ёқтирмаслик руҳидаги қарашлар ва мусулмонларга нисбатан камситиш, тазйиқ ўтказишга асосланган ҳаракатларни ифодалайди.

2001 йил 11 сентябрь теракти бундай аксилисломий қарашларнинг янги тўлқинини келтириб чиқарди ва юқорида айтилган “аксиома”ни тасдиқлади десак бўлади.

Мутахассислар Ер юзининг турли нукталарида диний экстремистик ташкилотлар томонидан кўпуровчилик ҳаракатлари давом эттирилаётган бир пайтда исламофобиянинг бундан кейин ҳам ўсиши хавфи борлигини қайд қилмоқдалар. Бундай хавф мавжудлигини куйидаги рақамларда кўриш мумкин. “Евробарометр” маълумотларига кўра, швецияликларнинг 18, италияликларнинг 30, нидерландияликларнинг 31, британияликларнинг 32, французларнинг 48 фоизи бошқа дин ва маданият вакиллари бутунлай ёқтирмасликларини таъкидлайдилар.

Умуман олганда, бугунги кунда исламофобия ривожига таъсир қилаётган бир қатор омилларни кўрсатиш мумкин. **Биринчидан**, амалга оширилаётган терактларни билиб-билмай ислом билан боғлаш бунга замин яратаётганини қайд этиш зарур. **Иккинчидан**, оммавий ахборот воситалари ва расмий доиралар томонидан террорчиларга нисбатан “шаҳид”, “шаҳид белбоғи”, “муҳоҳид”, “Аллоҳ лашкарлари” каби сўзларнинг ишлатилиши ҳам ислом ва мусулмонлар тўғрисида нотўғри тасаввурларнинг шаклланишига олиб келмоқда. **Учинчидан**, исломий дунёқараш ва урф-одатларни бузиб кўрсатиш ҳам бу жараёнда ўз ифодасини топмоқда.

Исломга нисбатан бундай асоссиз салбий қарашларга албатта қарши курашиш лозим. Бунинг учун барча илмий муассасалар, диний ташкилотлар, олий ўқув юртлари ва оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик тизимини ишлаб чиқиш талаб этилади. Бунда маърифий исломни тарғиб қилиш, уни нотўғри талкинлардан химоялашнинг таъсирчан йўллари яратишда замонавий имкониятлардан кенг фойдаланиш муҳим аҳамият касб этиши табиий.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, конфессиялараро низо қайта-қайта таъкидланаётганидек, тўқиб чиқарилган, сунъий ходиса бўлиб, халқаро майдонда ёки мамлакат ичидаги сиёсий келишмовчиликлар ва низолардан халқнинг диққатини чалғитиб, динлараро муаммоларни биринчи ўринга чиқаришдан бошқа нарса эмас. Шундай экан, қасрда яшаши, қайси динга эътиқод қилишидан қатъий назар, кишиларда диний бағрикенглик маданиятини шакллантириш бугунги кун ва яқин истиқболнинг долзарб вазифаларидан бўлиб қолаверади¹.

Истиқлол моҳиятини идрок этишга интилган ҳар бир киши онгида “Биз кеча ким эдигу, бугун киммиз?”, - деган савол уйғониши табиий.

¹ Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. Тошкент-2005, 61-62-бетлар.

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ МАСАЛАЛАРИ

Ҳозирги кунда диний экстремизм мафкурасига, қўпоровчилик – террорчи – ликка қарши курашдаги асосий вазифа – аҳоли ўртасида, айниқса, ёшлар билан олиб бориладиган, тарғибот – ташвиқот ва тарбиявий ишларни изчил, чуқур ўйланган тизим асосида ташкил этиш ва уларнинг таъсирчанлигини кескин кучайтиришни бутун бошимиздан кечираётган ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ислом Каримов

Дин ва диний экстремизм тушунчаларининг мазмун моҳияти нимада, улар қандай илмий асос ва манбаларга таянади, ғоя ва манфаатларнинг тўқнашуви нимадан иборат?

Дин – латинча religio – «боғланиш», «худо билан алоқа қилиш» маъносини билдириб, инсонлар хулқини пок асраш, улар ўртасида меҳр-оқибат ўрнатиш, онгли мавжудотни доимо яхшилик эзгу ишларга чорлаб келган Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Ислом дини бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. У қуруқ ақидалар йиғиндиси эмас, ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиладилар. Меҳр-оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-икром тушунчаларига риоя қилишга ҳаракат қиладилар».

Диний экстремизм – ўз олдига сиёсий мақсадларни қўйган, жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга мос келмайдиган, уларга зид бўлган ғояларни зўравонлик билан ёйишга интилувчи ноқонуний ҳаракатдир.

Ислом никоби остидаги экстремизм ўзининг икки хусусияти билан ажралиб туради. Биринчидан, экстремистлар

дунёнинг кўра ҳозирги замон мусулмон жамоалари исломий шайхонлиги йўқотган ва жоҳилия даври жамиятига ўхшайди. Иккинчидан, унинг тасаввуридаги «Ҳақиқий мусулмонлар» ҳокимияти келгач, ҳамма жойда «Исломий тартиб»ни ўрнатиш учун қатъий агрессив ҳаракат қилишлари зарур.

Тиласуфки, 100 йилдан ортиқ давом этган мустабид тузум даврида маънавий илдишларимиздан айрилиш, динни жамият ҳаётидан сиқиб чиқаришга уринишлар бўлди. Натижада маънавият ва маърифат ўрнини маълум даражада жиҳолат эгаллаб юртдошларимиз фикр, тафсир, ҳадис, тасаввуф илмлари ҳақида ҳатто, умумий билимга эга бўлмай қолдилар.

Ислом дини, мусулмончилик нима? - деган саволга жўяли жавоб бера оладиганларнинг сони ҳам озчилиқни ташкил этди. Мовароуннаҳр диёри азалдан дину диёнат ўчоғи, фузало-ю уламолар юрти эканлигини унутиб қўйдик.

Фундаментализм атамаси аслида христиан дини билан боғлиқдир. Бу ибора биринчи бор 1908 йилда АҚШнинг Калифорния штати протестантлари томонидан расмий равишда қўлланилган. Унинг 5 қондаси бор.

-Исонинг бокира аёлдан дунёга келиши;
-унинг инсоният гуноҳларини оқлаш учун қурбон бўлгани;

-жисмонан қайта тирилиш;
-ер юзига жисмонан иккинчи бор келиши;
-китобнинг муқаддаслиги ва уни дастлабки ҳолига қайтариш лозимлигида ифодаланади.

Юқоридаги ақидаларда христиан дини соф ҳолда тасаввур этилганини тушуниш қийин эмас, аммо кейин бошқа динларда жумладан, исломда ҳам фундаменталистик ғоялар шўлаб чиқила бошланди.

Умуман олганда, турли диндаги оқимлар йўналишлар тарафдорлари муқаддас китобларда баён этилган ақидаларни ўзгартирмаслик ҳамда диний қоидаларни сўзсиз бажаришни ўзларига маъқул кўрадилар.

Аммо ислом фундаменталистларининг гоялари протестантларникидан мутлақо фарқ қилади.

Кенг маънода таҳлил қиладиган бўлсак, у аллақачон диний оқим чегараларидан чиқиб, ижтимоий-сиёсий қарашлар йўналишига айланган. Ислом динини ниқоб қилиб олган ислом фундаментализми соф ислом асосига қайтиш, уни асл ҳолида қўллаш зарур ва фақат ана шу йўл билан ислом динини бидъатдан «тозалашга» эришиш мумкин, деган нотўғри қарашларни тарғиб қилади. Албатта, «Ислом фундаментализми» тушунчаси ҳозирда ислом динининг гояларига сиёсий тус берилгани билан боғлиқ. Ислом фундаментализми тарафдорлари куч ишлатиш, зўравонлик қилиш, қон тўкиш, ҳатто қуролли кураш йўли билан ўз мақсадларини амалга оширишга уринаётганлигини ҳеч ким инкор этмайди. Ислом фундаменталистларининг ҳаракати ҳозирги пайтда экстремистлар, мутаассиблар ва террорчилар ҳаракатига йўғрилган жиноий тушунчага айланган. Ислом давлатлари ҳам ҳар қандай кўринишдаги экстремистларнинг «Жиходи»ни каттиқ қоралаб, уларнинг қилмишини жиноят деб баҳоламоқдалар ва каттиқ жазоламоқдалар. Қолаверса, бу норасмий диний сиёсий оқимларнинг жиноятлари шариатда қонуний ҳукуматга қарши исён деб баҳоланган ва уларга нисбатан Аллоҳнинг кечирилмас жазоси – ўлим қўлланган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида экстремистик кучларнинг қилмиши жиноят сифатида қаралади.

«Сепаратизм» - ҳам лотин тилидан олинган бўлиб, маъноси «ажралиб чиқиш, алоҳида бўлишга интилиш», демакдир. Бу ҳам ҳокимиятни ғайри конституциявий йўллар билан қўлга киритишга интилувчи кучларнинг сиёсатга аралашиларини билдиради.

Ўзбекистонда баъзи кучлар дин ниқоби остида ғаразли мақсадлар билан ҳокимиятни эгаллашга интилдилар. Оллоҳ, ислом каби сўзлар билан номланган, эшитилиши жарангдор партиялар, ташкилотлар («Ислом уйғониш партияси», «Ҳизбуллоҳ» «Ҳизбут таҳрир» ва бошқалар) тузиб, мавжуд

конституциявий тузумни ағдариб ташлаш, ислом давлати қуриш, халифаликни қайта ўрнатишга ҳаракат қилдилар.

Бугунги кунда Марказий Осиёда, хусусан мамлакатимизда диний экстремистик оқимлардан бири бўлган, «Ҳизбут-таҳрир» диний-сиёсий оқими ўз таъсир доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилиб, мамлакат ҳудудида бир қатор террористик ҳуружларни уюштирди. Биз қуйидаги ушбу оқимнинг моҳияти ва мазмуни тўғрисида фикр юритмоқчимиз.

«Ҳизбут-таҳрир» - (тўла номи «Ҳизбут-таҳрир ал-исломий» - «Ислом озодлик партияси») норасмий сиёсийланган диний тузилма. Суннийлий доирасидаги диний-сиёсий партия 1953 йили Қуддус (Иерусалим) шаҳрида фаолиятини Тақийуддин Набаҳоний (1909–1979) томонидан асос солинган. У Хайфада туғилиб ўсган. Қоҳирадаги «Ал-Азхар» университетиде таълим олган.

Ташкилотнинг асосий мақсади - жаҳон миқёсида ислом давлатини халифалик шаклида қайта тиклаш. «Ҳизбут – таҳрир» диний-сиёсий партия дастури 187 банддан иборат бўлиб, унинг асосий мақсади сиёсий ҳокимиятга эришиш. Бунга эришишнинг асосий йўли этиб, мазкур оқим ақидалари асосида шахсни тарбиялаш устувор мақсад қилиб белгиланган. Уларнинг фикрича, исломий таълим-тарбия бешин икки босқичдан иборат:

1) ислом таълимоти билан таништириш йўлида маданий таърифий ишлар олиб бориш;

2) сиёсий фаолиятга торттиш.

«Ҳизбут-таҳрир» партияси пирамида шаклида таркибий тузилма кўринишида ташкил топган. «Дорис»лардан таркиб тонган «халқа»даги 4-5 киши гуруҳ раҳбари «мушриф»дан сабоқ олади. Таълим ҳафтада камида бир марта ўтказилиши шарт. «Халқа» аъзолари бир-бирини фақат исми ёки тахаллуси орқали биладилар. Ташкилотга аъзо бўлган номзод ҳар қандай шариотда ҳам, хизб фаолияти ҳақида сир саклашга қасам ичлади. Минтақавий раҳбар «муътамад» бутун дунё бўйича «Ҳизбут-таҳрир» ҳаракати раҳбари яъни «Амир

ул-аъзам» томонидан белгиланади ва вилоят даражасида ишлайдиган «масъул» ҳамда туман миқёсида фаолият кўрсатувчи «мусоид»га раҳбарлик қилади. Туманлар ҳам алоҳида ҳудудларга бўлинади ва 4 мушрифдан иборат «нақиб» раҳбарлик қилувчи «Маҳаллий жиҳоз»ни ташкил этади. «нақиб» ўзига ёрдамчи «нсиб» ва пул тўловчи «табарруъ»ни тайинлайди. Маҳаллий жиҳоз камида бир ойда бир маротаба тўпланади. Партиянинг ҳар бир аъзоси ўз имкониятлари ва асосий меҳнат фаолиятлари даромади ҳисобидан 5-20 фоиз миқдорида солиқ тўлашга мажбурдир.

Тўпланган пул маблағи турли техника жиҳозлари, алоқа воситалари харид қилиш ҳамда бошқа хизмат ҳақларини қоплаш, хориждан келтираётган адабиёт, аудио-, видеокассеталар ва уларнинг таржимаси учун ҳақ тўлашга сарфланади.

Бугунги кунда партияга Фаластиннинг Халил шаҳрида туғилган Абдулқадим Заллум раҳбарлик қилмоқда. Мазкур диний ташкилот фаолияти 1982 йилда сезиларли даражада жонланди. Ташкилот раҳбарларининг асосий қисми Ғарбий Европа давлатларида фаолият олиб боради. Партия филиаллари Миср, Иордания, Тунис, Кувайт, Фаластин, Исроил томонидан босиб олинган ҳудудларда ҳамда Туркияда мавжуд.

«Ҳизбут-таҳрир» диний ташкилоти ҳам ваҳҳобийлар каби давлат сиёсий бошқарувига аралашishга, конституциявий тузумни ағдариб ташлаш, ислом давлати ўрнатишга интилади. Халифаликни тиклашга даъват этади: «Мусулмонлар учун битта халифа сайлашга ҳаракат қилмаслик - гуноҳи кабиралардандир. Чунки бу нарса исломнинг энг муҳим фарзларидан бирини бажаришдан тийилишдир. («Иззат ва шараф сари», 40-бет).

Ваҳҳобийлар ҳокимиятни қўлга олиш учун очик кураш экстремизм, террор йўлини тутсалар, «ҳизбутчилар» ғоявий-мафкуравий кураш услубини қўллайдилар, улар мафкуравий тарғибот ишларини олиб борадилар, бундай дарсларда диний маълумотлар юзаки берилади. Фикҳий масалаларга хатто

этибор қаратилмайди, ёшлар тарбиясидаги маънавий бўшлиқдан фойдаланиб, уларнинг онгига керакли сиёсий фикрларни жойлашга уринадилар.

«Ҳизбут-таҳрир» ташкилотининг бошқа норасмий диний ташкилотлардан фарқи ҳужумни асосан фикрга қаратадилар, яъни фикрий кураш олиб бориб, фикрий инқилобга эришиш, ислом давлати низомини тарғиб этишдир.

«Ҳизбут-таҳрир» ташкилоти ўз олдига қуйидагиларни мақсад қилиб қўяди:

1) тинч, осойишта давлатда фуқаролар урушини бошлаш;

2) мамлакат иқтисодий фаолиятини издан чиқариш;

3) миллатлар ва динлараро низоларни келтириб чиқариш;

4) мамлакатта қурол-аслаҳа ва наркотик моддаларни олиб кибриб, фуқароларнинг тинч ҳаётига раҳна солиш;

5) мустакил давлатни қурол-аслаҳа чиқарувчи хорижий мамлакатларга қарам қилиш.

«Ҳизбут-таҳрир ал-исломий» ташкилотининг асосий назарий мақсади икки йўналишни ўз ичига олади.

1. Сакофий. Партия аъзолари ислом ниқоби остида экстремистик ғоялар билан йўғрилган, ғаразли тушунтириш ишларини олиб борадилар ва ўз мақсадларига етиш учун кишиларнинг онгига ўз партиялари ҳақида тушунча уйғотишга ҳаракат қиладилар. Бунда улар ҳар бир шахснинг фикрлаш доирасига қараб ўз таълимотларига даъват этадилар.

2. Сиёсий. Жамиятда бўлаётган вақтинчалик қийинчиликлар, табиий офитларни кўрсатиб агар исломнинг сазоли ҳуқуқлари бўлганда эди, бундай ҳодисалар рўй бермас эди, каби фикрлар билан ғараз ниятларни амалга ошириш. Яъни, ҳужумлар фикрларга қаратилмоғи лозим, натижада бу ҳужум фикрий курашга, фикрий кураш ўз навбатида, фикрий инқилобга олиб боради. Фикрий инқилобнинг орқасидан эса ҳуқуқ, ислом ва бошқа алоқаларни ўзгартириб юборадиган

сиёсий инқилоб келади. Мана шу вазифани адо этган авлоднинг ўзи ҳокимиятга келади.

Бу мақсадларни амалга ошириш ҳамда оламда юз бераётган воқеа-ходисаларга ҳизбнинг муносабатини билдириш учун партия 1989 йилдан бошлаб «ал-ваъй» (Онг) номли ойлик журнални турли тилларда таржимаси билан чиқариб келмоқда. Хусусан, журналнинг ўзбек тилидаги 140 дан ортиқ сони мамлакатимизда махфий равишда тарқатилганлиги маълум.

«Ҳизбут-таҳрир» диний ташкилоти ўз мақсадига қуйидаги босқичлар орқали эришишга интилади:

1. **Таскиф** – тушунтириш ишлари. Онги тўлиқ шаклланмаган ёшларни ўз тузоғига илинтириш. Фикри заиф, таъсирга берилувчан ҳукук-тарғибот органлари, ҳокимиятлардаги масъул шахсларни ўз тарафига оғдириш.

2. **Тафоул** – биргаликда ҳаракат қилиш, «Уммати оёққа туриши, фикрий онглиги ва келажак масалаларини идрок қилишга эришиши» йўлида фикрий инқилобга етишиш.

3. **Инқилоб** – тўнтариш, ҳукуматни яратилган уммат орқали қўлга киритиш.

«Ҳизбут-таҳрир» аъзолари ҳам бошқа диний экстремистик ташкилотлар каби мавжуд конституциявий тузумни ағдариб ташлаб, ҳокимиятга келишга интиладилар. Ягона сиёсий, иқтисодий ва ҳудудий кенглик – халифалик давлатини қуриш уларнинг асосий ва сўнгги мақсадлари бўлиб ҳисобланади.

«Ҳизбут-таҳрир»нинг расмий фаолият кўрсатиши араб давлатларида таъқиқланган. Ушбу партиянинг Иорданиядаги масъули Шайх Аҳмад ад-Даур 1969 йили ҳукуматни эгаллашда айбланиб, қатл этилган. Шунингдек, партиянинг 32 аъзоси Мисрда судланганлиги маълум.

Тақийиддин Набахоний кейинги даврлардаги мусулмон ўлкалари ҳукумдорларини ҳам халифа ва улар бошқарган давлатни халифалик давлати деб атади ва барча мусулмонлар яхлит бир давлатдаги ягона бир ҳукмдор – халифага бўйсунишлари вожиб деб таъкидлайди. Шунингдек, Усмонли

Турк империясининг сўнгги султони Абдулҳамид II ни назарга халифа ва унинг салтанати тугаган 1924 йилдан буён ар диндаги мусулмонлар учун халифа сайлашлик вожиб деган гояни илгари суради¹.

Нахобиёллик – диний-сиёсий оқим бўлиб, XVIII асрда Марказий Арабистоннинг Нажд воҳасида юзага келган. Нахобиёллар бевосита дин номидан иш кўрган ва уни «тозалаш» тўғрисида, Пайгамбар давридаги асл ҳолатига қайтариш, барча арабларни яшил байроқ остида бирлаштириш каби гояларни илгари сурган. Инглиз муштаракчилиги бу вазиятдан ўз мақсадида фойдаланган: тўра тарафдорларини қуроллантириб, Усмонли туркларга қарши жангга ташлаган. Шунинг учун ҳам улар Усмонийлар мансуб бўлган ханафий мазҳабини кофир мазҳаб деб эълон қилган. Хоржадаги сиёсий кучлар манфаати йўлида исломдаги ўз биродарларини кофирга чиқаришга бориб етишган.

Нахобиёллар дунёвий маданиятга қатъий қарши туриб, кўрғаш, театр ва таъсирий санъат билан шуғулланиш, бадийий эволашак олиш кечирилмайдиган гуноҳ деб ҳисоблашади. Айни пайтда улар ҳокимиятнинг эгаллиги ва унинг воситасида ўз ташкилотчилигини ҳаётга тадбиқ этиш учун қатъий қарар олиб беришди, фақат бу иштни амалга ошириш учун диний восита сифатида фойдаланишди, холос.

Нахобиёллар ҳаракати тарихда қолдирган қонли воқеалар жамда кўп мисол келтириш мумкин. Маълумки, Ислам дини ҳамжамхатаринка, Аллоҳ йўлида бир бўлишга даъват этади. Замонлар ўтгани билан бу бирдамлик айрим давлатларга йамай қолди, тўғриси, улар мусулмонлар қамқилинидан ҳайка бонладилар. Бир четда туриб қурол кучи билан араб давлатларига таҳдид солиши ҳеч бир фойда бермагач, қандай қилиб бўлмасин, мусулмонларни ичидан бузишга, низо чиқариб уларни бўлиб юборишга ҳаракат қилишди. Бу вазиятда маржуд мазҳаблар ичида низо чиқариш

¹ Ҳ. Мухоммадиев. Ислам йўналишлари, мазҳаблар, оқимлар. Тошкент-2000, 49-50-бетлар.

имконияти қўл келди. XVII асрларда исавийлар ҳозирлаган дастурлар асосида гўё исломга этикод қўйган болалар Туркия, Қоҳира, Миср ва Сурияга юбориб ўқитилди, улардан эса уламолар етишиб чиқди, бу олимлар ўзлари олган таълим-тарбиядан келиб чиқиб исавийлар мафқурасига таяниб, динни ичидан бузишга хизмат қилишди. Гарчи исломдаги бир кичик мазҳаб бўлса-да, ҳанбалия мазҳабидагилар динга амал унинг пуританлик, яъни ҳарфхўр ислом бўлишини талаб қила бошлашди. Ваҳоланки, ҳеч ким Пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларини ўзича талқин қилишга, уларни манфаатларига мослаштиришга ҳақли эмас. Ислом олимларнинг таъкидлашларича, Расули акрам «Ҳар бир янгилик залолатдир» деганларида ибодатдаги янгиликларни назарда тутганлар. Зинҳор-базинҳор дунёвий янгиликни, тараққиётни эмас.

Арабларни бўлиб ташлаган бу ҳаракат шу тариқа кучга киради ва ваҳҳобийлар номини олади. Ваҳҳобийлик ҳаракати XIX аср бошларида жуда кучаяди. Абдулваҳҳоб биринчи амалий қадамини саҳоба Зайд ибн ал-Хаттобнинг Жубайлидаги сағанаси устига қўяди ва уни ер билан яксон қилади. 1803 йил ваҳҳобийлар Маккани, кейин Мадина шаҳрини босиб олишди. Улар шу даражага бориб етишдики, Маккаю-Мадинадаги барча қабр тошларни бузиб, ҳатто Биби Ойша, Биби Фотима ва саҳобалар сағанасидаги қабр тошларини синдириб ташлашди, улар Пайғамбар макбарасидан гўмбазларни бузишга чоғланган бир пайтда куч билан тўхтатиб қолинди. Бу - ҳаракатнинг зоҳирий кўриниши. Аслида эса улар динни «асл ҳолатига келтириш» даъвати остида босқинчилик, талончилик билан машғул бўлишди¹.

«Нур»чилар жамоаси — асосчиси туркиялик Саид Нурсий бўлиб, асл мақсади мавжуд ҳокимиятга қарши чиқувчи ўта диний — мутаассиб кишиларни тарбиялаш. Бадиуззамон Саид Насрийнинг шогирдларига берган машхур

¹ З.Хусниддинов. Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. Тошкент-2000, 44-бет.

дарслари рисоалар тарзида чоп этилиб, баъзилари тўғридан-тўғри дарсинг рақаами — масалан, «Йигирма бешинчи дарс» деб аталади. Оқим адабиётларнинг мазмуни ўта фалсафий мушоҳада ва тимсоллардан иборат бўлиб, баъзи жиҳатларда чалқанлик мавжуд. Худди шу жиҳати билан оқим раҳбарлари ўз аъзоларининг ушбу фалсафий фикрларни еча билиш учун даъв қилибасига эга бўлиши керак деган даъво билан, исломий қонун-қоидаларни ҳаётга тадбиқ этиш зарурати ҳаёсини сингдирадилар. Бу ўринда яна бир нарсага эътибор қаратиш лозимки, оқим вакиллари ўзларига янги аъзони жалб этишда биринчи навбатда «Нур»чилар жамоаси фаолияти нисбатдан узоқ деган фикрни берадилар. Аслида бу бир ниқоб бўлиб, уларнинг фаолияти негизида сиёсатга аралашув этади. Ушбу оқим ҳояларининг юртимизга кириб келиши 1992 йилдан бошлаб кузатилган. Дастлаб оқим ҳоялари туркиялик экстремистларнинг моддий ва маънавий кўмагида етказилган. Оқим, айниқса, Термиз ва Денов шаҳарларида кенгрок тарқалган. Жумладан, Термизда «Нур»чилар йиғиладиган маънави аниқланиб, лозим бўлган чоралар кўрилган. Айни дамда улар махфий тарзда ҳаракат олиб борганлар.

«Нур» ҳаракатининг мақсад ва йўналиши. Ҳозирги кунда «Нур» ҳаракати Туркиядаги энг нуфузли диний оқимлардан бири бўлиб, Туркия курулли кучлари Бош қўмондонлигининг маълумотига кўра, унинг атрофига 4 миллионга яқин аъзоси жипслашган.

«Нур» жамоаси Аллоҳнинг китоби ва Расулуллоҳ (с.а.в) нинг сўнатларини ҳидоятга бошловчи дастуриламал қилиб олган. Бу ҳаракат ўзига эргашган кишилар қалбида исломий ақидадан уйғотиб, бу билан исломга этикод қилиш қонун тариқидан жўлланганидан тартибга қарши курашишни даъват этади. Ҳаракатнинг асосчиси Бадиуззамон тақводор, шубҳали нарсалардан сақланувчи шахс бўлиб, «Сени шубҳалантирувчи нарсаларни тарк эт, шубҳасиз нарсага қўл ур!» деган ақидага амал қилган.

имконияти қўл келди. XVII асрларда исавийлар ҳозирлаган дастурлар асосида гўё исломга этикод қўйган болалар Туркия, Қоҳира, Миср ва Сурияга юбориб ўқитилди, улардан эса уламолар етишиб чиқди, бу олимлар ўзлари олган таълим-тарбиядан келиб чиқиб исавийлар мафқурасига таяниб, динни ичидан бузишга хизмат қилишди. Гарчи исломдаги бир кичик мазҳаб бўлса-да, ҳанбалия мазҳабидагилар динга амал унинг пуританлик, яъни ҳарфхўр ислом бўлишини талаб қила бошлашди. Ваҳоланки, ҳеч ким Пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларини ўзича талқин қилишга, уларни манфаатларига мослаштиришга ҳақли эмас. Ислом олимларнинг таъкидлашларича, Расули акрам «Ҳар бир янгилик залолатдир» деганларида ибодатдаги янгиликларни назарда тутганлар. Зинҳор-базинҳор дунёвий янгиликни, тараққиётни эмас.

Арабларни бўлиб ташлаган бу ҳаракат шу тариқа кучга киради ва ваҳҳобийлар номини олади. Ваҳҳобийлик ҳаракати XIX аср бошларида жуда кучаяди. Абдулваҳҳоб биринчи амалий қадамини саҳоба Зайд ибн ал-Хаттобнинг Жубайлидаги сағанаси устига қўяди ва уни ер билан яксон қилади. 1803 йил ваҳҳобийлар Маккани, кейин Мадина шаҳрини босиб олишди. Улар шу даражага бориб етишдики, Маккаю-Мадинадаги барча қабр тошларни бузиб, ҳатто Биби Ойша, Биби Фотима ва саҳобалар сағанасидаги қабр тошларини синдириб ташлашди, улар Пайғамбар мақбарасидан гўмбазларни бузишга чоғланган бир пайтда куч билан тўхтатиб қолинди. Бу - ҳаракатнинг зоҳирий кўриниши. Аслида эса улар динни «асл ҳолатига келтириш» даъвати остида босқинчилик, талончилик билан машғул бўлишди¹.

«Нур»чилар жамоаси — асосчиси туркиялик Саид Нурсий бўлиб, асл мақсади мавжуд ҳокимиятга қарши чиқувчи ўта диний — мутаассиб кишиларни тарбиялаш. Бадиуззамон Саид Насрийнинг шогирдларига берган машхур

¹ З.Хусниддинов. Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. Тошкент-2000, 44-бет.

дарслари рисоалар тарзида чоп этилиб, баъзилари тўғридан-тўғри дарсининг рақаами — масалан, «Йигирма бешинчи дарс» деб аталади. Оқим адабиётларнинг мазмуни ўта фалсафий мушоҳада ва тимсоллардан иборат бўлиб, баъзи жиҳатларда чалқанлик мавжуд. Худди шу жиҳати билан оқим раҳбарлари ўз аъзоларининг ушбу фалсафий фикрларни еча билиш учун ҳаёт тажрибасига эга бўлиши керак деган даъво билан, исломий қонун-қоидаларни ҳаётга тадбиқ этиш зарурати ҳаёсини сингдирадилар. Бу ўринда яна бир нарсага эътибор қаратиш лозимки, оқим вакиллари ўзларига янги аъзони жалб этишда биринчи навбатда «Нур»чилар жамоаси фаолияти нисбатдан узоқ деган фикрни берадилар. Аслида бу бир ниқоб бўлиб, уларнинг фаолияти негизда сиёсатга аралашув этади. Ушбу оқим ҳояларининг юртимизга кириб келиши 1992 йилдан бошлаб кузатилган. Дастлаб оқим ҳоялари туркиялик экстремистларнинг моддий ва маънавий кўмагида етказилган. Оқим, айниқса, Термиз ва Денов шаҳарларида кенгрок тарқалган. Жумладан, Термизда «Нур»чилар йиғиладиган маънави аниқланиб, лозим бўлган чоралар кўрилган. Айни дамда улар махфий тарзда ҳаракат олиб борганлар.

«Нур» ҳаракатининг мақсад ва йўналиши. Ҳозирги кунда «Нур» ҳаракати Туркиядаги энг нуфузли диний оқимлардан бири бўлиб, Туркия курулли кучлари Бош қўмондонлигининг маълумотига кўра, унинг атрофига 4 миллионга яқин аъзоси жипслашган. «Нур» жамоаси Аллоҳнинг китоби ва Расулуллоҳ (с.а.в) нинг суннатларини ҳидоятга бошловчи дастуриламал қилиб олган. Бу ҳаракат ўзига эргашган кишилар қалбида исломий ақидадан уйғотиб, бу билан исломга этикод қилиш қонун тарафидан жазоланадиган тартибга қарши курашишни даъват этади. Ҳаракатнинг асосчиси Бадиуззамон тақводор, шубҳали нарсалардан сақланувчи шахс бўлиб, «Сени шубҳалантирувчи нарсаларни тарк эт, шубҳасиз нарсага қўл ур!» деган ақидага амал қилган.

Бадиузамон доимо сиёсат ва шайтон васвасасидан қочишни тарғиб этганлиги сабабли Мустафо Камол Отатурк билан унинг ўртасида келишмовчиликлар келиб чиққан.

«Нур» ҳаракати маърифатчилик, инсонларни Куръон асосида, муътадил ислом руҳида тарбиялашни ўзининг асосий мақсад қилиб олган. Оқимнинг раҳбарлари ислом фундаментализми таълимотларини рад этиб, ўз фаолиятида исломнинг умуминсоний характериға мурожаат этадилар. «Нур» ҳаракати ғояларини тарғиб этишда С.Нурсий томонидан ёзилган «Рисолаи нур» китоблар тўплами муҳим ўрин тутди. Унда Куръоннинг инсониятга, жамиятга ва табиатга нисбатан бўлган мавқеи ҳамда муносабати замонавий фикрлар асосида талқин этилган.

Мазкур ҳаракат фаолиятининг асосий йўналишларидан яна бири маърифат тарқатувчи—мактаб, лицей ва коллежлар тизимини фақат Туркияда эмас, хорижий давлатларда ҳам ривожлантиришдир. Ҳозирги кунда Туркиянинг ўзида «Нур» ҳаракатиға қарашли 103 та мактаб, 90 та турли жамғармалар, 460 та маърифий курслар ҳамда 500 га яқин ётоқхоналар фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, «Нур» ҳаракати ёрдамида Германия, Швеция, Нидерландия, Яқин Шарқ ва Африка мамлакатларида кўпгина мактаб, лицей, шифохона, радиостанция ва жамғармалар ташкил қилинган. Марказий Осиё давлатларининг ўзида ҳам «Нур» ҳаракатиға қарашли 128 та хусусий лицейлар фаолият кўрсатган эди.

Ўзбекистон ҳудудида «Нур» ҳаракати иштирокида 16 та ўзбек-турк лицейлари 5 таси Тошкентда, 2 таси Фарғонада, Нукус, Андижон ва бошқа вилоятларда ташкил этилган эди.

Таълим соҳасида «Нур» ҳаракати Туркияда Миллий таълим вазирлигидан кейинги мавқеи эгаллайди. «Нур» ҳаракатиға қарашли мактаблар бой моддий асосга эга бўлиб, бугунги кундаги унинг мулки 1,5 млрд. АКШ долларига тенг, деб баҳоланган.

«Нур» ҳаракатини ва унга тегишли мактабларнинг асосий молиявий манбаи ҳаракат томонидан назорат қилинувчи кўп сонли тижорат ширкатларининг маблағлари

ҳисобидан шаклланиб келган. Улардан энг йириклари «Ниско» ва «Осиё файанс» ҳисобланади. «Нур» ҳаракати тизимидagi мактабларда 7 мингдан зиёд ўқитувчи хизмат қилади. Уларнинг асосий қисмини эркаклар ташкил этади.

Мазкур ўқитувчилар одатда Туркиянинг нуфузли университетларини¹ битирган бўлиб, улар фаолият кўрсатаётган мактабларда кўпгина замонавий услубдан фойдаланилган ҳолда ўқиш инглиз тилида олиб борилади. Бу услуб Туркия жамиятининг турли қатламлари орасида «Нур» ҳаракати обрўсини янада оширади.

«Нур» ҳаракати таълим соҳаси билан бирга мамлакатдаги оммавий ахборот воситалари ҳаётида ҳам кучли таъсирга эга. Ҳаракат турк ва инглиз тилида чикувчи 14 та журнал, «Замон» кундалик рўзномаси, «Сомон йўли» телевизион канали ва 2 та радиостанция фаолиятини назорат қилиб боради.

«Нур» ҳаракати аъзолари ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик принципларига қатъий риоя қилиб, расмий ҳокимиятга ён бўлмаганлик сифатини тутди. 1999 йилнинг апрель ойидаги сайловларда ҳаракат аъзолари томонидан ҳеч бир партия аъзолари қўллаб-қувватланмади.

«Нур» ҳаракати ва унинг ҳозирги раҳбари Фатхулла Гюлен ҳақида Туркия ва хорижий давлатларда турли, бир-бирига қарама-қарши фикрлар мавжуд. Баъзилар бу ҳаракатни дунёвий давлат тузумининг душмани, ўз мактабларида диний тарғибот ишларини олиб боради, деб айбонлашлар, баъзилар эса мазкур ҳаракат замонавий мактаблар ташкил этиб, улкан маърифий ишларни амалга ошираётганини яънироф этадилар.

Ҳаракатнинг Греция патриархати ва раввинати ҳамда Сурин патриархати билан ўришган ҳамкорлик алоқалари унинг муътадил ислом доирасида иш юритаётгандек кўрсатади.

«Нур» ҳаракати аъзоларининг асосини ёшлар ташкил этиб, ҳаракат томонидан чоп этилган даъват варақаларини тарқатиш йўли билан уларнинг сафлари кенгаймоқда. Мазкур

оқим аъзолари Ҳиндистон, Покистон ва Малайзия мамлакатларида ҳам пайдо бўлган. Шунингдек, Америкада таҳсил олувчи турк талабалари орасида «Нур»чилар давлатига эргашувчилар борлиги сабабли бу ҳаракат АҚШ ҳудудида тарқалмоқда.

Нурчилар оддий, тушунарли ўғитлари, ислом дини таълимотига замонавий ёндашуви туфайли улар ислом модернистларидан тортиб, то ислом фундаменталистларигача бўлган турли йўналишлар томонидан тан олинди.

Нурчилик ва нурчиларга баҳо берилар экан, уларни ислом модернизми билан боғлаб қўйиш ва хотиржам бўлиш тўғри бўлмайди. Нурчилар қишлоқларда ва шаҳарлардаги қашшоқ табақалар орасида ўз таъсирларини кучайтирар эканлар, эътиқод масаласига зўр бериб, замонавий қарашларни унутиб қўйишлари ҳеч гап эмас, натижада ислом экстремистик ақидапараслигининг авж олиб кетишига қўшимча имконият яратилган бўлади¹.

«Ақромийлар» диний-экстремистик ташкилоти – 1996 йилда Андижон шаҳрида ташкил топган. Ушбу диний-сиёсий ҳаракат вакиллари Аллоҳгагина эътиқод қиладилар ва Пайғамбарга иймон келтирмайдилар. «Ақромийлар» бутунги мавжуд барча тузумларни тан олмайди, давлатга, қонун-қоидаларига ҳам, ота-онага ҳам эмас, фақат оқим сардорига бўйсуниш лозим, деб ҳисоблайди.

Унинг асосчиси 1960 йилда Андижон шаҳрида туғилган Акрам Йўлдошев «Ҳизбут-таҳрир» ғояларининг ихлосманди бўлиб, Тоқийўддин Набаҳоний таълимоти асосида 12 дарсдан иборат «Иймонга йўл» деб номланган дастурни ишлаб чиққан. Ушбу дастурда оқимнинг пировард мақсади ислом давлатини барпо этишдан иборат экани таъкидланган.

«Ақромийлар»нинг вазифаси шундаки, бошланғич босқичда бир вилоят шароитида маҳаллий ҳокимият фаолияти устидан назоратни ўрнатиш йўли билан ўз мақсадига эришишдир. Уларнинг тактикаси ўз ғоясини

¹ З.Хусниддинов. Ислам: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. Тошкент-2000, 44-бет.

таълимот қилиш билан ва аънавий ислом позицияларидан нисбатан даражасида кўпроқ мусулмонларни ажратиб олиш ва уларни ўз тарафига оғдиришдан иборатдир.

«Ақромийлар» томонидан қандай йўл билан бўлмасин, бу ҳаракат қилиш ва бу борада ислом қонунаридан муайян даражада четга чиқиш мумкинлиги ҳақида ҳам фикрлар бўлган. Жумладан, қундалик беш вақт намозни ўқини мажбурий эмаслиги, фақатгина ислом қаноқлиги ўрнатилгандан кейингина барча диний қарашлар ўтказилиши мумкин экан. Шундай таълимотга мувофиқ, конституция (асл ниятларини яшириш) мақсадларида «биродарлар» спиртли ичимликлар ичиш, синароғалар чекиш, вақтинчалик никоҳда ва ҳ.к. бўлишлари мумкин экан.

«Ақромийлар» ўз фаолиятларини бир неча босқичда амалга оширишни режалаштирганлар:

1-босқич босқич – «сирли», яъни махфий. Бу босқичда «ақромий» аъзолари тайланади, ўрганилади ва диний таълимотнинг асослари экстремизм руҳида тарбияланадилар;

2-босқич босқич – «моддий». Бу босқичда таълимотнинг сифатлари кенгайтирилиши, унинг аъзолари иш билан таъминланиши лозим. Кейинчалик шу йўлни ҳар бир иншо ўз даримаднинг бешдан бирини «байтул мол» яъни умумий ташнага ўтказиши лозим бўлади;

3-босқич босқич – «маънавий». Бу босқичда ўз аъзоларини жамлаштиришга, уларни рухий жиҳатдан бирлаштиришга ва кейинчалик ташкилот тузилмасини янада мукаммаллаштиришга қаратилган тадбирлар ўтказилади;

4-босқич босқич – «ушбу майдон» деб аталади, яъни конституциянинг ва кейинчалик ниятморий – сиёсий майдонга қаратилган назарда тутади. Бу босқичда ўз тарафдорларини давлат ва ниятморий тузилмаларга киргизиш, уларни ҳукуматдаги масъул лавозимларга кўтариш режалаштирилади;

5-босқич босқич – «охират», бўлиб, унда жамиятни буна – туқис исломлаштиришга эришиш ва Фарғона водийси

худудиди ҳокимиятни эгаллаш ҳамда маҳаллий теократик давлатни барпо қилишдек пировард мақсадни таъминлаш кўзда тутилади.

Ақром Йўлдошев 1997 йилдан бошлаб эса бу оқим аъзоларидан руҳий ва моддий маъсул шахсларни тайинлаган. У 1998 йилгача «Ақромийлар» экстремистик ҳаракатининг умуммаъсули сифатида фаолият кўрсатган. 1998 йилда у Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 276-моддасига асосан гиёҳвандлик воситаларини сақлаш в истеъмол қилишда айбланиб суд томонидан 2,5 йилга озодликдан маҳрум этилган. Ўша йилда Йўлдошевга нисбатан амнистия акти қўлланилиб, у жазони ўташдан озод этилган. 1999 йилда эса Ақром Йўлдошев Конституциявий тузумга қарши содир этган жинояти ва бошқа жиноий қилмишлари учун судланиб, 17 йилга озодликдан маҳрум этилган. Ақром Йўлдошев ўз кўрсатмасида, 2001 йилнинг октябр ойидан бери жазони ижро этиш бошқармасига қарашли тиббий муассасада сақланаётгани, маслақдошлари унга уяли телефон киритиб беришганидан сўнг, улар билан мунтазам алоқада бўлиб, биродарлар аҳволидан, Андижондаги вазиятдан хабардор бўлиб турганини қайд этган. У «Ақромийлар»нинг ўзидан кейинги умуммаъсуллари ва жиноий гуруҳнинг кўзга кўринган фаол аъзоларига телефон орқали йўл-йўриқлар кўрсатган. Турли топшириқлар бериб турган. Жумладан, 20 кишидан иборат қуролли тузилмалар тузиш, уларни қуроллантириш, судланаётган 23 нафар ақромий биродарини озод қилиш, ҳокимиятни қўлга киритиш ҳақида ҳам айнан Ақром Йўлдошев фатво берган.

Андижон воқеалари бир қанча юртдошларимизнинг қони ноҳақ тўкилишига ва бир қатор иншоотларнинг вайрон бўлишига олиб келди. Бу қўпуровчи қучларнинг ғаразли мақсадлари 2004 йилнинг баҳор ва ёз ойларида ҳамда 2005 йилнинг 13 май куни Андижонда ҳам яна бир бор намоён бўлди. Юртимизда содир этилган хатти-ҳаракатлар ортида турган ёзуз қучлар муқаддас ислом дини никоби остида

ҳокимиятни эгаллашга интилаётганлиги ҳаммага маълум бўлди.

АНДИЖОН ВОҚЕАЛАРИ ТЎҒРИСИДА...

2005 йилнинг 5-6 сентябрь кунлари бош прокуратуранинг тезкор – тергов гуруҳи Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича Олий Мажлиснинг мустақил комиссиясига тергов ҳаракатлари натижалари тўғрисида ахборот тақдим этди.

Маълумки, 2005 йил 12 – 13 май кунлари Андижон шаҳрида одамларнинг қурбон бўлишига ҳамда фуқаролар ва давлат мулкига катта моддий зарар етказилишига олиб келган қатор террорчилик ҳаракатлари содир этилди.

Бу фожиаги воқеалар бўйича тергов ишлари биринчи босқичида 15 нафар ўта фаол иштирокчига нисбатан якунидаги ва жиноий иш материаллари Олий судга кўриб чиқиш учун топширилди.

Дастлабки тергов давомида исботланиши зарур бўлган широнглар, шу жумладан, жиноятларнинг содир этилишига олиб келган сабаб ва широнгларга батафеил, ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолис баҳо берилди. 2100 дан ортиқ экспертиза тайинланди ва ўтказилди.

Тергов давомида Андижондаги террорчилик ҳаракатлари бузғунчи қучлар томонидан Ўзбекистоннинг мустақиллигига, унинг миллий манфаатларига қарши пухта режалаштирилган ва ташкил этилган ҳуруж бўлиб, мавжуд конституциявий тузумни ўзгартириш ва бу қучларнинг геосиёсий манфаатларига тўлиқ жавоб берадиган ислом давлатини тузишга қаратилгани аниқланди.

Мазкур жиноий иш юзасидан олиб борилган тергов бунга тўлиқ тасдиқлади.

2004 йил август ойидан бошлаб бу бузғунчи қучлар “Туркистон исломий ҳаракати”, “Ҳизбут-таҳрир” ва унинг оқимларидан бири бўлган – “Ақромийлар” халқаро террорчилик ва диний – экстремистик ташкилотларини жалб қилган ҳолда, 2005 йил май ойида ҳокимиятни эгаллаш ва

конституциявий тузумни ағдарिश мақсадида Ўзбекистонда террорчилик ҳаракатлари содир этишни режалаштирган.

Террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш бўйича сценарий ва батафсил режа пухта ишлаб чиқилган. Жумладан, куролли гуруҳларни тузиш, уларни жанговар тайёргарликдан ўтказиш, курол-яроқ ва ўқ-дори билан таъминлаш, ҳужум уюштириладиган объектларни, хусусан ҳарбий қисмлар ҳамда ҳарбийлашган тузилмалар бўлинмалари, уларнинг курол-аслаҳа омборларини аниқлаш ва разведка қилиш олдиндан режалаштирилган.

Терговда исботландики, “сценарийчилар” террорчилик ҳаракатларига тайёргарлик жойи сифатида Қирғизистоннинг жанубий вилоятларини танлаган, у ерда жорий йилнинг январидан апрелигача хорижий инструкторларнинг 70 га яқини диний экстремистларга кўпуровчилик-террорчилик усулларини ўргатган.

Андижонда ҳокимиятни зудлик билан эгаллаш мақсадида ҳар бирида 9 кишидан 22 кишигача бўлган 20 та ҳужум гуруҳи тузилган.

Бу гуруҳларнинг бошлиқлари ҳужум уюштириладиган объектларнинг схемаларини батафсил ўрганган, зарур курол – аслаҳа, портловчи модда ва ўқ-дориларни олдиндан тайёрлаб қўйган.

12 майдан 13 майга ўтар кечаси Қирғизистон фуқароларидан тайёрланган ва куролланган 60 нафар жангари Ўзбекистон ҳудудига бостириб кирган ва террорчилик ҳаракатларида фаол иштирок этган.

Террорчилик ҳуружи билан бир вақтнинг ўзида Ўзбекистонга қарши ахборот уруши ҳам тайёрланган. Террорчилик ҳаракатлари билан бир қаторда аҳолининг гўёки “тинч намоёйиши”ни уюштириш ҳам режалаштирилган. Бунинг учун террорчилик ҳаракатларининг ташкилотчилари иложи борица кўпроқ одамларни кўчага чиқаришга, безори жиноий унсурларга, аввало, ўзлари қамоқдан чиқариб юборган ўта хавфли жиноятчиларга Андижон шаҳри кўчаларида хунрезлик, қирғин, талон-тарож қилиш, ўт қўйиш

учун шароит ва имкон яратиш, бир сўз билан айтганда, “олов ва тутун қанча кўп чиқса, оммавий ғалаён, қўзғолон кўтарган ҳақ намоёйиши шунча яққолроқ кўзга ташланади” қабилида аёвсиз тўс-тўполон уюштиришни мўлжаллаган.

Маъқур ҳаракатлар “сценарийлари” гўёки “норози аҳоли” томонидан эгалланган ва уларга қарши ҳукумат кўшиқлари жанговар ҳаракатлар олиб бораётган шаҳар киёфсини яратишни кўзлаган.

Бу режага кўра, ҳамма жойда ҳозир нозир бўладиган “гуманитар”, “хайрия” деб аталмиш халқаро ташкилотлар пайдо бўлиб, бузғунчиларнинг тили билан айтганда, “тинч аҳоли қирғини”ни тўхтатишни талаб қилиш керак эди.

Воқеаларни айнан шу тарзда ёритиш уларнинг назорати остида бўлган оммавий ахборот воситалари зиммасига юклатилган. Шу мақсадда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қатор хорижий ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва чет эл хайрия жамиятларининг олдиндан хабардор қилинган нақиллари ҳали воқеалар бошланмасидан аввал 9, 10 май кунлари, кўпчилиги эса май ойининг биринчи кунларидаёқ Андижонга чегарадош ҳудудлар – Ўш, Аравон, Қорасув, Жалолободда тўплана бошлаган.

Улар бу минтақага келиб, Андижонда режалаштирилган портлашни қайд этиш ва ҳукумат ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти тўғрисидаги тўхмат-бўхтонларни тарқатиш учун воқеалар бошланишини кутган.

Устав талабларини бузган баъзи милиция ходимлари ва қарбий хизматчиларнинг заифлиги ва масъулиятсизлиги ҳам маълум даражада террорчиларга қўл келган.

Ўзларига ишониб топширилган объектларни қўриқлаш борасида хизмат вазифаларини бажаришга жинояткорона масъулиятсизлик билан муносабатда бўлган ҳамда босқинчиларнинг ҳужумига етарлича қаршилиқ кўрсатмаган 25 нафар ички ишлар органлари мансабдор шахслари ва қарбий хизматчига нисбатан жиноий иш кўзгатилиб, тергов қилинди.

Террорчилик ҳаракатлари оқибатида жами 187 киши ҳалок бўлган, улардан 60 нафари тинч аҳоли бўлиб, иккитаси вояга етмаган бола ва биттаси аёлдир. Террорчилар томонидан 31 нафар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходими ва ҳарбий хизматчи ўлдирилган. 287 киши турли даражадаги тан жароҳати олган, уларнинг 91 нафари тинч фуқаро, 49 нафари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходими ва 59 нафари ҳарбий хизматчини ташкил этади. Бузғунчиларга қарши қўрилган тадбирлар давомида 94 нафар террорчи йўқ қилинган, 76 нафари яраланган.

Террорчилик ҳаракатлари давомида жиноятчилар 70 кишини гаровга олиб, улардан 15 нафарини ваҳшиёна ўлдирган. Қўпуровчилар томонидан эгалланган 344 дона ўқотар қуролдан 255 таси, шу жумладан 180 та автомат, 59 та пистолет, 11 та милтик, 4 та пулемёт, 1 та гранатамёт қайтарилди.

Бундан ташқари, террорчилардан Қирғизистондан олиб ўтган 16 дона ўқотар қурол ҳам олинган. Уларнинг орасида рақамлари ўчирилган 7 та Калашников автомати ва 2 та снайпер милтиги, АҚШда ишлаб чиқарилган AR-15.5 автоматик милтик бор.

Қамокдан ноқонуний чиқариб юборилган 527 шахснинг 496 нафари қайтарилди, қолган 25 кишига нисбатан тезкор-қидирув тадбирлари олиб борилган.

Чунинчи, содир этилган жиноятларда бузғунчи кучларнинг иштироки, Андижон шаҳридаги театр ва кинотеатрга ўт қўйилишини уюштирган, бошқа жиноий ҳаракатларни содир этган шахслар ҳамда террорчилик ҳаракатлари ташқи кучлар томонидан молиялаштирилганини исботловчи далиллар ва бу маблағларнинг сарфланиши, ўз хизмат вазифаларига нисбатан қўрилган чоралар ҳақидаги ва бошқа саволларга батафсил жавоб қайтарилган¹.

«Ислом лашкарлари», «Адолат». 1990-1992 йилларда Наманган вилоятида «Отавалихон» жомъе масжидида Адбулла Ўтаев, Тоҳир Йўлдошев бошчилигида 100-200

¹ «Халқ сўзи» 2005 йил 7 сентябр.

кишидан иборат 60 дан зиёд гуруҳлар ташкил этилган эди. Ўша пайтларда «Адолат» ҳаракати фаоллари дружиналар тузиб, кечки пайт ўз маҳалласидан ташқарида юрган эркак-аёлларни тўхтатишган. Ичкиликбозликка қарши кураш учун айбдорларни масжид олдида устунларга боғлаб қўйишган. Ҳозир «Адолат»нинг мамлакатдан қочиб кетган баъзи фаоллари тожик муҳолифатига қўшилган. 1992 йил март-апрель ойларида уларнинг фаолияти тугатилди.

«Ал - Қоида» («Асос»). Радикал ислом ғояларига асосланган ушбу трансмиллий диний-сиёсий гуруҳнинг пайдо бўлишига Усома бин Лодин раҳбарлигида Афғонистонда Совет армиясига қарши урушда иштирок этиш учун қўнгилчиларни ёллаш ва уларни қурол-аслаҳа билан таъминлаш мақсадида Покистон ҳудудида тузилган «Мактаб ал - хидмат» бюроси асос бўлиб хизмат қилган.

Ташкилотнинг дастлабки тузилмалари Ғарб ва АҚШнинг глобал етакчилигига қарши кураш, исломнинг фундаментал асосларига қайтиш ва ягона ислом халифалигини қуришдек мақсадлар дастурига монанд равишда 1992 йилда Хартум (Судан)да қайта шакллантирилган.

«Ал - Қоида» раҳбарияти ғоявий жиҳатдан Мухаммад ибн Абдул-Ваҳҳоб ва Сайид Қутбларнинг асарларида баён қилинган тамойилларга асосланишини эътироф қилган ҳолда, амалда мусулмон давлатларидаги дунёвий ҳукуматларни алдариб ташлаш ва шариатга асосланган исломий давлат қуришдек асосий мақсадни кўзлайди.

«Ал - Қоида» раҳбариятининг Яқин Шарқдаги Араб - Исроил муаммосини мусулмон ва кофирлар орасидаги динлараро кураш сифатида таърифлаши, 1991 йил Америка қўшнларининг Ироқда Ҳарбий ҳаракат олиб бориш учун Саудия Арабистон ҳудудида жойлашувини мусулмон дунёсига нисбатан салб юриниши деб баҳолаши ҳам, АҚШни мусулмонларнинг асосий душмани, Исроилни эса унинг яқин ёрдамчиси, деб ҳисоблаши ҳам ташкилотнинг ғоявий қарангларини аниқ ифодалайди дейиш мумкин.

Диний-экстремистик ташкилотларнинг реакциялари ва кўпуровчилик фаолияти барча мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланишига ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда.

Бундан ташкари, мамлакатлар иқтисодиёти, инвестиция муҳитига жиддий зиён етказилмоқда. Хусусан, АҚШ конгресси томонидан тузилган Миллий комиссиянинг ҳисоботида кўра, 2001 йил 11 сентябрда амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари АҚШ ва жаҳон иқтисодиётига бевосита 135 млрд., билвосита 2 трлн. доллар зарар етказган.

Айни пайтда, диний-экстремистик ташкилотлар томонидан олиб борилаётган ташвиқот ёшларнинг сохта ғояга алданиб қолиши, юрт равнақи йўлидаги фаолиятидан чалғиши, жамиятдаги маънавий-руҳий муҳитнинг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Диний-экстремистик ташкилотлар фаолияти, шунингдек, мусулмон бўлмаган мамлакатлар аҳолиси ўртасида исломни "ёвузлик салтанати" ва таҳдид манбаи сифатида қабул қилинишига, "исломофобия"нинг турли кўринишлари пайдо бўлишига ҳам замин яратмоқда.

Қайд этилган ҳолатлар ҳам, диний экстремизм ва терроризмнинг кишилиқ жамиятининг нафақат бугунги кунга, балки истиқболга ҳам таҳдид солаётган омилга айланиши, инсоният бир бутун вужуд сифатида қарши курашга киришгандагина уни енга олиши мумкинлигини кўрсатади.

¹ Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. Тошкент-2005, 99-100-бетлар.

ТЕРРОРИЗМ – ЖАМИЯТ БАҲҚАРОРЛИГИГА ТАҲДИД СОЛУВЧИ МУДҲИШ ҲОДИСА

Халқларимизнинг табиатида мутаваккот бўлган сиёсий, диний экстремизм, ақиданарастлик ва бошқа ёвуз оқимларнинг минтақамизга кириб бериши ва тарқалиши тинчлик ва оқойишталикка, фарзандларимизнинг ақал-ақолига катта ҳафф тўғдиришини назарда олиб, чуқур сингдириб бериш керак. Халқларимизнинг тифаққурида юксак ахлоқий маънавий қадриятларни қарор топтириш ва мустақиллаш орқали уларни ёвуз кучларга қарши курашга сафарбар этиш зарур.

Ислом Каримов

Терроризм – аёвабам бор сиёсий-ҳуқуқий, тарихий, ижтимоий-психологик, динлараро ва бошқа муаммоларга бориб тақалувчи жуда мураккаб турли кўринишли, ўзгаришчан ва кундан-кунга авж олиб бораётган мудҳиш ҳодиса бўлиб, унинг бартараф қилиниши бу муаммоларнинг ечими билан ҳам боғлиқ.

Террор «куч, турли ҳилдаги қуролларни қўллаш, қўрилиш, бетўноқ қурбонларга сабаб бўлувчи зўравонлик» сифатида таърифланади. Бироқ, террор тушунчасини таърифлашда бирор бир мамлакат ичидаги ёки давлат четрасидан ташқаридаги фоживали воқеани таҳлил қилганда яна бир ёндашув ҳаттича йўқ.

Террор тушунчаси муомалага илк бор Францияда бўлиб аёвабам даврда қиритилган бўлиб, айнан кўркув, даҳшат, зўравонлик маъноларини англатади. Ҳозир бу атама аёвабам сиёсий аутатда мустақкам ўрнашди. Ижтимоий таровийёт билан бир қаторда «террор», «терроризм» тушунчалари ҳам янги мазмун билан бойиб бормоқда.

Кўрқитиш ва даҳшатга солиш орқали ўз ҳукмини ўтказишга уриниш террорчиликка хосдир. У иқтисодий, сиёсий, диний, ғоявий, миллий, гуруҳий, индивидуал шаклларда намоён бўлиши мумкин. Таъкиб, зўравонлик, қўпоровчилик ва қотиллик террорчиликнинг ҳар қандай кўриниши учун умумий хусусият бўлиб, у гуманизм, демократия, адолат тамойилларига зиддир. Шунинг учун ҳам терроризм қандай “байроқ” остида амалга оширилмасин, моҳиятан инсониятга, эзгуликка қарши жиноятдир.

Иқтисодий манфаатларни кўзловчи ва моддий бойликларни ўзлаштиришни мақсад қилиб олган террорчилик ҳаракатлари кенг тарқалган. Унда рақибларини ёки уларни яқинларини жисмоний йўқ қилиш, ўғирлаб кетиш, зўравонлик, тажовуз билан кўрқитиб, ўз ҳукмини ўтказишга уриниш, бойликларни ўзлаштириб олиш усуллари билан кенг фойдаланилади.

Терроризм кишилик жамиятининг барча босқичларида содир бўлган ҳодиса (феномен)дир. Масалан, диний мазмундаги террорчилик (Зардуштнинг ўлдирилиши), сиёсий терроризм Цезарни ўлдирилиши ва ҳ.к.лар шулар жумласидандир. Шарқ ва Ғарб мамлакатларида сиёсий ва диний террорчилик қоришиб кетган. Чунки, ҳукмдор ҳам диний, ҳамда дунёвий ҳокимиятнинг қонуний эгаси ҳисобланган. Масалан, Муҳаммад с.а.в. вафотидан кейин ҳукмронлик қилган тўрт халифадан фақатгина Абу Бакр Сиддик (632–634) гина ўз ажали билан ўлган. Қолган халифалар Умар ибн Хаттоб (634–644), Усмон ибн Аффон (644–656) ва Али ибн Абу Толиб (656–661) ларнинг барчаси сиёсий муҳолифлар томонидан ўлдирилган. XVI–XVII асрларда Ғарбий Европада муқаддас “Инжил” ғояларга шак келтирганларни инквизация (диний террор) ёрдамида даҳшатга солиб черковнинг жамиятдаги ҳукмрон мавқеини сақлаб қолишга жон–жаҳди билан уринишлар асосида диний мазмундаги террор (“инквизация”) сиёсати амалга оширила бошлади. Бундан шу нарса маълум бўладики, террор сиёсати, терроризм давр руҳига мос келмайдиган ғояларни ҳаётга

таъкиб этишда ожиз қолган кучлар томонидан амалга оширишга ҳаракат қилинади. Демак, террорчилик – ожизлик белгиси, деб хулоса чиқариш мумкин.

XVIII асрда маънавий инқилоб, яъни диний маърифат ўрнига дунёвий маърифатнинг жамиятдаги ўрни кескин ўсиши натижасида дунёвий давлатларнинг черковдан мустақил, дунёвий мантикка асосланган сиёсати қарор топиши билан сиёсий мазмундаги террорчилик кенг авж олди.

Муайян ижтимоий гуруҳ манфаатларини ўзида муассамлаштирувчи мафкуралар тўла ҳукмронликка эга бўлган жамиятларда террорчилик давлат сиёсатининг ажралмас қисмига айланади.

XX асрда бундай террорчилик хуружларини фашизм ёки большевизмнинг давлат сиёсатида кузатиш мумкин. XX асрдаги миллий тазйиқ сиёсатини ҳам террорчилик сиёсатининг алоҳида кўринишлари сифатида талқин қилиш мумкин. Жанубий Африка Республикасида то XX асрнинг 90 йилларига қадар олиб борилган апартеид сиёсати ёки XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг 70–йилларигача АҚШда қора танли фуқароларга нисбатан олиб борилган давлат сиёсатини ҳам террор сиёсатининг алоҳида кўринишлари эканлигини эътироф этмоқ керак.

Агар кўп сонли миллатнинг манфаатлари ҳисобга олиниб, қолган барча кичик этник гуруҳларнинг миллий эҳтиёжлари инобатга олинмасдан ўтказиладиган тазйиқ сиёсати миллий терроризмни келтириб чиқарса, муайян синфларнинг манфаатлари ва иродаси қонун даражасига кўтарилиб, бопқа ҳар қандай гуруҳлар манфаатлари инкор этиладиган жамиятлар (масалан, буржуа диктатураси, пролетариат диктатураси)даги сиёсат эса синфий террор сиёсатининг алоҳида кўриниши сифатида намоён бўлади ва

Хотирга пайтда терроризм алоҳида олинган давлат ёки минтақа доирасидан четга чиқиб, тобора халқаро миқёсда, унинг ҳаракат сифатида намоён бўлмоқда. Агар XX

асрининг 70-йилларида “қизил бригадалар” (Италия) бир мамлакат доирасида фаолият олиб борган бўлса, эндиликда инсоният тақдирини ҳал қилувчи ғояларга қарши муҳолиф ғоялар, таълимотлар атрофида уюшиб дунёвий тараққиёт келажагига катта ҳавф солаётган халқаро ташкилотга айланиб улгурди. Ҳозирги кунда жаҳонда 500 дан ортиқ турли хил халқаро террористик ташкилотлар, марказлар ва гуруҳлар мавжуд. “Ал - Қоида” халқаро террорчилик ташкилотини бунга бир мисол қилиб олиш мумкин. Бу ташкилотнинг туб мақсади ва мафкуриси дунёвий тараққий этаётган мамлакатлар, биринчи навбатда АҚШ, Европа давлатлари халқлари ҳаётига даҳшат уруғини сочиш орқали, мазкур халқлар ўз ҳукуматлари сиёсатига тазйиқ ўтказиб, уни Яқин Шарқ (Фаластин, Афғонистон, Ироқ) муаммосини ҳал этишда халқаро терроризм манфаатларига мос равишда ўзгартиришга эришишдан иборат. 1999 йил февралда юртимизда, 2001 йил 11 сентябрда АҚШда ҳамда 2004 йилда Испания, Туркия, Россия ва бошқа мамлакатларда содир этилган даҳшатли террористик хуружлар шунинг кўрсатмоқдаки, терроризм қандай байроқ кўтариб чиқмасин, қандай шиорлар билан никобланмасин, унинг реакцион, жинояткорона моҳиятини фарқлаб олиш, ёзув ниятини очиқ ташлаш онгли, хурфикрли инсоннинг, ҳар бир ватанпарвар фуқаронинг бурчидир¹.

2001 йил 11 сентябрь куни АҚШ шаҳарларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари нафақат ушбу мамлакат аҳолисини, балки бутун жаҳон ҳамжамиятини ҳам кўркув ва даҳшатга солди.

Ҳозирги кунда террористлар ўз қабих ишларини амалга оширишда одамларнинг соддалиги, ҳаётий тажрибасизлиги, муқаддас динимизга бўлган қизиқиш ва интилишларидан ғаразли мақсадда фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Бунинг учун улар «жиход», «шаҳидлик» ҳақидаги тушунчаларни нотўғри талқин қилиш йўлидан боришмоқда.

¹ Халқимизнинг ҳамжихатлиги терроризмга қарши кафолатдир. Тошкент, 2004 йил. 13-бет.

Бир ақидага муккасидан кетиб, бошқа фикрларни нотўғри ҳисоблаб, уларга муросасиз кайфиятда бўлувчи ҳимда ўз раҳномолари ғояси учун ўзини қурбон қилиш ҳолати ақидапарастлик деб аталади. Ўзини портлатиб, «шаҳидлик» дивосини қилаётган кишилар диний ақидапарастларнинг вакиллари дир.

Жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларига мос келмайдиган, уларга зид бўлган мутаассиб хатти-ҳаракатлар экстремистик ҳаракатлар деб аталади.

Террорчи ким деганда одатда, онги заҳарланган, фанатизмга берилган, ўзи қиладиган жиноий ҳаракатига ўзи жавоб бера олмайдиган, қиладиган ҳаракатини англамайдиган, кимнингдир ёвуз ниятини бажарадиган ижрочи кимса деб қабул қилиш керак.

Одамларнинг жонига қасд қилиш, ўлдириш, тазйиқ остига олиш, аҳолини ваҳимага солиш мақсадида қилинадиган, тинч инсонларни гаровга олиш каби ҳолатлар ва бунинг ортида сиёсий-диний ёки фанатик мақсадларда уюштирилган жиноятларни терроризм қаторига қўшиш ўриши.

Диний ақидапараст ва экстремист кучлар бугунги кунда айрим исломий тушунчалардан ўзларининг ғараз мақсадлари йўлида фойдаланмоқдалар.

Мантқиққа зид бўлсада жоҳиллар қуроли бўлмиш терроризм фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланмоқда. Бир мисол келтирайлик. Интернет саҳифаларида 7000 бетлик (!) «Жиход энциклопедияси»нинг пайдо бўлганлиги туфайли портловчи воситаларни ошхонада ҳам тайёрлаш мумкин бўлиб қолди. Чунки, бу саҳифаларда биологик қуролдан қандай фойдаланиш ёки шаҳидлик камарини тайёрлаш каби масалалар бўйича «қимматли» кўрсатмалар берилган.

Ядро энергетикаси, компьютер коммуникациялари ривожланган илғор технологиялар асрида юкоридаги мақсадларга фақат ва фақат мажбурлаш, зўравонлик йўли билангина эришиш мумкин. Қуръони Каримдаги «Динда

мажбурлаш йўқ» ояти бу жоҳил кимсаларнинг ниятлари исломга мутлақо зид эканлигини фош этса, «ўзингизни ўлдирмангиз» деган оят шаҳидликка даъво қилаётганлар «рахнамолари»нинг жаннат ҳузур-ҳаловатлари ҳақидаги ёлгон ваъдаларига лаққа тушганини кўрсатади.

Терроризмга қарши курашнинг энг самарали йўли, бу офатни таг-томири билан қўпориб ташлашнинг ягона чораси - терроризмни унинг мафкуравий пойдеворидан маҳрум қилишдир. Таассуфки, терроризмга қарши курашнинг айнан шу жабҳаси кўпинча эътиборимиздан четта қолмоқда. Ваҳоланки, айнан жаҳолат мафкураси кишиларни тўғри йўлдан адаштиради. Террорни ғоявий жиҳатдан озиклантириш айнан сохта ғоялар террорчиларнинг ҳар қандай разилликларни «оқлаш»га хизмат қилади, террор ижрочиларини ўлимга тик боришга ундайди. Айнан қонли мафкура бегуноҳларни ўлдиришни муқаддас бурч деб тушунтиради. Қон тўкилишини адолатнинг тикланиши деб баҳолайди.

Терроризмга ғоявий зарба беришда жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозимлигини ҳам унутмаслигимиз керак.

Қолаверса, ҳаётимизда йўл қўйилаётган камчиликлар айрим муаммолар ҳақида очиқ-ойдин гапирмаслигимиз ақидапарастларнинг тилларини беш қарич қилиб қўйиши мумкинлигини эътибордан қочирмаслигимиз лозим. Бир сўз билан айтганда терроризмга қарши ахборот уруши эълон қилишимиз, мафкуравий курашда жоҳил ёвга ютқазиб қўймаслигимиз талаб этилади.

Турли синов ва танловлар асосида дастлаб динга қабул қилишлар ҳисобидан, экстремистик ва террористик ташкилотлар сафини янги аъзолар билан тўлдириб бориш кўзда тутилган. Экстремистик ҳаракатларнинг энг қуйи табақаси кўпинча сиёсий фикрга эга бўлмаган, майда зўрлик ва жиноятлар содир этадиган унсурлар билан боғлиқ бўлади. Бундай зўрликнинг сиёсийлаштирилиши терроризм томон қўйилган биринчи қадам бўлади. Ўз доирасига янги

элементларни тортиб ован, террорчилик гуруҳи ёки унинг раёбарлиги сўзини бўйсунганини ва "иш"га мутаассибона қайиқнинг талаб қилади. Кейинроқ эса ёлланувчилар "ҳамма нарсага билаётган" ва уларга йўлбошчилик қилувчи сарбонга мўл қиладилар.

Қўпориш даврида энг аввало ахборот четириларининг барқарор топширида ўзининг намоён қилаётган глобаллашув инерцияси ва бир пайтлар ҳалқаро муносабатлар мазмунини боғланишдан янги қарам қарини куч - социализм ва капитализм ўртасидаги ўзаро курашнинг бирҳам топшири инерцияси экстремизм ва терроризм мамлакатлар, минтақалар ва улуғ дунё ҳаффеизлигига асосий таҳдид этилади. Биринчи уринга чиқди. Қўпоровчилик фаолиятининг турли кўринишларининг ўз ичига олган инфраструктуранинг шакллантирган ва ривожлантирган мазкур икки дунёларни ўртасидаги кураш ҳозирда турли хил кўчаларни бирлаштирган кўп қутбли дунёнинг мазкур инфраструктурага қарши курашдек шакл-шамойил касб этимоқда.

Аввало, экстремизм ва терроризмнинг анархизм ва фашизмнинг архаик шакллари билан қоринмаси ҳисобланган ва бундан кен қатлавлари билан боғловчи ҳалқа сифатида ислом инферларидан усталик билан фойдаланадиган, аслида янги ҳалқа билан ҳеч қандай алоқаси йўқлигини моҳирона яшира оладиган ҳолат касб этди. Ўз вақтида, XX асрнинг 70-йилларида, террорчилар ҳалқ билан биргаликни кўрсатиш ва унинг намоён қарават қилиш учун коммунизм шиорлари остида фаолият юритишни ва шу йўл билан маблаг тўплаши қўлайроқ экан. Ушш йилларда Латин Америкасида экстремистик руҳдаги коммунистпараст тузилмаларнинг жаннатлари жаҳонда паронадаликни юзга келтириш ва тартибсизлик туғилишида коммунистларнинг ҳокимиятни қўлга олинишга шароит яратишга қиратишга кўплаб террорчилик куружларини содир этардилар. Бироқ аксарият ҳалқларда, улар ҳокимиятни қўлга олиш ниятларига эриша олмадилар ва жаҳон аъзолари диққатини жалб қилиш

мақсадини кўзлаган шов-шувли террорчилик хуружларини амалга ошириш билан қаноатланишга мажбур бўлдилар. Экстремистик тузилмаларнинг асосий мақсади аслида жамиятни қўрқув ва ваҳимада тутиб туриш ва шу йўл билан омма онгида ноиложлик, эртанги кунга ишончсизлик туйғуларини шакллантиришга қаратилган эди.

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ МАФКУРАВИЙ ВА МАЪНАВИЙ – ТАРБИЯВИЙ АСОСЛАРИ

Республикамизда ғайриинсоний ва ғайриисломий ғояларни тарқатишга ҳаракат қилаётган диний экстремистлар ҳам ўзларининг ғаразли мақсадларини, яъни ёшларни жалғитиш, улар ёрдамида мамлакатни ўз тараққиёт йўлидан четлатиб юборишга интиладилар. Юқоридаги мулоҳазалардан ҳам кишилар қалби ва онгини эгаллаш ғоявий курашнинг бош мақсадига айланганини англаб етиш мумкин. Юртбошимиз фикрича, бугунги кунда инсоният қўлида мавжуд бўлган қурол-яроғлар ер қуррасини бир неча бор яқсон қилишга етади буни ҳаммамиз яхши англаймиз. Лекин ҳозирги замондаги энг катта хавф – инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади. Бу аччиқ ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик лозим.

Ўз моҳияти билан инсониятга зид бўлган, шу жумладан, диний экстремистик ғояларга қарши тура олиш учун кишиларимизда мафкуравий иммунитетни шакллантириш марказий масалалардан бирига айланмоқда. Иммунитет (лот. *Immunitas* – озод бўлиш, қутилиш) деганда тиббиётда организмнинг доимий ички муайянлигини сақлаши, ўзини турли, шу жумладан, зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишга қодир бўлган хусусиятлари мажмуи тушунилади. Иммунитет

нинг вужудининг турли юқумли касалликларига қаршилик ҳусусиятини ҳам ифода қилади.

Иммунитет туғма бўлган ана шу умумий иммунитет тизимидан фарқли равишда мафкуравий иммунитетни ҳам шакллантириб бориш зарур. У ҳар бир инсон учун ўзига хос вужудига эга бўлади. На мафкуравий дахлсизликни тизимининг асоси қилади.

Мафкуравий иммунитет тизимининг, асосий ва биринчи унсури, бу билимлар. Амма билимлар кўп. Диний экстремизм ва терроризм тарафдорлари ҳам муайян "билим" даражасига эришган ва уни омма онгига сингдиришга ҳарият қиладилар. Демак, мафкуравий иммунитет тизимидан билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўла рақобат қилиши, инсон маънавиятининг бойиши ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим. Бу, бир томондан, Иккинчи томондан, билимлар ўз моҳият эҳтиборига кўра, Ватан, миллат, инсоният манфаатлари билан унвон берилган бўлмоғи керак. Фуқароларнинг асл ислом ҳақида ҳолис ва етарли билимга эга бўлишлари диний экстремизмга қарши иммунитетни шакллантиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Ҳақиқий ҳимоялашнинг иккинчи асосий унсури ана шундай билимлар замирида шаклланидиган баҳолаш, қадриятлар тизимидир. Билимлар қанчалик ҳолис ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келган баҳолаш қадриятлар ҳам интуитив мустаҳкам бўлади. Бир сўз билан айтганда, қадриятлар тизими мафкуравий иммунитетнинг имкониятларини белгилаб беради ва мафкуравий инфекциялар йўлида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қилади.

Қайд этилган мулоҳазалар асл ислом ҳақида муайян билимларга эга бўлиш, унинг байроғи остида никобланган сохта ғоялар, қарашлар ва ҳаракатларни тўғри баҳолаш, уларнинг моҳиятан исломий қадриятларга бутунлай зид эканини англаб етишга хизмат қилади, деган хулосани чиқариш имконини беради. Билимлар ва қадриятлар тизими ҳам мафкуравий иммунитетнинг моҳиятини тўлиқ ифода эта

олмайди. Зеро, мафкуравий иммунитетнинг учунчи муҳим унсури ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий соҳаларидаги мўлжал ва мақсадлар тизими билан боғлиқ. Ана шундай аниқ тизим бўлмас экан, ҳоҳ алоҳида инсон, ҳоҳ миллат ёки жамият бўлсин, гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги мафкуравий тазйикларга бардош бериши амри маҳолдир.

Ғоявий иммунитет тизимини шакллантиришга ёт ғоялар кириб келишини олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига оладиган мафкуравий профилактиканинг ўрни катта. У ижтимоий муассасалар томонидан хилма-хил шаклларда амалга ошириладиган ғоявий-тарбиявий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ишлар мажмуини тўғри ташкил этилган бутун тарбия тизимини қамраб олади. Бугунги кунда мамлакатимизда миллий истиқлол ғояси руҳи билан йўғрилган яхлит тарбия тизими яратилди. Уни доимий такомиллаштириб бориш ва давр даъватларига ҳозиржавоблигини таъминлаш эса ҳар биримиз ва ҳаммамизнинг асосий вазифамиз ҳисобланади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, “Миллат бор экан, миллий давлат бор экан унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар”.

Кўпчилик мамлакатларда мафкуравий ва маънавий-маърифий тарбия тизими дунёвий моҳиятга эга таълим-тарбия муассасаларида ёшларга дин ҳақида илмий асосланган билимлар бериш ва диний муассасалар имкониятларидан диний-маънавий тарбиянинг муҳим ўчоғи сифатида фойдаланишдек жиҳатларни қамраб олади. Уларни рўёбга чиқаришда турли шу жумладан анчагина қисми халқаро ташкилотлар мақомига эга бўлган ноҳукумат, нотижорат ташкилотлар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Диний-сиёсий

экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг халқаро тажрибасида динлараро бағрикенглик ғояси тарғиботи алоҳида ўрин тутмоқда. Бугун уни тарғиб қилаётган ўнлаб ташкилотлар дунё бўйлаб фаолият юргизмоқда. Уларнинг орасида ЮНЕСКО каби глобал миқёсида амал қилаётган нуфузли халқаро муассасалар ҳам бор.

Бу йўналишда олиб борилаётган ишларда диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг халқаро сиёсий-ҳуқуқий заминини мустаҳкамлаш билан бирга, унинг маънавий-маърифий асосларини кучайтириш жаҳон ҳамжамияти олдидаги энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади¹.

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА ШАРТНОМАЛАР

Терроризм конвенцион жиноятлар турига мансуб бўлиб, ушбу жиноятлар хусусида, инсоният ўз қарашларини ва муносабатини турли халқаро ҳужжатларни қабул қилиш орқали намоён этган. “Терроризмнинг олдини олиш ва жазолаш тўғриси”да 1937 йилда қабул қилинган Женева Конвенцияси бунга мисол бўлади. Ушбу соҳага мансуб халқаро-ҳуқуқий актларни қуйидагиларга бўлиш мумкин:

- универсал хусусиятга эга халқаро актлар – буларга “Халқаро жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги Конвенцияларни киритиш мумкин. Булар 20 га яқин актлардир. “Терроризмнинг олдини олиш ва уни жазолаш тўғрисида”ги конвенция, “Одамларни гаровга олишга қарши кураш тўғрисида”ги Конвенция (1979 й), “Халқаро терроризмни йўқотиш чоралари тўғрисида”ги Декларация (1994 й)га тўлдиришлар ва ўзгартиришлар киритилди.

- минтақавий хусусиятга эга бўлган халқаро актлар. Буларга 1979 йилда қабул қилинган терроризмга қарши кураш тўғрисидаги Европа конвенцияси, 1996 йил 5 апрелда

¹ Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий – маърифий асослари, Тошкент – 2005 йил, 136 бет.

қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси ҳамда Қозоғистон Республикаси ҳукуматлари ўртасидаги келишув ва ҳоказолар қиради. Бундай актлар минтакавий хусусиятга эга бўлиб, улар ўзига хослиги билан ажралиб туради, террористик акт тушунчасини белгилайди.

- ҳукуматлараро шартномалар. Булар энг аввало, халқаро жиноятчиликнинг айрим турларига қарши кураш тўғрисидаги икки томонлама келишувлардир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Германия Федератив Республикаси ҳукумати томонидан 1995 йил 11 ноябрда қабул қилинган Уюшган жиноятчилик, терроризмга қарши ҳамкорликда кураш олиб бориш тўғрисидаги келишув, 1995 йил 4 сентябр Ўзбекистон Республикаси ҳамда Грузия Республикаси ҳукуматлари томонидан қабул қилинган "Терроризмга қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида"ги келишув, 1996 йил 19 октябрь Ўзбекистон Республикаси ҳамда Покистон Ислом Республикаси ҳукуматлари томонидан қабул қилинган "Терроризмга қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида"ги келишув ва бошқалар.

Марказий Осиё давлатлари учун диний экстремизм ва халқаро терроризм хавфи 1990 йилда Наманган ва Андижонда, 1990–1996 йилларда Тожикистондаги фуқаролик уруши ва мажаролар давомиди, 1999 йили 16 февралда Тошкент шаҳрида, 1999–2001 йиллари Қирғизистоннинг Боткен, Ўзбекистоннинг Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида, 2004 йилнинг март – апрель ойларида Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида ҳамда 2004 йилнинг июл ойида Тошкент шаҳри ҳамда 2005 йил май ойида амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари тимсолида ўзини кўрсатди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов 1993 йил 28 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида қилган маърузасида жаҳон ҳамжамиятини Афғонистон муаммосини изчил ўрганиш ва ечишга чақирди. "Толибон" ҳаракатининг диний мутаассиб ва жангарилик фаолияти ҳақида ушбу ҳаққоний фикр АҚШдаги 2001 йил 11 сентябрь фожиаларидан сўнг тан олинди.

2001 йилнинг 28 сентябрида БМТнинг Хавфсизлик кенгаши (373(2001) – сонли резолюциясини қабул қилиб, БМТ доирасида терроризмга қарши кураш кўмитасини тузди. Ушбу кўмитанинг тузилиши ва фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов таклиф қилган терроризмга қарши кураш халқаро марказининг асосини қамраб олади. Биро, Юртбошимиз 1999 йилнинг сентябрыда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХҲТ) Стамбулда бўлиб ўтган Саммитида ва (НН) Янгиини 7-8 сентябрь кунлари Нью-Йоркда ўтказилган БМТ Бош Ассамблеясининг "Мингйиллик саммити"да БМТ тушунмаларида терроризмга қарши кураш алоқари марказини тузиш таклифини баён этган эди. Ушбу ташаббус рўйга чиққандан сўнг, Ўзбекистон 2001 йил декабрь ойида ва 2002 йилнинг август ойида БМТ Хавфсизлик кенгашининг юқорида зикр этилган резолюцияси баён қилинган ҳусусида БМТнинг терроризмга қарши кураш кўмитасига маърузалар тақдим этди.

Ўзбекистон терроризмга қарши қаратилган кўплаб халқаро шартномаларни ратификация қилиб, улардаги маъбуриятларнинг иттиҳ бажариб келмоқда. Шу билан бирга, бу масалаларда ўзининг ташаббусларини илгари сураётганини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

БМТнинг терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашга қаратилган 13 та ҳужжати (11 та Конвенция ва 2 та протокол) мавжуд. Ҳозирда Ўзбекистон 12 ана шундай халқаро шартномаларни ратификация қилган. Улар орасида "Фуқаро авиациясининг хавфсизлигига таҳдид соладиган ноқонуний актларига қарши кураш" (1991); "Халқаро асосдан фойдаланувчи шахслар, шу жумладан дипломатик агентларга қарши жиноятлар учун жазолаш ва уларни оқтартиф қилиш" (1973); "Гаронга олиш ҳаракатларидаги қарши кураш" (1979); "Ядровий материалларнинг ҳимояси" (1980); "Денгиз кемалари ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган ноқонуний актларига қарши кураш" (1988); "Томбавий терроризмга қарши кураш" (1997); "Терроризмни

молиялаштиришга қарши кураш” (1999) каби халқаро конвенциялар бор.

Бугунги кунда БМТ томонидан “Ядровий терроризм хуружларига қарши кураш тўғрисида”ги халқаро конвенция ва “Терроризмга қарши кураш бўйича ялпи концепция” лойиҳалари тайёрланаётгани Ўзбекистон Республикасининг терроризмга қарши кураш борасидаги ташаббусларига ҳамоҳангдир.

Ўзбекистон Европа Кенгаши доирасида ҳам терроризмга қарши курашга қаратилган 7 халқаро шартномани имзолаган. Уларнинг ичида 1977 йилдаги терроризмни олдини олиш; 1978 йилда шахсларнинг ўқотар қуролларини сотиб олиш ва уларнинг сақланишини назорат қилиш; 1983 йилдаги зўравонлик билан амалга оширилган жиноятлар оқибатида жабрланганларга компенсациялар бериш тўғрисидаги Европа Конвенциялари ҳамда 1957 йилдаги экстрадиция тўғрисидаги Европа Конвенцияси 1975 ва 1978 йилдаги қўшимча протоколлари ва 1959 йилдаги жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Европа Конвенциясининг 1978 йилдаги қўшимча протоколи билан имзоланганлигини алоҳида қайд қилиш лозим¹.

¹ Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари, Тошкент – 2005 йил. 140-бет.

ЁТ ВА БУЗГУНЧИ ҒОЯЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА МАЪРИФАТ ТАМОЙИЛИ

*Жамият тараққиётининг асоси, уни
муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган
ягона куч маърифатдир.*

Ислом Каримов

Глобализшув шароитида диний экстремизм ва терроризм таҳдидларига қарши кураш инсоният жамияти олдида турган энг долзарб масалалардан бири бўлиб бормоқда. Мамлакатимизда ҳам бетуноҳ кишиларнинг қони тўкилиши, обод жойлар вайрон бўлиши, аҳоли ўртасида ваҳима, порақандалик келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида бу каби таҳдидларни амалга оширмоқчи бўлганларга қарши қатъий кураш олиб боришмоқда. Бу курашнинг моҳияти Юртбошимиз Ислом Каримов томонидан асослаб берилган “Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин”¹, – деган ғояда ҳам ўз ифодасини топган.

Жаҳолат нима? У арабча “жаҳила” феълининг ўзаги бўлиб, билмаслик маъносини англатади. Ислом динидан олдинги давр “жоҳилият даври” деб аталишининг сабаби ҳам шунди. Кишилар билимсизлиги, жоҳиллиги туфайли қиз болаларни тириклай кўмганлар, аёлларни одам ўрнида кўрмаганлар, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари топталган, жамият ширк ботқоғига ботган замон бўлган. Ислом дини пайдо бўлган, жаҳолат ўрнини маърифат эгаллади. У хотин-қизлар шаллини кўкларга кўтарди, уч қиз тарбиялаб, уларни турмушга берган оша жаннати бўлиши мумкин, жаннат ошлар оғи остида эканини баралла айтди. Кишилар маърифатли бўли бошлади.

Минг афсуски, бугунги кунда ҳам жаҳолат турли кўринишларда ўзлигини намоён қилмоқда. Шуларда бири, диний билимсизликдир. Диний саводхонлиги пастроқ бўлган

¹ Жамиятимиз миққураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. “Тафаккур” журнали: Ёш муҳаррирининг саволларига жавоблар. “Тафаккур” журналининг 1998 йил. 2-сонини.

кишилар ўзларини ислом динининг жонкуярлари этиб кўрсатувчи, аслида эса, ҳокимиятни эгаллашни мақсад қилиб қўйган турли оқим вакилларининг қуруқ ваъдаларига алданиб, ҳатто ўзларини қурбон қилишгача этиб бормокдалар. Бундай мудҳиш оқибатларни келтириб чиқарувчи билимсизликнинг олдини олишга давлатимиз катта эътибор қаратаётганини таъкидлаш зарур. Ҳақиқий диний билим оламан деганларга кенг имкониятлар яратилганини – мадрасалар, Тошкент ислом олий маъҳади ва Тошкент ислом университети каби ўқув юрлари фаолият кўрсатаётгани ҳам жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш борасида аниқ амалий ишлар қилинганининг ёрқин ифодасидир.

Таъкидлаш керакки, жоҳиллик ҳам мутаассиб оқимларнинг ғаразли ниятларини амалга оширишга замин яратадиган омиллардандир. Мамлакатимиз ҳудудига яширин тарзда олиб кирилаётган экстремистик руҳдаги адабиётлар, тарқатилаётган варақалардан таъсирланаётган ва тўғри йўлдан адашаётганларнинг борлиги ҳам бунни тасдиқлайди.

Ғаразли ғоялар тарқалишининг олдини олиш учун жойларда экстремистик оқимларнинг ниятлари мудҳишлигини фош этиш мақсадида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда, телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар бериб борилмоқда. Фуқароларимизнинг экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишига йўл қўймаслик учун тарғибот-ташвиқот ишларини янада такомиллаштириш талаб этилади.

Ўзини портлатиш орқали бегуноҳ кишиларни ҳалок бўлишига, қанчадан-қанча болаларнинг етим қолишига сабаб бўладиган жафокорлик ҳам жаҳолатнинг ўзига хос кўринишидир.

Бундай жафокорлик энг оғир гуноҳлардан ҳисобланади. Куръони каримнинг “Кимдаким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамда абадий қолишдир. Яна унга Аллоҳ ғазаб қилгай, лаънатлагай ва унга улкан азобни тайёрлаб қўйган”, – деган ояти ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Қайд этилганлар ҳам жаҳолат оғир оқибатларни келтириб чиқаришини кўрсатади. Шундай экан, одамлар онги

ва қалбида маърифатнинг мутлоқ устувор бўлишига эришиш, кишилар тафаккурини бойитиш, уларда соғлом ва собит эътиқодни шакллантириш учун кураш, бу йўлдаги назарий ва амалий ишларнинг ҳозиржавоблигини таъминлаш, таъсирчанлигини ошириш долзарб вазифалардан бўлиб қолаверади. Зеро, Президентимиз ўринли таъкидлаганларидек, одамнинг ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятлар, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлиши ҳар турли мафкураларнинг босими, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги тазйиқ таҳдидларига бардош беришининг асосий шарти ҳисобланади¹.

1	Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий ва маърифий асослари. “Тошкент ислом университети” нашриёти. Тошкент – 2005 йил. 120 – бет.
2	Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий ва маърифий асослари. “Тошкент ислом университети” нашриёти. Тошкент – 2005 йил. 120 – бет.
3	Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий ва маърифий асослари. “Тошкент ислом университети” нашриёти. Тошкент – 2005 йил. 120 – бет.
4	Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий ва маърифий асослари. “Тошкент ислом университети” нашриёти. Тошкент – 2005 йил. 120 – бет.
5	Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий ва маърифий асослари. “Тошкент ислом университети” нашриёти. Тошкент – 2005 йил. 120 – бет.
6	Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий ва маърифий асослари. “Тошкент ислом университети” нашриёти. Тошкент – 2005 йил. 120 – бет.
7	Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий ва маърифий асослари. “Тошкент ислом университети” нашриёти. Тошкент – 2005 йил. 120 – бет.

¹ Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий ва маърифий асослари. “Тошкент ислом университети” нашриёти. Тошкент – 2005 йил. 120 – бет.

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ МАЪНАВИЙ ВА МАЪРИФИЙ АСОСЛАРИ ЎҚУВ КУРСИ

ДАСТУРИ

Дастур¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Тошкент ислом университетида тайёрланган.
Дастур Тошкент ислом университети Илмий кенгашининг
2004 йил 21 сентябрдаги мажлисида тасдиқланган

Маъруза машғулоти мавзулари ва иш режаси

№	Мавзулар	Соат
1	Давлат ва дин. Ўзбекистонда давлатнинг дин ва диний ташкилотлар билан муносабати	2
2	Ислоннинг Марказий Осиё минтақасидаги ўрни ва аҳамияти: тарих ва ҳозирги замон	2
3	Диний экстремизм ва терроризм — жамият барқарорлигига таҳдид	2
4	Мусулмон дунёсининг диний экстремизм ва терроризмга қарши кураши	2
5	Марказий Осиёдаги барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солаётган диний экстремистик ва террористик ташкилотлар	2
6	Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг халқаро сиёсий-ҳуқуқий асослари	2
7	Ўзбекистоннинг диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши кураши	2
	Жами	14

I. ДАВЛАТ ВА ДИН. ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТНИНГ ДИН ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН МУНОСАБАТИ

«Эътиқод» тушунчаси. Дин эътиқоднинг ўзига хос кўриниши сифатида. Диннинг бағрикенглик моҳияти.

Ҳозирги даврда дин ва давлат муносабатлари. Дунёвий давлатнинг динга муносабатини белгилаб берувчи асосий тамойиллар (эътиқод эркинлиги, миссионерлик ва прозелитизмнинг таъкикланиши, диний маросимларни ўтказиш эркинлиги ва бошқалар).

Ўзбекистоннинг дунёвий ривожланиш йўли. Давлат жамият аъзолари, жумладан, диндорлар манфаатини ҳимоя қилишнинг муҳим воситаси. Ўзбекистонда виждон эркинлигининг конституциявий асослари. Диннинг давлатдан ажратилиши.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири (1998 йил). Ўзбекистонда диний ташкилотларни рўйхатга олиш тартиби.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи диний ташкилотлар.

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолиятига алоқадор қонунларни бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик.

Диний қадриятлар тикланишининг жамият маънавий ҳаёти ривожидagi ўрни ва аҳамияти.

II. ИСЛОМНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ: ТАРИХ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Мовароуннаҳрда динларнинг ривожланиши ва жамият маънавий ҳаётида тутган ўрни (исломгача бўлган давр).

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ислом тарихи. Марказий Осиё мутафаккирларининг ислом илмлари ва маданияти ривожидagi ўрни.

Ҳанафийлик — исломдаги энг мўътадил мазҳаб. Ўрта асрларда Марказий Осиёда тасаввуф ривожланишининг ўзига

¹ Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий ва маърифий асослари ўқув курси дастури. Тошкент, 2004 йил

хос хусусиятлари. Бунёдкорлик ва бағрикенглик анъаналарининг такомиллашуви.

Ҳозирги даврда минтақа халқлари ва кишиларининг маънавий-ахлоқий қарашлари шаклланишида ислом динининг ўрни ва аҳамиятининг ошиши: сабаблар, омиллар, истикболлар.

III. ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ - ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАҲДИД

Экстремизмнинг мазмун-моҳияти ва келиб чиқиш сабаблари. Экстремизмнинг кўринишлари ва намоён бўлиш шакллари. Диний экстремизм: пайдо бўлиш тарихи, моҳияти ва турли динларда намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари. Диний экстремизмнинг манбалари.

Терроризмнинг моҳияти, пайдо бўлиш сабаблари ва намоён бўлиш шакллари.

Жаҳонда диний экстремизм ва терроризм тарқатилишининг асосий сабаблари, ўчоқлари ва молиявий манбалари.

Диний экстремизм ва терроризмнинг жаҳон ҳамжамияти ва алоҳида олинган давлатларнинг барқарор ривожига таҳдиди.

Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда маънавий ва мафкуравий тарбиянинг ўрни.

IV. МУСУЛМОН ДУНЁСИНИНГ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИ

Аҳолининг кўпчилигини мусулмонлар ташкил этадиган мамлакатлар: географик ва этномаданий тавсифлар.

Диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш мусулмон мамлакатлари учун энг долзарб вазифалардан бири сифатида. Мутассиб, жангари исломнинг мусулмон дунёси учун хавфи.

Диний экстремизм ва терроризмни олдини олиш ва унга қарши кураш борасида мусулмон дунёси мамлакатлари томонидан олиб борилаётган ҳаракатлар.

Мусулмон мамлакатларида диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашнинг сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари.

V. МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ БАРҚАРОРЛИК ВА ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД СОЛАЁТГАН ДИНИЙ ЭКСТРЕМИСТИК ВА ТЕРРОРИСТИК ТАШКИЛОТЛАР

Жамият ривожланишининг ўтиш даврида маънавий-маърифий устувор йўналишлари.

Диний экстремизм ва терроризмнинг Марказий Осиё минтақасида намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари. Диний экстремистик ҳаракатларнинг Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистондаги гаразли мақсад ва интилишлари.

Марказий Осиёда фаолият юритишга интилаётган диний экстремистик ташкилотлар («Ҳизбут таҳрир», «Ўзбекистон ислом ҳаракати», «Нурчилар» ва б.). «Халифалик» тушунчаси.

Ёшлар ва хотин-қизлар орасида экстремистик ғояларни тарқатишга уринишнинг асосий сабаблари. «Шаҳид» тушунчаси.

«Жаҳолатга қарши маърифат» ғоясининг мазмун-моҳияти ҳамда диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олишдаги аҳамияти.

VI. ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ХАЛҚАРО СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг халқаро сиёсий-ҳуқуқий асослари.

БМТнинг экстремизм ва халқаро терроризмнинг олдини олишга қаратилган конвенцияларининг мазмуни ҳамда уларни рўёбга чиқариш шакллари ва усуллари.

Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда халқаро манавий-маърифий алоқаларнинг ўрни ва аҳамияти.

VII. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИ

Ўзбекистоннинг халқаро майдонда диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши кураш борасида олиб бораётган қатъий сиёсатининг моҳияти.

Экстремизм ва терроризмга қарши курашга қаратилган халқаро шартномаларда Ўзбекистоннинг иштироки.

Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлашнинг муҳим бўғини.

Терроризмга қарши кураш бўйича минтакавий ташкилотлар фаолиятида Ўзбекистоннинг иштироки.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий ислохотлар-жамият барқарор ривожланишининг асосий омили.

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш – Ўзбекистон тараққиётини таъминлашнинг устувор йўналиши.

Диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашда дин соҳасидаги илмий асосланган сиёсатнинг ўрни ва аҳамияти.

Миллий истиқлол ғояси ва фуқароларда диний экстремизм ва терроризмга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш: натижалар, муаммолар ва вазифалар.

«ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ МАЪНАВИЙ ВА МАЪРИФИЙ АСОСЛАРИ» ЎҚУВ КУРСИДАН МАЪРУЗАЛАР РЕЖАСИ (10 СОАТ)

I. Мавзу: Давлат ва дин. Ўзбекистонда давлатнинг дин ва диний ташкилотлар билан муносабати

Режа:

1. «Эътиқод» тушунчаси. Дин эътиқоднинг ўзига хос кўриниши сифатида. Диннинг бағрикенглик моҳияти.

2. Ҳозирги даврда дин ва давлат муносабатлари. Дунёвий давлатнинг динга муносабатини белгилаб берувчи асосий тамойиллар (эътиқод эркинлиги, миссионерлик ва прозелитизмнинг таъқиқланиши, диний маросимларни ўтказиш эркинлиги ва бошқалар).

3. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири (1998 йил).

4. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолиятига алоқадор қонунларни бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик.

Диний кадрларнинг тақдирининг жамият маънавий ҳаёти ривожигаги ўрни ва аҳамияти.

II. Мавзу: Исломнинг Марказий Осиё минтақасидаги ўрни ва аҳамияти: тарих ва ҳозирги замон

Режа:

1. Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Мовароуннаҳрда динларнинг ривожланиши ва жамият маънавий ҳаётида тутган ўрни.

2. Ханафийлик – исломдаги энг мўътадил мазҳаб. Ўрта асрларда Марказий Осиёда тасаввуф ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари. Бунёдкорлик ва бағрикенглик анъаналарининг такомиллашуви.

3. Ҳозирги даврда минтақа халқлари ва кишиларнинг маънавий-ахлоқий қарашлари шаклланишида ислом динининг ўрни ва аҳамиятининг ошиши: сабаблар, омиллар, истиқболлар.

III. Мавзу: Диний экстремизм ва терроризм-жамият барқарорлигига таҳдид

Режа:

1. Экстремизмнинг мазмун-моҳияти ва келиб чиқиш сабаблари. Экстремизмнинг кўринишлари ва намоён бўлиш шакллари.

2. Терроризмнинг моҳияти, пайдо бўлиш сабаблари ва намоён бўлиш шакллари. Жаҳонда диний экстремизм ва терроризм тарқатилишининг асосий сабаблари, ўчоқлари ва молиявий манбалари.

3. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда маънавий ва мафқуравий тарбиянинг ўрни.

IV. Мавзу: Мусулмон дунёсининг диний экстремизм ва терроризмга қарши кураши

Режа:

1. Аҳолининг кўпчилигини мусулмонлар ташкил этадиган мамлакатлар: географик ва этномаданий тавсифлар.

2. Диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш мусулмон мамлакатлари учун энг долзарб вазифалардан бири сифатида.

Диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши кураш борасида мусулмон дунёси мамлакатлари томонидан олиб борилаётган ҳаракатлар.

3. Мусулмон мамлакатларида диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашнинг сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари.

4. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг халқаро сиёсий-ҳуқуқий асослари.

V. Мавзу: Марказий Осиёдаги барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солаётган диний экстремистик ва террористик ташкилотлар

Режа:

1. Жамият ривожланишининг ўтиш даврида маънавий-маърифий устувор йўналишлари.

Диний экстремизм ва терроризмнинг Марказий Осиё минтақасида намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари. Диний экстремистик ҳаракатларнинг Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистондаги ғаразли мақсад ва интилишлари.

2. Марказий Осиёда фаолият юритишга интилаётган диний экстремистик ташкилотлар («Ҳизбут таҳрир», «Ўзбекистон ислом ҳаракати», «Нурчилар» ва б.). «Халифалик» тушунчаси.

3. «Жаҳолатга қарши маърифат» ғоясининг мазмун-моҳияти ҳамда диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олишдаги аҳамияти.

4. Ўзбекистоннинг диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши кураши.

**“ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ
КУРАШНИНГ МАЪНАВИЙ ВА МАЪРИФИЙ
АСОСЛАРИ” ЎҚУВ КУРСИДАН СЕМИНАР
МАШҒУЛОТЛАРИ (4 соат)**

**1. Машғулоти: Диний экстремизм ва терроризм жамият
барқарорлигига таҳдид (2 соат)**

Режа:

1. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари.
2. Диний экстремизм ва фундаментализм тушунчалари.
3. Терроризмнинг моҳияти, пайдо бўлиш сабаблари ва намоён бўлиши.
4. Экстремизм, фундаментализм ва терроризмнинг барқарорликка таҳдидлари.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т., 2003 й.
2. И. Каримов. «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» Т., «Ўзбекистон». 1997 й. 33-48-бетлар.
3. И. Каримов. «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» Т., «Ўзбекистон». 2000 й.
4. И. Каримов. «Хушёрликка даъват» Т., «Ўзбекистон». 1999 й.
5. И. Каримов. «Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш ва мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» Т., «Ўзбекистон». 2005 й.
6. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Янги таҳрири) Т., 1998 й.
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар, маърузалар матни. Т., «Янги аср авлоди». 2001 й.
8. «Диншунослик». Дарслик. Т., 2004 й.
9. А. Абдурахмонов. Саодатга элтувчи билим Т., 2003 й.

10. Раджапова М. Диний экстремизм ва террорчилик. Т., 2000 й.

11. Хусниддинов З. Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. – Т., «Мовароуннаҳр» 2000 й.

12. Турсунов К.С., Каримов Б.Х. Ўзбекистонда дин ва давлат муносабатлари: Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш масалалари. – Бухоро, «БухороТурРизо» - 2005 й.

**II. Машғулоти: Ўзбекистоннинг диний экстремизм ва
халқаро терроризмга қарши кураши (2 соат)**

Режа:

1. Мусулмон дунёсининг диний экстремизм ва терроризмга қарши кураши.
2. Диний экстремизмга йўл қўймаслик чоралари.
3. Жаҳолатга қарши маърифат тамойили.
4. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда маънавий ва мафкуравий тарбиянинг ўрни.


Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. 2003 й.
2. И. Каримов. «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» Т., «Ўзбекистон». 1997 й. 33-48-бетлар.
3. И. Каримов. «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» Т., «Ўзбекистон» 2000 й.
4. И. Каримов. «Хушёрликка даъват» Т., «Ўзбекистон». 1999 й.
5. И. Каримов. «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш, янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» Т., «Ўзбекистон». 2005 й.


6. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар туғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Янги тахрир). 1998 й.
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва таъомиллар. Маърузалар матни. Т. 2001 й.
8. «Диншунослик». Дарслик. Т., 2004 й.
9. А. Абдурахмонов. «Саодатга элтувчи билим» Т., 2003 й.
10. Ислон энциклопедияси. Т., 2004 й.
11. Раджапова М. Диний экстремизм ва террорчилик. Т., 2000 й.
12. Хусниддинов З. Ислон: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. – Т., «Мовароуннахр». 2000 й.
13. Турсунов К.С., Каримов Б.Х. Ўзбекистонда дин ва давлат мунособатлари: Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш масалалари. – Бухоро, «БухороТурРизо» - 2005.

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ АСОСЛАРИ ЎҚУВ КУРСИДАН СХЕМАЛИ ЎҚУВ МЕТОДИК МАТЕРИАЛЛАР







ИСЛОМДАГИ ОҚИМ ВА МАЗҲАБЛАР



ИСЛОМДАГИ БЕШ ФАРЗ



ИСЛОМДА ИЙМОН АСОСЛАРИ




ҚУРЪОНДА ОЛИЙЖАНОБ ДЕБ САНАЛГАН АХЛОҚ СИФАТЛАРИ




ҚУРЪОНДА ҚОРАЛАНГАН ИЛЛАТЛАР



ИСЛОМДАГИ МУҚАДДАС КУНЛАР





76

77



Ислом динидаги йўналишлар

Суннийлик
мусулмон аҳолисининг
92,5 фоизни ташкил
этади.

Шиалик
мусулмон
аҳолисининг 7,5
фоизини ташкил

**Суннийликдаги
мазҳаблар:**
Ҳанафийлар — 47 фоиз
Шофийлар — 27 фоиз
Моликийлар — 17 фоиз
Ханбалийлар — 1,5 фоиз

**Шиаликдаги
мазҳаблар:**
Исмоилийлар
Жаъфарийлар
Зайдийлар

ШИА 8 аср ўргаларида шаклланган (7,5%)

«Зайдийлик»
VIII аср ўргаларида
шаклланган.
Зайд бин Аал.
Зайдий мазҳаби 8-аср
ўргаларида шиада вужудга
келган оқим бўлиб, у
пиаларнинг 5-имоми
Муҳаммад ал-Бокрийнинг ўғли
Зайд бин Аал номи билан
аталган. Зайдий мазҳаби
намоъадларнинг кўп қисми
Яман аҳолисининг ярмидан
кўпини ташкил қилади.
Шунингдек, уларнинг ақолилари
Саудия Арабистони, Покистон
ва бошқа давлатларда ҳам бор.

«Жаъфарийлик»
Жаъфар ас-Содин
(765 ваф. эг.)
Жаъфарий мазҳаби шиа
йўналишидаги асосий-қўқуқий
тизимга кириб, 12 имомга
қизувчи имо —
этиқода қизувчи
миаларнинг асосий оқимлар.
Имомилар 6-имом Жаъфар
ас-Содин (765 йил вафот
этгани) шиалик фикр
тизининг асосчиси деб
билавилаар.
Эрон ва Ўрқдаги шиалар
ўртасидаги бу мазҳаб ҳозирда
ҳам кучли таъсирга эга.

«Исмоилий»
VIII аср ўргаларида
шаклланган.
Жаъфар ас-Содин ўғли Исмоил
Шиа йўналишининг Исмо —
или мазҳаби 8-аср ўргаларида
шаклланиб, 10-11 асрларда Яқин
ва Урта Шарқда кенг тарқалган.
Урта аср мобайнида
исмоилийлар орасидан низорий
(ҳашшоий), мусталлий, Аруз ва
қарматлар ажралиб чиққан.
Хозирги даврда низорий
мазҳаби Сурия, Эрон, Покистон,
Афғонистон, шимоли, Помирда,
муғталий мазҳаби эса Яман,
Ҳиндистон, Покистон, Мисрда,
Арузлар Сурия ва Ливанда
сақланиб қолган.

СУННИЙЛИК (аҳли сунна вал жамоа) мазҳаблари (92,5 %)

Ҳанафийлик (47%) Абу Ҳанифа ибн Нуъмон Собит (699—767). Умуман Аъзам (улут имом) Эрон, куфалик. 55 марта ҳаж қилган. Ҳанафий мазҳаб бўлиб, шайх эркин ҳурматланган. Миср, Ливан, Иордания, Фаластинда, Бохон, Кавказ, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Марказий Осиё ва Ҳитойда тарқалган. Энг кенг тарқалган мазҳаб.	Моликийлик (17%) Молик ибн Онас Асбаҳий (713—795). Арабистон ярим ороми, Мадинада ривож топган. Консерватив руҳдаги мазҳаб. Марокаш, Жазоир, Тунис, Ливия, Миср, Сулаи, Бахрейн, БАА, Қувайтга тарқалган.	Шофийлик (27%) Муҳаммад ибн Идрис ибн аш-Шофий (767—820). Фаластин (Ғазза)да тутилган. Мисрда вафот этган. Пайғамбар ақдои Ҳошмининг ақаси аш-Шофийлик мазҳаб бўлиб, кенг тарқалган. Фаластин, Иордания, Ироқ, Ҳижоз, Покистон, Ҳиндистон, Индонезия, Эрон ва Яманда ҳам тарқалган.	Ҳанафийлик (1,5%) Ахмад ибн Ханбала (780—857). Борада тутилган. Фундаментал мазҳаб. «Исламин бидъатлардан қутқарувчи» деб ном олган. Бу мазҳаб устозлари нисбатан кўпроқ ҳадисларга таянади ва қонун асослари жиҳатидан фарқ қилади. Улар ҳадислар моҳиятини Қуръон оятлари мазҳабигагина қўйишган.
---	---	---	---

Ислам динида эътироф этилган йўналиш ва мазҳаблар

I. Суннийлик (Аҳли сунна вал — жамоа)

1. Фикхий мазҳаблар

1. Ҳанафийлик мазҳаби шариат қоидалари Аъзам халқларининг исломдан олдинги маҳаллий қадриятларини ҳам сақлаб қолишга, бошқа динга эътиқод қилувчиларга бағрикенглик тарзида муносабатда бўлиш, дунёвий илмлар равнакига хайрхоҳлиги, муътадиллиги ва мослашувчанлиги, демократияга хайрхоҳлиги билан бошқа мазҳаблардан фарқ қилади.

2. Моликий мазҳабининг асосчиси Молик ибн Онас (721—795). Бу мазҳаб тарафдорлари шароит ҳукуки масалаларида рационалистик методга, яъни Қуръоннинг сура ва оятларини, Ҳадисларни ақлга мувофиқ тарзда талқин қилишга қарши чикади. Ҳозирги даврда бу мазҳабга амал қилувчилар Тунис, Жазоир, Марокаш, Ливия ва бошқа айрим мамлакатларда тарқалган.

3. Шофийийлик мазҳаби дастлаб Сурия ва Мисрда шаклланган. Яқин Шарқ минтақасида кенг тарқалган. Ўрта Осиёда ҳам хиваликлар то XVI асрларга қадар шу мазҳабда бўлганлар. Ҳозирги пайтда Миср, Индонезия, Шарқий Африка минтақаси, қисман Сурия, Арабистон ярим оролининг жануби ва Хитой мусулмонларининг бир қисми (дунганлар) шофийийлик мазҳабига амал қиладилар.

4. Ҳанбалийлик мазҳаби суннийликдаги бошқа мазҳаблардан ўта консервативлиги, ижтимоий муҳит талабларига ён бермаслиги ва ўта мутаассиблиги билан кескин фарқланади. Унинг асосчиси — Аҳмад ибн Ҳанбалдир (780-857).

2. Ақидавий таълимотлар

Ашъарийлар. Ашъария — калом йўналишининг асосий оқимларидан бири.

Мотрудия — сунний эътиқодидаги 2 йирик оқимдан бири бўлиб асосчиси — Абу Мансур ал-Мотурудийдир.

II. Шиалик йўналишидаги мазҳаблар

1. Исмоилийлар мазҳаби

2. Караматий мазҳаби

3. Равофийзий мазҳаби

4. Зайдий мазҳаби

5. Жаъфарий мазҳаби

III. Хорижийлар

Хорижийлар (арабча ажралиб чиққан, исёнчи) деган луғавий маънони англатади. Хорижийлар исломдаги илк оқим тарафдорлари. Халифа Али билан умавийлар ўртасидаги кураш давомида 7-асрнинг 2-ярми бошларида вужудга келган. Тахт учун курашда Али муовия тарафдорлари (умавийлар) билан музокара олиб боришга кўнган. Бу ҳол Али ҳақиқий ворислик ҳуқуқига эга, деб ҳисоблаган тарафдорларининг ўртасида норозилик тўғдирган. Кўшиннинг бир қисми Алини келишувчиликда айблаб, ундан ажралиб кетган ва кейинчалик Алига ҳам, умавийларга ҳам баб-баравар қарши кураш бошлаган.

Эътироф этилмаган мазҳаблар ҳамда замонавий диний сиёсий партия ва оқимлар

1. Муржийлар.
2. Муътазиллийлар.
3. Жабарийлар.
4. Жаҳмийлар.
5. Қадарийлар.
6. Мушаббихалар ёки аҳли ат-ташбиҳ.
7. Ас-сифатийа.
8. Салафия.
9. Ваҳҳобийлик.
10. Аҳмадия ҳаракати.
11. «Ҳизбут - таҳрир ал-исломий» диний ташкилоти.
12. «Таблиғчи»лар жамоаси.
13. Ақромийлар.
14. «Нур»чилар жамоаси.
15. «Тавба».
16. «Ислом уйғониш партияси».
17. «Ислом лашкарлари», «Адолат».

ФУНДАМЕНТАЛИЗМ

Диний фундаментализм

Ислом
фундаментализми

Тридиционализм

Модернизм

Ислом фундаментализми таҳдидлари:

1. Ақидапарастликни ёйиш орқали мусулмонларнинг ислоҳотчи давлатга ишончини йўққа чиқаришга уриниш

2. Мустаҳкамланиб бораётган умуммиллий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликка раҳна солишга қаратилган уринишлар

3. Демократия ва дунёвий давлат тушунчаларини, эътиқод эркинлигига асосланган кўп конфецияли дунёвий жамиятни обрўсизлантиришга йўналтирилган сатъ – ҳаракатлар ва бошқалар

Ислом диний экстремизмининг икки хусусияти:

1. Ислом диний экстремистлари фикрига кўра гўё барча ҳозирги замон мусулмон жамоалари исломий тусларини йўқотганлар ва жоҳилия (исломдан аввалги) асри жамиятларига айланганлар. Бундай ёндошув ҳукумат ва унинг олиб бораётган сиёсатини танқид қилишга «асос» бўлиб хизмат қилади

2. Ислом диний экстремистлари гўё «ҳақиқий» мусулмонлар. Ўзларининг ҳокимиятга келишлари учун барпо бўлажак «исломий тартибни» қарор топтиришнинг ягона йўли кескин ва агрессив ҳаракат қилишдир деб ҳисоблайдилар.

XX асрнинг охирларида диний омилнинг фаоллашуви

«Ислом омили»

«Қайта исломлашиш»

«Ислом феномени»

«Ислом уйғониши»

Экстремизм

Намоён бўлишига кўра

Ҳуқуқий


Минтақавий


Халқаро

Мазмунига кўра

Дунёвий

Диний





**«ХИЗБУТ-ТАҲРИР»
диний экстремистик партиясининг
структураси**

АМИР – ҚИЁДАТ
дунё бўйича раҳбар

АМИР ДЕВОНИ

Қиёдат (Сиёсий бюро)
Амир томонидан обрў –
этиборли сайланади

Амирнинг идорий девони
Маззолин девони
партия аъзолари
(ҳуқуқни муҳофаза қилувчи)

Сиёсий бошқарув

**Маълумот ва таҳлил
маркази**

Мафкура хизмати

«Хизбут-таҳрир»нинг минтақалар бўйича бошқаруви

«Муътамад-масъули-ом» - минтақа бўйича раҳбар
Амир – Қиёдатнинг минтақадаги вакили. Амир томонидан
тайинланади, шунингдек, қиёдат уни масъул ва молия бўйича
муовинларни тайинлайди.

**Минтақавий
кенгаш**
ваколатини қиёдат
белгилайди

**Ғазначи, Молия –
ом молия ишлари
бўйича**
мўътамадга тобе

**Адабиёт бўйича
масъул**

Масъул, (минтақа масъули, кичик ҳудуд бўйича) марказий
вилоят бўйича ва мўътамаднинг вилоятлари бўйича мусоидлари
(ёрдамчилари). Минтақа мусоиди мўътамад томонидан
тайинланади

«Накиб, қуйи минтақа бошқарув идораси. Мусоид тақдимотиға
кўра масъул томонидан тайинланади. Мусоид Масъулга тобе

«Жихоз аъзолари – Накиб ёрдамчилари», ўздан юқори ҳизб
раҳбариятининг кўрсатмаси асосида халқлар тузиш, сабоқ
бериш, яъни аъзоларни қасамёд қилдириш, адабиёт ва
таркатмалар тарқатишни ташкиллаштиради.

«Мушриф - дарс берувчи», ҳизбий сабоқ бериш, янги
шахсларни ҳизбга жалб этиш билан шуғулланади, накиб
томонидан белгиланади, накиб важихоз аъзосига тобе.

«Халқа» беш («дорис») кишидан иборат бошланғич сабоқ олувчи гуруҳ. Халқаларда ҳолатдан келиб чикиб, дорислар сони камайиши мумкин. Халқаларда сабоқ бериш ҳафтада икки мартаба амалга оширилади.

«Таркиз ҳалқа» - нақиб, мушриф ва жиҳоз томонидан малакани ошириш сабоқлари бериледи, вақти-вақти билан мушрифлар фаолиятини, дарсларнинг сифатини нақиб ва жиҳоз аъзолари текшириб турадиган. Туғилган муаммо ва саволларга бир ойда бир, икки мартаба мусойид, минтақа масъули зиёрати амалга оширилади.

«ҲИЗБУТ-ТАҲРИР» ДИНИЙ ТАШКИЛОТИНИНГ КУРАШ БОСҚИЧЛАРИ

1. ТАСКИФ - тушунтириш ишлари. Онги тўлиқ шакланмаган ёшларни ўз тузоғига илтириш. Фикри заиф, таъсирга бурилувчан, ҳуқуқ-тарғибот органлари, ҳокимиятлардаги масъул шахсларни ўз тарафига оғдириш

2. ТАҒОУЛ – биргаликда ҳаракат қилиш, фикрий кураш орқали «Умнатнинг оёққа туриши, фикрий омилиги ва келажак масалаларини идрок қилишга эришиши» йўлида фикрий инқилобга етишиш

3. ИНҚИЛОБ – тўнтариш, ҳукуматни яратилган уммат орқали қўлга киритиш



«ҲИЗБУТ-ТАҲРИР» ТАШКИЛОТИНИНГ ЎЗ ОЛДИГА ҚЎЙГАН МАҚСАДЛАРИ:

- тинч, осойишта давлатда фуқаролар урушини бошлаш

- мамлакат иқтисодий фаолиятини издан чиқариш

- миллатлар ва динлараро низоларни келтириб чиқариш

- мамлакатга қурол-аслаҳа ва наркотик моддаларни олиб кириб, фуқароларнинг тинч ҳаётига раҳна солиш



ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ АСОСЛАРИ ЎҚУВ КУРСИДАН ТАЛАБАЛАР БИЛИМЛАРИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТЛАР

1. Диний экстремизмга берилган таърифни аниқланг?
 1. Ижтимоий-сиёсий характердаги муаммоларни ҳал этишда ўта кескин чора-тадбирлар, фикр-қарашларни ёқловчи назария ва амалиёт.
 2. У чуқур иддизларга эга бўлиб, ҳеч қачон чегара билмайди, дин, миллат, ҳудудни тан олмайди.
 3. Экстремистик гуруҳларнинг ягона мақсади ҳокимиятни қўлга олишдир.
 4. Экстремизм сўзи лотинча extremus- ўта деган маънони англатади.
 5. Барча жавоблар тўғри.
2. Диний ақидапарастликка берилган таърифни аниқланг?
 1. Ақида сўзи арабча – ишонч деган маънони англатади.
 2. Муайян шароитда, бирон-бир ғоя ёки тамойилга қатъий ишонч ва мутлақлаштириш асосида қўрилган қоида ва тартибларни, бошқа шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда кўр-кўрона қўллашда уриниш.
 3. Ақидапарастлик барча динларда турли мазҳаб ва йўналишлар орасида кескинлик келтириб чиқаради.
 4. Ҳақиқатни тушунтириш, ишонтириш каби усуллар орқали тарғиб этишни тан олмайди.
 5. Барча жавоблар тўғри.
3. Диний ташкилот нима?
 1. Диний эътиқодлар ва маросимларнинг умумийлиги асосида бир динга ишонувчиларнинг ва диний жамоаларнинг профессионал руҳонийлар бошчилигидаги бўйсунуш тизимига эга бўлган уюшмаси.
 2. Асосий диний йўналишнинг ичидаги муҳолиф оқимлар.

3. Ғайритабиий кучларга ишонч туфайли пайдо бўлган ғоялар ва образларнинг йиғиндиси.

4. Диний тасаввурлар тизими билан боғланган ҳамда диний таълимнинг муайян жиҳатини ҳиссий-образли акс эттирадиган махсус хатти-ҳаракатлар, маросимлар, тантаналар мажмуаси.

5. Ғайри табиий кучларга ишонч туфайли пайдо бўлган ҳиссиёт ва туйғуларнинг йиғиндиси.

4. Ҳозирги замон ислом динидаги асосий ғоявий йўналишлар қайсилар?

1. Модернистик ва ортодоксал
2. Фаталистик ва ревизионистик
3. Фундаменталистик ва мафкуравий
4. Реваншистик ва традиционалистик
5. Демократик ва авторитар

5. Виждон эркинлиги моҳияти нима?

1. Инсоннинг ўз дунёқараш мавқеини, шу жумладан инсон муносабатини ҳам эркин танлаши.
2. Ақлнинг диний қоидаларни эркин танқидий кўриб чиқиш ва атроф-оламни динга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўрганиш.
3. Диний нормаларга мувофиқ диний талабларни амалга оширувчи индивид ёки гуруҳнинг биргаликдаги ҳаракати.
4. Тинчликни пасив тарғиб қилишга ва урушларни қоралашга асосланган либерал сиёсий оқимнинг диний тури.
5. Диний таълимот ёки анъаналар нормаларига риоя қилиш билан боғлиқ ва асосан оилавий-маиший муносабатлар соҳасида амалга ошириладиган ҳулқ тарзи.

6. Ваҳҳобийлик қачон ва қасрда пайдо бўлган?

1. XVIII асрда Арабистонда
2. XVIII асрда Йроқда
3. XIX асрда Эронда
4. XX асрда Афғонистонда
5. XVI асрда Марказий Осиёда

7. Ўз ғоясини "тўғри" деб бошқача фикр эгаларини тан олмаслик ва уларни бузғунчиликда айблаш қандай номланади?

1. Мутаассиблик
2. Мужтақид
3. Муқаддис
4. Муршид
5. Мурид

8. Ақидапарастлик қандай тамойил асосида ҳаракат қилади?

1. Ҳамма нарсани инкор этиш асосида
2. Фақат ўзининг тан олинishi асосида
3. Кимки биз билан эмас экан, у бизга қарши
4. Ҳамма нарса ўзгармасдир
5. Фақат одиллик бўлиши

9. Бугунги кунда қайси муаммолар жаҳон мамлакатларини бирлаштирмоқда?

1. Халқаро терроризм
2. Экстремизм
3. Радикализм
4. 1 ва 2
5. 1, 2, 3

10. «Ҳизбут-таҳрир» фирқасини неча араб давлати ноқонуний деб эълон қилди?

1. 16
2. 12
3. 15
4. 19

11. Ўзбекистон террорчиликка қарши халқаро коалиция аъзоси сифатида қачон фаолият бошлади?

1. 2001 йил 8 октябрь
2. 2001 йил 5 октябрь
3. 2001 йил 8 сентябрь
4. 2001 йил 9 ноябрь
5. 2001 йил 12 октябрь

12. Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилоти ҳудудида мавжуд бўлган террорчи гуруҳларини қонундан ташқари деб эътироф этиш мақсадида уларнинг рўйхатини тузиш ҳақида қарор қайси шаҳарда қабул қилинган?

1. Тошкент
2. Душанбе
3. Бишкек
4. Остана
5. Бухоро

13. Дунёнинг охири, нариги дунё, жаннат, дўзах ҳақидаги тасаввурлар мажмуи қайси вариантда тўғри ёзилган?

1. Эсхатология
2. Онтология
3. Гносеология
4. Теология
5. Аксеология

14. Ўз мақсадига эришиш йўлида ҳаддан ортиқ кескин чора-тадбирлар қўришга ҳаракат қандай номланади?

1. Экстремизм
2. Фундаментализм
3. Традиционализм
4. Эволюционализм
5. Рационализм

15. Диншуносликда дин ҳам дунёнинг шаклланиши каби босқичма-босқич соддадан мураккабга қараб ривожланган, деган ғояни қайси таълимот илгари суради?

1. Экстремизм
2. Фундаментализм
3. Традиционализм
4. Эволюционализм
5. Рационализм

16. Маълум дин вужудга келган илк даврига қайтиш ва бу йўл билан замонанинг барча муаммоларини ҳал қилиш мумкин, деган ғояни қайси таълимот илгари суради?

1. Экстремизм
2. Фундаментализм
3. Традиционализм
4. Эволюционализм
5. Рационализм

17. Диндаги қайси оқим рационализмга қарши ўларок, нақл (тақлид) тамойилига асосланади?

1. Экстремизм
2. Фундаментализм
3. Традиционализм
4. Эволюционализм
5. Рационализм

18. Француз тилидаги “қўрқитиш” сўзидан олинган, ўз фикрини зўравонлик йўли билан бошқаларга ўтказадиган, бу йўлда суиқасд, қўпоровчилик усулларида фойдаланадиган таълимотнинг номи нима?

1. Экстремизм
2. Фундаментализм
3. Традиционализм
4. Эволюционализм
5. Терроризм

19. Ислом динида қандай мазҳаблар бор?

1. Ҳанафийлар, суннийлар, хорижийлар ва ваҳҳобийлар
2. Моликийлар, ҳанафийлар, шофийлар ва ханбалийлар.
3. Ислом динидан ажралиб чиққан ҳамма оқимлар мазҳаблар.
4. Ҳизбут-тахрир, акромийлар, суннийлар.
5. Шиалик, ханбалийлар, баптистлар.

20. Диндорлар ибодатлари учун давлатга солиқ тўлайдими?

1. Мусулмонлар солиқ эмас, хайри-эхсон қилишлари мумкин.
2. Мусулмонлар ибодатлари учун ҳеч қандай солиқ

тўламайдилар. Лавозимдаги руҳонийлар эса маошларидан фақат даромад солиғи тўлайдилар.

3. Йиғилган ҳамма пуллар давлат банкига ўтказиб қўйилади.

4. Тўлайди.

5. Даромадидан маълум миқдорини тўлайди.

21. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши мусулмонларга нималар берди?

1. Мусулмонларга Маккага ҳажга бориши.

2. Имконияти ва зарурияти бўлган жойларда масжидлар қуриш ва таъмирлаш.

3. Фуқароларнинг виждон эркинлигини чин маънода таъминлаш.

4. Араб ёзувини кенг ўрганиш.

5. Диний билим олиш.

22. Ўзбекистонда давлатнинг динга, диний ташкилотларга ва диндорларга муносабатини қайта кўриб чиқиш қайси йилдан бошланди?

1. 1988 йилдан

2. 1985 йилдан

3. 1990 йилдан

4. 1991 йилдан

5. 1977 йилдан

23. Кимлар биринчи бўлиб виждон эркинлиги талабини олға сурдилар?

1. Марксчилар

2. Буржуа идеологлари

3. Революцион демократлар

4. Антик мутафаккирлар

5. Ҳозирги замон сиёсатчилари

24. Диний ташкилотнинг бошланғич шакли:

1. Диний жамоа

2. Диний идора

3. Масжид

4. Мадраса

5. Хонақоҳ

25. Диний ташкилот маркази.

1. Диний жамоа

2. Диний идора

3. Масжид

4. Мадраса

5. Хонақоҳ

26. Диний жамоаларнинг энг юқори расмий уюшмаси.

1. Диний жамоа

2. Диний идора

3. Диний ташкилот

4. Мадраса

5. Хонақоҳ

27. Ўзбекистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонуни қайси йилда қабул қилинди?

1. 1890 йилда

2. 1991 йилда

3. 1992 йилда

4. 1988 йилда

5. 1977 йилда

28. Ўзбекистон Конституциясининг қайси моддасида фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи эълон қилинган?

1. 18- моддасида

2. 31- моддасида

3. 61- моддасида

4. 37- моддасида

5. 19- моддасида

29. Диний ташкилотларнинг қандай икки хил асосий вазифалари бор?

1. Ижтимоий ва синфий

2. Ғоявий ва тарбиявий

3. Диний ва диний бўлмаган
4. Умумдавлат ва халқаро
5. Тўлдирувчилик ва тартибга солувчилик

30. Виждон эркинлигининг асосий қондаси нима?

1. Ҳамма динларнинг қонун олдидаги тенглиги
2. Динга муносабатидан қатъи назар фуқароларнинг тенг ҳуқуқлиги
3. Фуқароларнинг истаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи
4. Давлатнинг диний ташкилотлар ички ишларига аралашмаслиги
5. Диний ташкилотларнинг давлат ишларига аралашмаслиги

31. Ўзбекистон Конституциясининг қайси моддалари виждон эркинлиги масалаларига бағишланган?

1. 52, 32, 117- моддалари
2. 37, 44, 19- моддалари
3. 18, 31, 61- моддалари
4. 14, 27, 64- моддалари
5. 13, 38, 46- моддалари

32. Ҳозирги шароитда диндорлар ва динга ишонмайдиганларга нисбатан давлат сиёсатининг бош қондаси нимадан иборат?

1. Инсон эътиқодини ҳимоя қилиш
2. Виждон эркинлиги қондасига риоя қилиш
3. Ижтимоий таракқиётни амалга оширишда диндорлар ва динга ишонмайдиганларнинг бирлигини таъминлаш
4. Қайси динга эътиқод қилишларидан қатъи назар инсон ҳуқуқларини таъминлаш
5. Диндорлар ва динга ишонмайдиганларни ажратиш

33. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддасида диний эътиқодидан қатъи назар фуқароларнинг тенглиги эълон қилинган?

1. 4- моддасида
2. 31- моддасида

3. 61- моддасида
4. 18- моддасида
5. 19- моддасида

34. Ўзбекистон Республикаси “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” Қонуннинг янги таҳрири қачон қабул қилинган?

1. 1998 йил, 30 апрель
2. 1998 йил, 21 май
3. 1998 йил, 1 май
4. 1998 йил, 28 май
5. 1998 йил 1 сентябрь

35. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддасида диний ташкилотларнинг давлатдан ажратилганлиги тўғрисидаги норма қайд қилинган?

1. 31- модда
2. 18- модда
3. 91- модда
4. 61- модда
5. 5- модда

36. Исломдаги асосий амалий ва маросимий талаблари қайсилар?

1. суннат, бибисешанба, ирим-сиримлар
2. рўза тутиш, намоз ўқиш, закот бериш, иложи бўлса, ҳажга бориш
3. жаноза, худойи; ашур оши, наврўз, никоҳ
4. намоз, закот, тавба
5. таҳорат, зикр, ибодат

37. Ислом дининг назарий ва ғоявий манбалари нима?

1. шариат қонун-қоидалари
2. муҳаддислар ёзган ҳадиси шарифлар
3. Қуръони карим, ҳадиси шариф ва фатволар
4. Олло-таоло каломи бўлган Қуръон
5. Диний фусуналар

38. Мусулмонлар учун Муҳаммад ким?

1. У оддий инсон ва диний даҳо
2. Худонинг суюкли бандаси
3. Худо томонидан юборилган элчи, вакил, энг охириги пайгамбар
4. Диннинг дохийси
5. Ислон дининг энг кучли олими

39. Мусулмон диний бошқармалари раҳбарлари қандай ном билан аталади?

1. муфтий
2. сўфи
3. мухтасиб
4. мутавалли
5. имом

40. Ислон дини Ўрта Осиёга қачон таркала бошлаган?

1. VII аср охири – VIII аср бошларида
2. V асрда
3. VIII асрда
4. VI аср охири – VII аср бошида
5. XI аср бошида

41. Қуръони Карим сура ва оятларига ўзгартириш киритиш мумкинми?

1. Мумкин, агар уламолар қарор қилса
2. Агар жамият ҳаётига зид келиб қолса
3. Йўқ, чунки Қуръон илоҳий-ҳисобланади ва уни ўзгартириш ман этилади
4. Мовароуннаҳр диний бошқармаси ўзгартиши мумкин
5. Бемалол, диний кўмита ўзгартиш киритса бўлаверади

42. Қуръонда ҳаммаси бўлиб нечта сура бор?

1. 100
2. 114
3. 124
4. 130
5. 199

43. Ислон пайдо бўлиши ҳақида қайси йўналишлар тўғри?

1. Анъанавий-мусулмонча қараш, ғарб ислоншуносларнинг қарашлари, илмий қараш
2. Теологик, антропологик ва идеалистик
3. Марксистик, традиционалистик ва модернистик
4. Тарихий, фалсафий ва ижтимоий
5. қуръонга хос, суннийлик ва шиалик

44. Муҳаммад қачон ўзини Оллоҳнинг элчиси деб эълон қилди?

1. 610 йилда
2. 622 йилда
3. 570 йилда
4. 632 йилда
5. 630 йилда

45. Ислонда кимлар тўғри халифалар деб ҳисобланади?

1. Абу Бакр, Умар, Усмон, Али
1. Муҳаммад, Али, Ҳасан, Хусан
2. Абу Ҳурайр, Ибн Ханбал, Ибн Ҳошим
3. Иброҳим, Мусо, Исо, Довуд
4. Абу Муслим, Муовия, Ал-Маҳди

46. Муҳаммаднинг ғояларини дастлаб кимлар қўллаб-қувватлайди?

1. Шаҳарнинг қуйи табақалари
2. Макка зодагонлари
3. Баъдавийлар
4. Ўрта табақалар
5. Мадина аҳолиси

47. Инсон камолоти намаларга боғлиқ?

1. Фақат Оллоҳга
2. Қуръон, ҳадисларни яхши билиб, мусулмончилик қоидаларини бажаришга
3. Кеча – кундуз тинмай ишлашга
4. Умуминсоний қадриятларга риоя қилиб, илм олиш, ҳалол,

оқилона меҳнат қилишга

5. Илм ва маърифатга.

48. Туркистонлик буюк муҳаддислар кимлар?

1. Исмоил ал-Бухорий, Алишер Навоий, ал- Фаробий
2. Имом ат-Термизий, Исмоил ал-Бухорий
3. Абу Али Ибн Сино, Имом ат-Термизий, Беруний
4. Шайх Саъдий, Рудакий, Аҳмад Яссавий, Жомий
5. Баҳоуддин Нақшбанд, Ибн Сино, Исмоил Бухорий.

49. "Уруш"атамасининг мазмуни нимадан иборат?

1. Урушлар-ижтимоий зиддиятларни бартараф этишнинг ягона воситасидир;
2. Сиёсий кучлар ўртасидаги зиддиятни мувозанатга солиб турувчи тарихий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучидир;
3. Урушлар-инкор этилувчи билан инкор этувчи ўртасидаги муқаррар тарзда зохир бўладиган курашнинг очик шаклидир;
4. Урушлар-сиёсий кучлар ўртасидаги муносабатларнинг кураш воситаси орқали давом эттирилишидир.
5. Урушлар – иқтисодий масалаларни ҳал этишдир.

50. Фатализм нима?

1. Табиат руҳининг моддий кўриниши деб тарғиб этувчи таълимот;
2. Дунё, кишиларнинг келажак тақдири олдиндан белгилаб қўйилади деб тушунадиган таълимот;
3. Нарса ва ҳодисалар ўртасида сабабий боғланишларнигина тан олувчи оқим;
4. Зулмга қарши, эркин куйловчи инқилобий курашларни ўзида мужассам этувчи мафкура;
5. Ҳамма нарса Худо томонидан ҳал этилади деган таълимот.

51. Зардушт таълимотининг ватани қасерда?

1. Бактрия;
2. Суғдиёна;
3. Марғиёна;
4. Хоразм;

5. Эрон;

52. "Авесто"таълимоти бўйича оламнинг моҳияти нимада?

1. Дунё эзгулик ва қабоҳат кучларининг кураш майдонидир;
2. Дунё Ахурамазда томонидан яратилган қонун ва қондаларга амал қилувчи нарса ва ҳодисалар мажмуасидир;
3. Дунё кишиларга синов учун ажратилган вақт ва фазонинг бирлигидир;
4. Дунё доимо авж олиб сўнадиган оловдан иборатдир.
5. Дунё моддий ва маънавийлик мажмуасидан иборатдир.

53. Ислом дунёсида шаклланган иккита фалсафий оқим номларини аниқланг?

1. Мўтазиллар ва мутакаллимлар;
2. Суфийлик ва тасаввуф;
3. Хурфикрлик ва мутаассибчилик;
4. Жаидчилик ва қадимчилар
5. Материалистлар ва идеалистлар.

54. "Икки ҳақиқат" таълимоти қайси ҳақиқатлари назарда тутилган?

1. Қуръон ва ҳадис ҳақиқатини;
2. Диний ва илмий ҳақиқатни;
3. Расмий ва норасмий ҳақиқатни;
4. Нисбий ва мутлақ ҳақиқатни.
5. Зўрлик ва бойлик ҳақиқатини.

55. Диний дунёқараш нима?

1. Диний дунёқарашнинг асосини табиат ва жамият тараққиётининг қонунийлигига бўлган ишонч ташкил қилади
2. Дин белгилар ва этикодлар тизими одамларнинг олам ҳақидаги яхлит эътиқод ва билимлари
3. Қандайдир бирор хилдаги ғайритабиий кучларнинг мавжудлигига ишониш диний дунё қарашнинг асосини ташкил қилади.

4. Пайғамбарлар тўғрисидаги билимлар.
5. Илоҳий китоблар тўғрисидаги билимлар.

56. Абдуҳолик Ғиждувоний тасаввуфий фалсафий таълимотида Оллоҳга яқинлашишнинг муҳим йўли нима ҳисобланади?

1. Жамоатга мулозим бўлиш
2. Жамиятга хизмат этиш муқаддас вазифа
3. Хилватда бўлиб, тоат ибодат қилиш нафси тийиш
4. Куръон кўрсатмаларига риоя қилиш
5. Ҳадисларга ишониш

57. Зардуштийликда нима олий фазилат даражасига кутарилган?

1. Игоат
2. Муқаддасларни ҳурматлаш
3. Тинч меҳнат
4. Аскетизм
5. Маърифат

58. Ислом диний фалсафий оқими сўфизм қачон ва қаерда вужудга келган?

1. VIII асрда, Ироқ ва Сурия
2. IX асрда, Мисрда
3. IX асрда, Эронда
4. X асрда, Марокашда
5. XI асрда, Арабистонда

59. Куръонга асосланган диний-ҳуқуқий тизимларига тўла итоат қилиш сўфизмда нима дейилади?

1. Ҳақиқат
2. Шариат
3. Маърифат
4. Тарикат
5. Бағрикенглик

60. Олам бирлиги Худода мужассамлигини (Олам Худонинг эманацияси эканлигини), яхшилик ва ёмонликнинг нисбийлигини ақл билан эмас, қалб билан англаниши ва абадийликка эришиш сўфизмда қандай аталади?

1. Ҳақиқат
2. Шариат
3. Маърифат
4. Тарикат
5. Фидойилик

61. Президентимиз Ислом Каримовнинг қайси асарларида маънавий маданият масалалари атрофлича ёритилган?

1. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари
2. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг.
3. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли
4. Биздан озод ва обод Ватан қолсин
5. Ўзбекистон XXI асрга интиломқда

62. И. Каримовнинг қайси асарида миллий мустақиллик мафкураси таърифланган?

1. "Биздан озод ва обод Ватан қолсин"
2. "Фан Ватан равнақиға хизмат қилади"
3. "Ўзбекистоннинг ижтимоий сиёсий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари"
4. "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли"
5. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...

63. Ўзбекистон Республикасида ислохотлар қайси идеологияга суянади?

1. Миллатчилик яққаланиш идеологиясида
2. Прагматизм фалсафасига
3. Миллий мустақиллик идеологиясига
4. Диний идеологияга
5. Давлатчилик идеологияси

64. Ислом цивилизациясининг характерли жиҳатлари қайсилар?

1. Ҳаётнинг барча соҳаларини, шу жумладан, иқтисод ва сиёсатни ҳам қамраб оладиган, динга асосланган анъанавий фаол цивилизация
2. Хукмрон иқтисодиётга эга бўлган пассив (суст) цивилизация
3. Фан, маориф ривожланишига асосланган, иқтисодиёти ва сиёсати ривожланган фаол цивилизация
4. Халқчилик ва демократия
5. Барча саволлар тўғри.

65. Эркинлик нима?

1. Эркинлик бу ҳуқуқ
2. Эркинлик бу инсоннинг ички олами
3. Эркинлик бу заруриятни англаб етиш
4. Эркинлик бу ҳар қандай фаолият имконияти
5. Эркинлик бу хоҳлаган ишини қилиш

66. Президент И. Каримов: "Давлат жамиятни ўта бойлар ва ўта қашшоқларга кескин табақаланиб кетишига йўл қўймаслиги керак", деганда қандай ахлоқий ғояни олдинга сурган эди?

1. Ҳалолликни
2. Адолатни
3. Фуқаровийликни
4. Тенгликни
5. Демократия

67. Ўзбекистондаги ислохотлар қандай мафкурага асосланади?

1. Миллий маҳдудлик мафкурасига
2. Прагматизм философиясига
3. Миллий мустақиллик мафкурасига
4. Диний мафкурага

5. Давлатчилик мафкурасига

68. Худога етишиш, унга сингиб кетиш ва абадийликка эришиш сўфизмда қандай аталади?

1. Ҳақиқат
2. Маърифат
3. Шариат
4. Тариқат
5. Фидойилик

69. Ўз ғояси, мафкурасига эга бўлмаслик қандай тушунча орқали эътироф этилади?

1. Мафкуравий иммунитет
2. Миллий менталитет
3. Ғоявий бўшлиқ
4. Вайронкор ғоя
5. Диний экстремизм

70. Ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига олиб келувчи сабаблар?

1. Бирор мафкураининг ўрни инсоният тафаккури эришган энг юксак чўққи, мутлақ ҳақиқат ифодаси деб ҳисоблаб, бошқа мафкураларни тан олмаслиги.
2. Мафкуранинг зўравонликка асосланиб, унинг ғоялари, халқнинг эркин яшаши ва фикр юритишига йўл қўймаслиги.
3. Миллийлик ва миллий тарихдан бутунлай холилиги, мавҳум байналминалчиликнинг зўр бериб қуйланиши.
4. Одамларга виждон эркинлигини, ўз фикрини очик баён этишни, хориж фуқаролари билан холисона мулоқатда бўлишни ман этиш туфайли.
5. Барчаси тўғри.

71. Қуйидаги қайси тушунчалар мазкур мавзуга алоқадор?

1. Онг, тафаккур
2. Борлик, олам

3. Дин, эътиқод
4. Экстремизм, терроризм, дин
5. Сиёсат, маданият, ахлоқ

72. Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти ҳудудида мавжуд бўлган террорчи гуруҳларни қонундан ташқари деб эътироф этиш мақсадида уларни рўйхатини тузиш ҳақида қарор қайси шаҳарда қабул қилинган?

1. Тошкент
2. Душанбе
3. Бишкек
4. Остона
5. Бухоро

73. Фундаментализм илк бор қайси дин доирасида пайдо бўлди?

1. Ислом дини
2. Буддизм
3. Христианлик
4. Иудаизм
5. Зардуштийлик

74. Исломда қандай радикал оқим ва гуруҳлар мавжуд?

1. Суннийлик
2. Шиалик
3. Ҳанафийлик
4. Ҳанбалийлик
5. Шофийлик

75. Ядро қуролидан Марказий Осиёни холи ҳудуд қилиш сифатида ҳуқуқий расмийлаштириш борасидаги ишлар қачон бошланган?

1. 1993 йил
2. 1995 йил
3. 1997 йил
4. 1998 йил

5. 2000 йил

76. Ўзбекистоннинг нуфузли халқаро ташкилотлар билан муносабатларини ривожлантиришдан мақсади

1. Демократик ва бозор ислохотларни чуқурлаштириш
2. Минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш
3. Мамлакатда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш
4. 1 ва 2 жавоблари тўғри
5. 1, 2 ва 3 жавоблари тўғри

77. Диний бағрикенглик нима?

1. Дунёвий давлатда “Виждон эркинлиги” ҳақидаги қонунга итоат қилиниши
2. Хилма – хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир ватанда олийжаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши.
3. Фақат жаҳон динларигагина эътиқод эркинлиги берилиши.
4. Уруғ қабилавий динларни қайта тиклашга бўлган интилиши.
5. Тўғри жавоб йўқ.

78. Бугунги кунда террорчиликка қарши курашиш нисбати остида дунёнинг асосий геостратегик ўйинчилари бўлмиш давлатлар қайси минтақада ўз таъсирларини сақлаб қолишга ҳаракат қилишмоқда.

1. Яқин Шарқ
2. Марказий Осиё
3. Форс кўрфази
4. Араб мамлакатлари
5. Жанубий – Шарқий Осиё минтақаси

79. Қайси йили депутатлар “Ўзбекистон Республикасининг Ядровий терроризм актларига қарши кураш ҳақида”ги қонун лойиҳасини маъқуллашди.

1. 2004 йил
2. 2005 йил

3. 2006 йил
4. 2007 йил
5. 2008 йил

ДИН, ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ, ФУНДАМЕНТАЛИЗМ, АҚИДАПАРАСТЛИК ВА ТЕРРОРИЗМГА ОИД ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ

АВЕСТО - Овасто (парфиёнча: apastak - матн; кўпинча «Зенд-Авесто», яъни «тафсир қилинган матн» деб аталади) - зардуштийликнинг муқаддас китоблари тўплами. Авесто Марказий Осиё, Эрон, Озарбайжон халқларининг қадимги даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, диний қарашлари, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, маънавий маданиятларини, форсий ва туркий тилда сўзлашувчи қабилаларнинг ёзувларини ўрганишда муҳим ва ягона манбадир.

АВЛИЁ - (арабча-валий сўзининг кўплиги, ҳудода яқин одам)-тасаввуфда Аллоҳнинг зоти ва сифатлари, унинг буюрганларини чуқур билган, унинг буюрганларини баҳариб, гуноҳ ишларидан ўзини сақловчи, дунё лаззати ва шахвоний ишларидан юз ўгирувчи киши.

АКРОМИЙЛАР -1996 йилда Андижон шаҳрида ташкил топган. Ушбу диний-сиёсий ҳаракат вакиллари Аллоҳгагина эътиқод қиладилар ва Пайғамбарга иймон келтирмайдилар. Акромийлар бугунги мавжуд барча тузумларни тан олмайди, давлатга, қонун-қоидаларига ҳам, ота-онага ҳам эмас, фақат оқим сардорига бўйсуниб лозим деб ҳисоблайдилар. Унинг асосчиси 1960 йилда Андижон шаҳрида туғилган Акрам Йўлдошев «Ҳизбут-таҳрир» ғояларининг ихлосманди бўлиб, Тоқийуддин Набоҳоний таълимоти асосида 12 дарсдан иборат «Иймонга йўл» деб номланган дастурни ишлаб чиққан. Ушбу дастурда оқимнинг пиروвард мақсади ислом давлатини барпо этишдан иборат экани таъкидланган. «Акромийлар»нинг вазифаси шундаки, бошланғич босқичда бир вилоят шароитида маҳаллий ҳокимият фаолияти устидан назоратни ўрнатиш йўли билан ўз мақсадига эришишдир. Уларнинг тактикаси ўз ғоясини ташвиқот қилиш билан анъанавий ислом позицияларидан имконият даражасида кўпроқ мусулмонларни ажратиб олиш ва уларни ўз тарафига оғдиришдан иборатдир.

АЛЛОХ - (арабча-«ал-илоҳ» - илоҳий куч, туркий халқларда, хусусан, ўзбекларда – Тангри, форс-тожик Худо, Язид), Оллоҳ - ислом динида бутун мавжудотни яратган олий илоҳий куч; худонинг номи. Одатда Аллоҳга таоло (улуғ, олий), Таборака ва таолло, Жала жалалаҳу, карим, бузrug, Парвардигори олам каби сифатлар қўшиб ишлатилади. Ислom динига биноан Аллоҳ - яккаю-ягона худо, оламнинг яратувчиси ва қиёмат кунининг эгаси. У Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)ни инсониятга ўзининг сўнгги элчиси сифатида юборган. Ислomнинг энг асосий талаби ҳисобланган калимаи шаҳодат «Ло илоҳа иллalloҳу Муҳаммадур расулуллоҳ» («Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Муҳаммад - Аллоҳнинг пайғамбари»), деб уқтиради.

АМРИ МАЪРУФ - (арабча-тўлиқ шакли «амри маъруф, наҳий мункар» - «яхшиликка буюриш, ёмонликдан қайтариш») - ислом динидаги маросим. Мусулмонлар бир-бирларини ҳақ йўлига, яхшилик ва гўзал ахлоққа чакириши Аллоҳ тарафидан фарз қилинган. Чунки, дўстона, беғараз насихат, хусусан амалда ўзи ўрнатган ҳолда бошқаларни тарбиялаш жуда катта таъсирларга эга.

АҚИДАПАРАСТЛИК - муайян шароитда, бирор бир ғоя ёки тамойилларга қатъий ишонч ва уни мутлақлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни, бошқа шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда кўр-кўрона қўлланган уриниш.

Бу атама фақат салбий маънода қўлланилиб, муайян олим ёхуд оқим томонидан баъзан баён этилган қонун ва қоидалар таъсир доирасини сунъий равишда кенгайтиришга уринишни англатади.

ВАХҲОБИЙЛИК - ислом динининг ханбалий мазҳабидаги оқим. Арабистон ярим оролининг марказий қисмида XIII аср ўрталарида пайдо бўлган. Асосчиси - Муҳаммад ибн Абдулваҳоб. У 1703 йилда Уйайна деган жойда, қози оиласида туғилган. Дастлабки, таълимни ўз отасидан олгач, ўспиринлик йиллари Арабистон ва қўшни ўлкалар бўйлаб кўп сафар қилган. Вахҳобийликда ғайридинларга, «илк ислом аҳкомларидан чекинган»

мусулмонларга қарши кураш ғояси алоҳида ўрин тутати. Уларнинг даъватини қабул қилмаганларнинг барчаси гўё «кофир»дирлар. Дастлабки вахҳобийлар имон масаласида ўта мутаассибчилик, сиёсий рақиблар билан курашда эса, ошкора экстремизм билан ажралиб турганлар.

ДИН - (арабча - мулк, ҳукм, ҳисоб, жазо, тадбир, бўйсунуш, итоат қилиш, ибодат, парҳез, йўл тутиш, одат қилиш, эътиқод қилиш ва бошқалар.) Араб тилида «дин» сўзи жуда кенг маънода ишлатилади. Қуръонда ҳам «дин» турли маъноларда юздан ортиқ мартаба ишлатилган. Ана ўша маъноларнинг ҳаммаси ҳам урфдаги «дин»да ҳам ўз аксини топган. Динда Аллоҳнинг мулки, ҳукми, қиёматдаги ҳисоб-китоби, осийларни жазолаши, тадбир қилиш бор. Шунингдек, динда банданинг бўйсунуши, итоат қилиши, ибодати, парҳезкорлиги, Аллоҳ кўрсатган йўлни тутиши, маълум ишларни одат ва эътиқод қилиши каби маънолар бор.

ДУО - (арабча - илтижо, чакириш, сўраш) - Қуръон сура ва оятларидан ўқиб, сўнгра Аллоҳ таоллодан ўзи ёки бошқалар учун тилак тилаш, илтижо қилиш. Дуо икки турли бўлади. Биринчиси, «маъсура», яъни матни Қуръон, ҳадис ёки бошқа диний манбаларда аниқ белгилаб қўйилган дуолар. Уларни бузмай, қўшмай, қандай кўрсатилган бўлса, ўша тарзда ўқийдилар. Иккинчиси, «мухтараа», яъни дуо матнини ўзи тўқиб эркин ҳолатда илтижо қилиш. Ислom дини Аллоҳдан бошқадан мадад сўрашликни ман этади.

ДУОИ БАД - (форсча қарғиш) - кимнидир қарғаб унинг зарарига қилинган дуо. Масалан, ота-она қарғиши, мазлум қарғиши ва ҳоказолар. Ҳадиси-шарифда ота-она, мусофир ва мазлум (зулм қилинган)ларнинг дуолари шаксиз қабул қилиниши таъкидланган. Дуо хайрнинг зидди - дуои баддир. Дуо хайрда кимнидир алқаб ёки олқишлаб, унинг ҳаққига қилинган дуо тушунилади.

ДУОХОНЛИК - дуо ўқиш, дам солиш билан шуғулланиш. Дуохонликда Қуръони карим ва ҳадис шарифларида кўрсатилган муайян дуоларни ўқиш билан дам солишга ислом дини нуқтаи назаридан рухсат этилган, уни тўғри ўқиб, кўрсатилган тартибда ижро этиш мумкин;

дуохоннинг мантиқсиз, пойма-пой сўзларни ўзича дам солиши мутлақо ман этилади ва у билан шуғулланиш фирибгарлик, алдамчилик ва гуноҳ ҳисобланади. Умуман дуохонлик касби билан кифояланиб, жисмоний ёки ақлий меҳнат билан шуғулланмаслик ҳам ақлан, ҳам шаръан, салбий хусусиятлардан биридир.

ДЎЗАХ - (форсча; арабча-нор, жаҳаннам, жаҳим, сакар; ўзбекча - тамуғ) - дин талабларини бажармаган гуноҳкорлар охиратда жазоланадиган жой. Ислон динидаги асосий тушунчалардан бири. Қуръонда дўзах ҳақида бир неча ўринда таъкидлаб ўтилган. (6:128;11:106,107) Дўзахни Аллоҳ кофирларга ва гуноҳкор бандаларга жазо бериш учун яратган. Диний тасаввурга кўра, дўзах даҳшатли чуқурлик, ичида олов ёниб туради. Дўзахга маҳкум қилинган бандалар шу оловга ташланади. Улар қайноқ сув ичади, у ерда ўсадиган заққум дарахтининг (шайтон бошига ўхшаган) меваси билан овқатланади, чексиз азоб чекади, терилари куяди.

ЖИҲОД - ғазавот (арабча - ғайрат қилиш, кучни ишга солиш) - дин йўлида кураш. Дастлаб жиҳод дейилганда, исломни ҳимоя қилиш ва ёйиш учун кураш тушунилган. Бу курашга нисбатан Қуръонда Муҳаммад (с.а.в.)нинг Макка ва Мадинада кечган ҳаёт фаолиятларининг муайян шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда турлича кўрсатмалар бор: 1) кўп ҳудодиклар билан можарога бормаслик ва уларни оқиллик ва одоб билан ҳақиқий динга оғдириш; 2) ислом душманларига қарши муҳофаа уруши олиб бориш; 3) ғайридинларга ҳужум қилиш, лекин муқаддас ойлларда ҳарбий ҳаракатлар олиб бормаслик; 4) улар билан ҳар вақт ва ҳамма жойда кураш олиб бориш. Жиҳод сўзи луғатда уруш маъносини англатмайди, бунинг учун араб тилида «китол» сўзи ишлатилади. Жиҳод сўзининг луғатдаги хусусиятидан келиб чиқиб, жиҳоднинг турлари ҳам кўпайган. Ислонда жиҳоднинг маъноси аввало уруш маъносида эмас, Аллоҳнинг динига сўз билан даъват қилиш маъносида юзага келган. Инсоннинг ҳавойи нафсининг кўйига кирмаслик, уни енгиб шариатга мувофиқ яшаш учун жон-жаҳди ила қилган

ҳаракати, ҳақ сўзни жойини топиб айтмоқлиги жиҳодга киради.

ЗАМЗАМ, Оби замзам - Макка шаҳридаги «Масжиди Ҳаром» саҳнидаги муқаддас булоқ. Катба ёнида бўлиб, ҳозирги вақтда пастда алоҳида ва махсус жойга ўтказилган сув жўмрақлари орқали ичилади. Булоқ суви кенглиги бир қаричдан ортиқроқ пўлат қувур орқали чиқади, ойнабанд хонада хизматчилар уни Масжиднинг биринчи, иккинчи ва учинчи қавати (томи)га тарқалишини назорат қилиб турадилар. Сув тарқатгич ускуналар кеча-кундуз бетўхтов ишлайди.

ЗАЛОЛАТ - (арабча - адашиш, ҳақиқатдан юз ўгириш, гумроҳлик) - ҳақиқий эътиқоддан адашиш, юз ўгириш, айниш, ҳидоятнинг қарама-қаршиси. Шарқ мутафаккирларининг таъкидлашларича, залолат тўғри йўлдан чиқиб кетишдир. Бошқа гуруҳлар фикрича, залолат мақсадга эришиш учун олиб борадиган нарсанинг йўқлигидир. Тасаввуф аҳли одамни тўғри йўлдан бошлаб олиб бора олмаган тариқатни залолат деб ҳисоблайди.

ЗИНО - (арабча - бузуқлик, фахш, зинокорлик) - ислом ақидаси бўйича эркак ва аёлнинг шаръий никоҳсиз жинсий алоқада бўлиши. Шариатда зино учун юз дарра уришдан тортиб ўлим жазосигача белгиланган, лекин жазога ҳукм қилиш учун зино билан айбланувчиларнинг ўзлари иқроф бўлиши ёки тўртта ишончли гувоҳнинг бўлиши шарт қилинган. Акс ҳолда, диний манбаларда айтилишича - арзимаган сабаблар билан инсоннинг обрўси тўқилиши, иғвогар, бўхтончиларга қўл келиши мумкин.

ЗОҲИД - (арабча - юз ўгирувчи, тарк этувчи) - тарки дунё қилган киши. Зоҳидлар мусулмонларни бу дунё роҳат-фароғатидан воз кечишган, Аллоҳнинг зикрига ҳалал берувчи барча нарсаларни тарк этишга ундайдилар.

ЗОҲИДЛИК - тарки дунёчилик, сақланиш. Худонинг марҳаматига мушарраф бўлиш, жаннатга тушиш учун тарки дунё қилиш зарурлиги ҳақидаги диний тасаввур, мутаассибликка, бир ёклама дунёқарашга даъват этувчи оқим. Зоҳидлик исломда дарвишлик, чилла ўтириш, рўза тутиш,

зикр тушиш кабиларда намоён бўлади. Тасаввуфда зоҳидлик Аллоҳнинг зикрига ҳалал берувчи барча нарсаларни тарк этиш, демакдир. Бунда Аллоҳга ширк келтиришдан сақланиш ва ибодатда риёдан холи бўлиш.

ИЛОҲИЙ КИТОБЛАР - муайян динда муқаддас ва илоҳий ҳисобланадиган китоблар. Диний таълимотга кўра, Аллоҳ ўтган пайғамбарларнинг баъзиларига саҳифалар, баъзиларга эса, китоблар нозир қилган. Юз саҳифа ва тўрт китоб - юз саҳифадан ўн саҳифани Одам (ас)га, эллик саҳифани Шис (ас)га, 30 саҳифани Идрис (ас)га, ўн саҳифани Иброҳим (ас)га юборган. Қуръондан бошқа илоҳий китоб ва саҳифалар бир йўла бир дафъада нозил қилинган, деб ҳисобланади. Қуръон ҳазрат Жаброил орқали 23 йил мобайнида оят-оят, сура-сура шаклида юборилган.

ИМОН, иймон - (арабча - ишонч, эътиқод) - ислом динида Аллоҳга, унинг фаришталари, китоблари, пайғамбарлари, киёмат куни, тақдир ва ўлгандан кейин тирилишга ишониш. Бу «имони муфассал», яъни имони муфассал таъбири деб аталади. Ислолда имон талаблари «аркон ал-имон» (эътиқод асослари) ҳисобланади. Имон асосларига, у ақлимизга ҳоҳ сиғсин, ҳоҳ сиғмасин, барибир уларга шак-шубҳасиз эътиқод киши талаб қилинади.

ИСЛОМ - (арабча - бўйсунуш итоат этиш, ўзини Аллоҳ иродасига топшириш) - жаҳонда кенг тарқалган уч дин (буддавийлик ва христианлик билан бир қатордан) бири. Ислми динига эътиқод қилувчилар арабча «муслим» («исломни қабул қилган», «итоатли», «садоқатли»; кўпчилиги «муслимун») деб аталади. «Муслим», «муслимун» сўзининг бошқа халқлар орасида ўзгача талаффуз этиш (масалан, форсларда-мусалмон, ўзбекларда-мусулмон, Украина ва Россияда-басурман) натижасида бу динга эътиқод қилувчилар турли ном билан аталади. Лекин уларнинг ичида ҳозир мусулмон ибораси кенг тарқалган.

Жаҳонда қарийб, 1,2 млрд. киши Ислмга эътиқод қилади. Мусулмонларнинг $\frac{2}{3}$ қисмидан кўпроғи Осиёда яшайди ва қитъа аҳолисининг 20 фоиздан ортиқроғини ташкил этади. Қарийб 30 фоиз мусулмонлар Африкага тўғри

келади (қитъа аҳолисининг деярли ярми). Дунёда мусулмон жамоалари мавжуд бўлган 120 дан ортиқ мамлакатдан 35 тасида мусулмонлар аҳолисининг кўпчилигини ташкил қилади.

«ИСЛОМ ДАВЛАТИ» - ислом дини давлат дини деб эълон қилинган мамлакатларга ва аҳолисининг асосий қисми мусулмонлардан ташкил топган давлатларга нисбатан қўлланиладиган тушунча. Ислмий шиорлар остида фаолият юритувчи ҳозирги сиёсий ҳаракатларнинг дастурларида баён этилган мақсадни ифодалашда ҳам «Ислм давлати» тушунчасидан фойдаланилади. Бунда мазкур тушунча «Ислм ҷамияти» маъносида ишлатилади ва ижтимоий адолатни ўзида мужасамлаштирувчи ҷамият рамзини билдиради.

ИСЛОМ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ТАШКИЛОТИ (ИКТ) - ҳукуматлараро халқаро ташкилот. Ислм мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқларининг I конференциясида (1969 йил, Работ шаҳри, Марокаш) асос солинган.

Ислм давлатлари ташқи ишлар вазирлигининг III конференциясида (1972 йил, Жидда шаҳри, Саудия Арабистони) таъсис этилиб, устави қабул қилинган. Ҳозир ИКТ диний муштараклик асосида ҷами эллик бешта давлатни, жумладан, мустанкилликка эришган Марказий Осиё давлатлари, шунингдек Фаластин озодлик ташкилоти (ФОТ) ни бирлаштиради.

ИСЛОМ ФУНДАМЕНТАЛИЗМИ - Қуръон ва ҳадисларни сўзма-сўз талкин этувчи илк исломга қайтишга қаратилган ақидаларни тарғиб қилувчи диний-консерватив руҳидаги оқим. Ислм фундаментализми вакиллари исломнинг фундаментал (асосий) тамойиллари (ислом фундаментализми номи шундан) ҷамиятнинг тараккиёт йулини белгилаб беради, деб ҳисоблайдилар ва фақат уларга имал қилишга даъват этади. Кейинги пайтларда мутаассиб мусулмонлар «фундаменталистлар» деб аталмоқда. Ислм фундаментализми турли йўналиш ва қайфиятдаги гуруҳларни ўз ичига олади. Уларнинг баъзилари террористик усуллар билан қонуний ҳоқимиятга қарши қурашда ўзларини намоён этсалар, бошқалари тарғибот-ташвиқот ишлари, диний

таълим, турли жамият ташкилотлари, мактаб, университет, оммавий ахборот воситаларига кириб бориш, айниқса фойдаланиш осон бўлган аудио-видео касеталарни тарқатиш билан шуғулланади.

ИСЛОМ ЭКСТРЕМИЗМИ - исломнинг қадимги ғоялари ва идеалларини қайта тиклашни куч ишлатиш йўли билан амалга оширишга қаратилган диний-сиёсий ҳаракат. Бундай ҳаракат диний мутаассибликка асосланган бўлиб, муайян мазҳаб таълумотига қаттиқ ёпишиб олиш оқибатида юзага келади ва кўпинча муайян сиёсат ва иқтисодий манфаатларини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Исломи дини доирасида биринчи экстремистик оқим – хорижийлар ҳаракати эди. Хорижийлар Али ибн Абу Толиб билан уммавийлар давлатининг асосчиси Муовия ўртасидаги урушни музокара ва келишиш орқали тўхтатиш сиёсатида Али розилик бергани учун унга қарши бўлдилар.

Мухаммад ибн Абдулваҳхоб (1703-1794) диний экстремистик ҳаракат – ваҳҳобийликка асос солди. Кейинги йилларда ваҳҳобийлар ҳарбий тайёргарликдан ўтиб, Тожикистон ва Чеченистонда кўпуровчилик, террорчиликни кучайтирдилар.

ИШҚ - (арабча - муҳаббат) - тасаввуфда Аллоҳга бўлган ишқ, Аллоҳдан ўзга ҳар қандай маҳбубга бўлган ишқ ёки муҳаббат солиқлар наздида мажозий ишқ саналган. Тасаввуфна битилган ғазал ва бошқа турдаги шеърларда мажозий ишқ орқали ҳақиқий ишқ тараннум этилади.

ИХВОН ал-МУСЛИМУН - (арабча - мусулмон биродарлар) – мусулмон биродарлар уюшмаси (МБУ) диний-сиёсий ташкилоти аъзолари. Бу ташкилотни 1928 йилда шайх Ҳасан ал-Банно Исмоилия шаҳри (Миср)да ташкил этган. МБУ мураккаб тузилишга эга бўлиб, унда суфий биродарлар ташкилоти ва ҳозирги замон Европа партияларининг унсурлари қўшилиб кетган. Уюшманинг асосчиси тарғиб қилган таълимот кейинчалик бир неча бошқа ислом мафкурачилари (Саид ал-Қутб, Мустаффо ас-Сибои ва бошқалар) томонидан ривожлантирилди. МБУ фаолияти мафкура, қонун, ахлоқий меъёр ва билимларнинг ягона

манбаи сифатида ислом қоидаларига асосланган «адолатли ислом жамияти»ни қуришга қаратилган.

КАЪБА - (арабча – куб, тўртбурчак) - ислом динининг энг муқаддас ибодатхонаси, Байтуллоҳ (Аллоҳнинг уйи) деб ҳам юритилади. Уни зиёрат қилиш – ҳаж ва умранинг асосий амалларидан бири.

Каъба Маккадаги энг катта Масжиди Ҳарамнинг марказида жойлашган бўлиб, 10х12х15 (баландлиги 15 м ва пойдевори 12х10 м) ўлчамдаги бино. Одатда, Каъбанинг усти қора мато (кисва) билан қопланган бўлади, унга Қуръоннинг Макка ва ҳажга оид оятлари зарҳал билан ёзилган. Каъба деворининг ташқи ғарбий бурчагида «Қора тош» («Ҳажар ал-асвад») жойланган. Шимолий-шарқий деворидаги эшик ҳам чойшаб билан қопланган ва ердан чамаси 2 м баланд ўрнатилган. Каъбанинг ичи тавоф қилинганда деворга нарвон кўйилади. Ичкарида учта устун бўлиб, шифтига сирланган кўплан-кўп чироқ осилган.

КАМИКАДЗЕ – (японча айнан – худолар шамоли) – ўлимига рози бўлган кўнгилли япон учувчиси, иккинчи жаҳон уруши даврида душманининг кема, танк ва бошқа объектларига қарши сафарбар қилинган. АҚШ маълумотларига кўра, Камикадзелар 45 та жанговар кемани чўктириб, 300 га яқинини сафдан чиқарганлар.

КОМИЛ ИНСОН - тасаввуф фалсафасининг асосий тушунчаларидан бири, ҳар жиҳатдан етук киши. Ахлоқий жиҳатдан олий покликка эришган, борлик ва Аллоҳни англашда тўлиқ билимга эга бўлган ва натижада ҳаққа етишган (ёки Қуръон оятларининг туб моҳиятини тушунадиган) инсон. Комил инсон ҳақидаги таълимот суфий файласуф Ибн ал-Арабий томонидан яратилган, кейинчалик унинг издошлари, жумладан Ўрта Осиёда Аҳмад Яссавий, Жомий, Алишер Навоий ва бошқалар томонидан ривожлантирилган.

ЛАЙЛАТУЛ-ҚАДР – (арабча – қадр кечаси) – ислом ақидасига кўра рамазон ойининг 26-дан 27-га ўтар кечаси. Бу кечанинг улуғланиши Қуръони каримнинг шу кечада нозил этила бошлагани, бу кечада қилинган ибодат минг ойлик

қилинган ибодатдан устун қўйилган. Унда айтилишича, бу кечада осмон фаришталари Жаброил ҳамроҳлигида Ерга тушиб, тонг пайтига бир йиллик бўладиган ишлар режасини тузадилар. Улар туни билан яна мусулмонлар учун истиғфор айтиб, гуноҳларини кечиришини сўраб, Аллоҳга илтижо қилар эканлар.

МАДИНА - (арабча - шаҳар, тўлиқ арабча номи Мадинат Расулulloҳ ёки Мадинат ан-набий - пайғамбар шаҳри)- Саудия Арабистоннинг шимолий-ғарбий қисмидаги шаҳар. Ҳижоз вилоятида. Халқ уни Мадинаи мунаввара – Нурафшон шаҳар деб эъзозлайди. Маккадан 400 км шимолда жойлашган. Мадинага асос солинган вақт номаълум. Қадимий Ясриб илк ўрта асрлардан бошлаб Мадина дейилган. 622 йил Муҳаммад (с.а.в) Маккадан Мадинага кўчиб ўтганлар ва қолган умрлари шу ерда кечган:

МАККА - мусулмонларнинг муқаддас шаҳри. Саудия Арабистонининг ғарбида Қизил денгиз соҳилидан 80 км узунликда тоғлар орасида жойлашган бу шаҳарни араблар Умм ул-Қурро, Умм ул-Мадоин, яъни шаҳарлар онаси деб юритадилар. Қуръонда «Баққа» номи билан келган. У Ҳижознинг маъмурий ва савдо маркази, мусулмонлар ҳаж қиладиган мусулмончиликнинг бешинчи аҳкоми бажариладиган жой. Қуръони карим 114-сурасининг 86 таси Маккада нозил бўлган. Маккада Каъба билан бош масжид – Ҳарам масжиди бор. Макка – ислом динининг Муҳаммад пайғамбари (сав)нинг ватанлари арабларнинг қадимий зиёратгоҳи. Мусулмон ривоятларига кўра Маккада Одамато ва Момоҳаво ҳамда Шис, Иброҳим, Исмоил ва Ҳожар яшаганлар.

МАКРУҲ – (арабча – рад этилган, кораланган, номақбул) - шариат ҳукмларидан бири (фарз, мандуб, мубоҳ, ҳаром билан бирга). Қатъиян тақиқ қилинмаган, лекин номақбул ҳисобланган ва рад этилган амаллар макруҳ ҳисобланган. Макруҳ - Пайғабаримиз (ас) қайтарган иш демакдир. Ҳар бир мусулмон макруҳ ишларни қилишдан гуноҳдан сақланиши лозим. Макруҳ ишни кўриб қилмаган киши савобли, қилаверган киши гуноҳли бўлур.

МАСЖИД, мечит - (арабча–сажда қилинадиган жой) - мусулмонлар жамоа бўлиб намоз ўқийдиган жой, ибодатхона. Масжидлар, асосан, кундалик беш вақт намоз ўқиш учун мўлжалланган. Жума ва ҳайит намозлари эса, жоъме масжидларда ўқилади. Биринчи масжидни Мадинада Муҳаммад (сав) курдирганлар.

«МИР АРАБ» МАДРАСАСИ - Бухородаги диний ўқув юрти. Малакали диний мутахассислар тайёрлайди. Ўзбекистон мусулмонлар идораси тасаруфида. Яманлик амир Абдуллоҳ томонидан Бухоро хони Убайдуллаҳон инъом этган маблағ ҳисобига мадраса қурилган (1530-1536). Мадраса Амирнинг лақаби билан Мир Араб деб аталган. Шўролар даврида фаолияти вақтинча тўхтатилган. 1945 йилда яна тикланган. Ўқув муддати 4 йил. Ўқув юртига кундузги бўлимида 15 ёшдан 35 ёшгача бўлган ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотлар кишилар қабул қилинади. Диний фанларни, араб тилини ўқитиш Ўзбекистон мусулмонлар идораси томонидан тузилган режа асосида, умумтаълим фанларни ўқитиш эса, Республика Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан мактаб ва ўрта махсус ўқув юртлари учун ишлаб чиқилган дастурлар, дарсликлар, қўлланмалар асосида олиб борилади.

МУАЛЛАҚ ТОШ - Ақсо масжиди яқинидаги Куббатус Сахра масжиди ичидаги тош. Қуддус (Исроил) шаҳрида. Ривоятларга қараганда Расулulloҳ (с.а.в) тош орқали Бурокга чиққанлар. Ушбу муаллақ тошнинг ҳажми тахминан 7-8 кв метр келади. Унинг пастки қисмида 2 киши сиғадиган ғорча бор. Ғорча ичига кирилса, 7 киши сиғадиган жой бўлиб, у ерга жойнамоз тўшаб қўйилган, кирган одам икки ракаат намоз ўқиб чиқади. Ушбу тош атрофи 1 м баландликда панжара билан ўраб қўйилган. Расулulloҳ осмонга кўтарилганларида тош ҳам орқаларидан эргашиб, ҳавога кўтарилган-у, пайғамбар «тўхта» деганларида, у ердан 2 метр кўтарилганича қолаверган. Мусулмонларга бу тошни муқаддаслаштириш ёки зиёрат қилиш буюрилмаган.

МУҲАММАД (сав), Аҳмад ибн Абдуллоҳ (570/571-632) - ислом дини пайғамбари ва мусулмонларнинг биринчи

жамоаси асосчиси. Мусулмонлар эътиқодига кўра, Аллоҳнинг охириги пайғамбари ва унинг элчиси. У зот орқали одамларга Қуръон нозил қилинган. Ислому таълимотига кўра, Мухаммад номларини айтган ёки эшитган киши «саллоҳу алайҳи васаллам» (сав)-«унга Аллоҳнинг раҳмат ва саломиди бўлсин» ёки «алайҳиссалом»-«унга саломлар бўлсин» деб саловат айтиб қўйиш вожиди ҳисобланади. Қурайш қабиласининг хошимийлар уруғига мансуб, Маккада унча бой бўлмаган, лекин Макка зодагонларига яқин оилада туғилганлар. Мухаммад (сав)нинг болалиги ва ўсмирлиги йиллари ҳақидаги маълумотлар жуда кам.

МУЪЖИЗА - (арабча - ақлини ожиз қолдирувчи ҳодиса) - Пайғамбарнинг ҳақиқатдан ҳам Аллоҳ томонидан бандаларига юборилган элчилар эканига далил-ҳужжат сифатида юз берадиган ғайритабиий ҳодиса. Масалан, Мусо (ас)нинг ҳассасиди, таёқ сифатида қўй ҳайдашдан ташқари, керак пайтда бошқа шаклга кириб, дарёда қўприк бўлур ёки аждаҳга айланиб пайғамбар фойдасига хизмат қилар эди. Қўллари қўйнига суқиб олинган, тунда йўлни ёритишдек ёғду сочарди. Исо (ас)га оғир, бедаво касалликларни ҳам бир нафас билан тузатиш; мурдаларни тирилтира олиш каби муъжизалар ато этилган. Мухаммад (сав) эса, бир неча ўнлаб муъжизаларга эга бўлганлар. Уларнинг ичиди энг улуғиди - ўқиш, ёзишдан мутлақо хабар йўқ саводсиз (уммий) шахснинг Қуръониди карим оятларини ёддан тиловат этиши ва уларнинг назм ва мазмун жиҳатидан башариёт имкониди йўқ олий даражада айтилган илоҳий ваҳий эканидир.

НАҚШБАНДИЙЛИК - тасаввуф тариқатларидан бири. Баҳоуддин Нақшбанд асос солган нақшбандийлик таълимотининг асосиди «қўнғил Худода бўлсин-у, қўл иш билан банд бўлсин». («дил баёру, даст ба қор») шиори ётади. Унга кўра дилни Аллоҳ билан боғлаган ҳолда касбу ҳунар ва қўл меҳнатини асло тарк этмаслик керак. Фақирона яшаш, хайр-эхсон ҳисобига эмас, ўз меҳнати ҳисобига ҳаёт кечириш лозим. Бу ғоя тариқат асосланадиган ўн бир қоидада ҳам ўзифодасини топган.

ОМИН - (арабча-сомийча қабул эт, ижобат қил) - ислом, яҳудий ва масихий динларида диндорлар ўртасиди «қабул этсин», «ижобат бўлсин» маъносиди ишлатиладиган сўз. Қуръондаги Фотиҳа сурасиди тиловат қилинган, ўқиган ва эшитганлар «омин» деб қўйиш лозимлиги ҳақиди ҳадиси шарифда кўрсатма берилган. Лекин уни имом қироати жаҳрий бўлган намозда баланд овоз (жаҳр) билан ёки ўз ичиди хуфя айтиш кераклиги тўғрисида уламолар турли ижтиҳот қилганлар. Ханафийлик мазҳабига кўра «омин» сўзини хуфя айтиш суннат. Мухаммад (ас) ва саҳобалари баланд овоз билан айтганлари ҳусусиди келган ҳадисларга Абу Ханифа ва Ханафийлик масҳаби уламолари аниқлик киритиб, шундай далил келтирадилар: «Дуо ва илтижолар аслида хуфя, яъни паст овозда айтилиши лозим» (Аъроф сурасиди, 55-оят). Шу билан бирга оминни намозда хуфя айтилгани ҳақиди ҳадислар ҳам бор. Оминни ошқора айтиш керак деганлар келтирган ҳадислар Пайғамбар (сав)нинг айтганлари ҳақидадир. У киши эса, имом бўлган ҳолларда айтганлар.

ПАЙҒАМБАР - (форсча - хабар қилувчи) - ислом ақиқасига кўра, Аллоҳ билан унинг бандалари ўртасиди элчи; Аллоҳнинг буйруқ ва кўрсатмаларини ваҳий орқали қабул этиб, уларни ўз умматига тўла-тўқис етказувчи вакил. Пайғамбар билан Аллоҳ ўртасиди элчилик қилувчи фаришта ҳам борки, унинг номи Жаброилдир. Баъзиди Аллоҳ таоллоҳ Пайғамбарга бевосита ваҳий юбориши ва бевосита гаплашиши ҳам мумкин. Қуръониди каримда қуйидаги пайғамбарлар номи зикр этилган: Одам, Идрис, Нух, Худ, Солих, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Юсуф, Лут, Аюб, Зул-Кифл, Юнус, Мусо, Ҳорун, Шуайб, Илос, Аляса, Довуд, Сулаймон, Закарий, Яҳё, Исо ва Мухаммад алайҳиссалом.

ПИР - (форсча - кекса, қари) - сўфийлик анъанасиди, тариқатларнинг олий раҳнаомлари ёки обрўйли раҳнаомлар. Шунингдек, ҳар бир мурид ўз муридиди ҳам пир деган. Аҳоли орасиди «пир» тушунчасиди авлиё, маълум бир ҳунарнинг асосчиси маъносиди ҳам ишлатилади.

РАМАЗОН - ҳижрий йил ҳисобининг тўққизинчи ойи. Ислом динида рамазон ойда Аллоҳ Муҳаммад (с.а.в)га Куръонни ваҳий қилган деб талқин этилади. Шу сабабли Рамазон муқаддас ой деб ҳисобланади, бу ой давомида диндорларга рўза тутиш буюрилади.

Рамазон — арабларда исломдан аввалги тўрт муқаддас ойдан бири; дастлаб ёз фаслига тўғри келган. Ислом дини жорий этилиши арафасида Маккада рамазон ойда яхши амаллар қилиш таҳаннус (анъана) бўлган. Рамазон ойининг 27-кунига ўтар кечаси Муҳаммад (сав)га биринчи ваҳий келган. (қаранг, Лайлат ул қадр).

РУХ - (арабча — жон, кўплиги арвоҳ) - диний тушунчага кўра, киши ҳаётида у билан билан бирга, вафотидан кейин эса, танадан чиқиб абадий қоладиган кўзга кўринмас нарса. Ҳадиси шарифда айтилишича, она қорнидаги чақалоқ тўрт ойлик бўлган кун унга рух ато этилади ва умри давомида шу рух билан бўлади.

РЎЗА - (форсча - рўза, кундузги иш; араб тилида «савм» дейилиб, бирор нарсадан ўзини тийиш маъносини англатади) - исломдаги бешта рукн (мажбурият)дан бири. Ҳар йили бир ой Рамазон ойда рўза тутиш фарзлиги Куръони каримда қайд этилган. Бунда Бомдод намози вақтининг бошланишидан то куёш ботгунига қадар емаслик, ичмаслик, жинсий яқинлик, ғийбат ва чақимчилик қилмаслик, ҳаром қилинган нарсаларга қарамаслик шарт.

САВОБ - (арабча - яхшилик, эзгулик, ажр) - диний эътиқодга кўра, худонинг марҳаматига дойик иш ва шундай иш учун худонинг марҳамати. Инсоннинг ҳатти-ҳаракати ва фаолияти яхшилик ва ёмонликдан иборат бўлиб, бу исломда савоб ва гуноҳ деб аталади. Диний кўрсатмаларни бажариш, инсон манфаати йўлида фаолият кўрсатиш кабилар савоб ҳисобланиб, инсоннинг иш китоби (номаи аъмоли)га фаришта воситаси билан ёзиб борилади. Охирада инсонларнинг савоб ва гуноҳлари тарозуда тортилиб, натижалар Аллоҳнинг ҳукмига ҳавола этилади.

СУРА - (арабча - тизма, қатор, кўргон, манзил ва шараф маъносида) - фақат Куръонга хос тушунча, унинг бўлимлари

сура дейилади, уни шартли равишда боб билан таққослаш мумкин. Уламолар истилоҳида эса, сура - Куръон оятларининг бошланиш ва тугаши белгиланган мустақил тоифасидир. Бошқача қилиб айтганда, Куръон оятларининг кўргон ила ўралгандек бир тоифасига сура, дейилади.

ТАВБА - (арабча — қайтиш, пушаймон бўлиш) - тасаввуфда солиқнинг тариқат сари қадам қўйишдан олдин қилган барча гуноҳларидан тавба қилиб, келажакда бирор гуноҳ ишни қасддан қилмасликка азму қарор этиши. Тавба солиқнинг биринчи мақоми саналади. Аллоҳ томонидан тавба қабул бўлишининг икки шarti бор: биринчиси, ёмонлики билмасдан қилиш; иккинчиси, тавбани кечиктирмаслик. Кимки тавбани кечга сурса, инсоний фазилатлардан маҳрум ва аксинча тавба қилишга шошилса, ўзини ислоҳ қилган бўлади. Тавба — инсоннинг ўзини ўзи тарбиялашда муҳим ахлоқий восита саналиб, ёмонликдан юз ўгириб, яхшилик сари қадам қўйишга, эзгу ишлар қилишга ундаб турувчи хислат саналади.

ТАВҲИД - (арабча - якка худолик) - умумий маънода якка худолик ҳақидаги таълимот. Шаръий истилоҳда эса, тавҳид исломда. Аллоҳга ширк келтиришнинг турли кўринишларидан воз кечиш ва Аллоҳ Субҳанаху ва таолонинг зотида ҳам, сифатларида ҳам, ишларида ҳам, исмларида ҳам, ҳукмларида ҳам шериги йўқ, деб эътиқод қилишдир.

ТАРКИДУНЁЧИЛИК - одамлардан, ташки дунёдан, шунингдек, жамият ва оиладан ажралиб яшаш, кимсасиз жойларга бош олиб кетиш, дарбадарликда ҳаёт кечириш. Исломдан бошқа йирик динлар (браҳманизм, буддавийлик, яҳудийлик, христианлик)га ҳам хос хусусиятдир. Унинг моҳияти — дин йўлида риёзат чекиш.

ТАСАВВУФ, сўфийлик — исломда инсоннинг руҳий дунёси тўғрисидаги қараш. Бу атама ва ундан ясалган мутасаввиф (сўфий, «сўфивийлик қилувчи») ва сўфий (тасаввуф изидан боровчи) сўзларининг келиб чиқиши ҳақида турли тахминлар бор. Лекин ҳозир умумий қабул қилинган нуқтаи назарга кўра, тасаввуф — сувф - «жун», «пўстин»

сўзидан олинган. Илгари замонда таркидунё қилган зоҳид, «ўзини худога бағишлаган одам» одатда дағал жундан тўкилган кийим ёки пўстин кийиб юрган. Тасаввуфга асос солган таркидунёчилик тасаввуфий кайфиятлар ислом дини билан деярли бир вақтда пайдо бўлади.

ТАФСИР - (арабча - баён қилиш, очиб бериш ва равшан қилиш) - инсон қудрати етгунча Қуръони каримдаги Аллоҳнинг муродини ўрганадиган илм. Бу илм Пайғамбар (сав)нинг даврида юзага келган. У киши одамларда Қуръоннинг маъноларини баён қилар, саҳобаларнинг Қуръон оятлари маъноси тўғрисидаги саволларига жавоб берадиз. Саҳобаларга тафсир илми Пайғамбар (ас)дан мерос қолди. Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Аббос, Убай ибн Каъб ва бошқалар тафсир илмида машҳур бўлган.

ТАЪЗИЯ - (арабча - юпатиш, ҳамдардлик билдириш) - азадор кишига тасалли бериш, аҳвол сўраш. Таъзияда марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига қариндошлари, дўст-ёрлари, қўшнилари, ҳамкасблари томонидан ҳамдардлик билдирилади. Ислолда марҳумнинг жаноза намозиди, дафн маросимида қатнашиш, таъзия билдириш савоб ишлардан ҳисобланади. Ислол таълимотига кўра, мўминлар барчалари бир-бири ила биродардирлар. Бу биродарликни Қуръон оятлари ва Пайғамбар (ас) ҳадислари ҳам қўллаб-қуватлайди. Мўмин киши қанчалик солих, эътиқодли, ибодатли бўлса ҳам барибир гуноҳдан холи бўлмайди. Фақат Аллоҳ ва унинг Пайғамбарларига гуноҳсиздирлар.

ТАҲОРАТ - намоз ўқиш, ибодат, кироат олдида ювиниш, покланиш. Бундай покланиш одати деярли барча динларда бор. Ислолда таҳоратнинг икки тури мавжуд: вузуъ - кичик таҳорат -қўл-оёқ ва юзни ювиш; ғусл - катта таҳорат - тўла ювиниш, чўмилиш. Таҳоратнинг 4 та фарзи, яъни қилиниши зарур қисми бор. Юзни, икки қўлни тирсак ила қўшиб ювмоқ, бошнинг тўртдан бир қисмига миқдорига масҳ тортиш - икки қўлни хўллаб суртиш, икки оёқни тўпиғи ила қўшиб ювиш.

ТЕРРОРИЗМ (лот.terror-қўрқув, даҳшат) - маълум ёвуз максадлар йўлида, куч ишлатиш, одамларни жисмоний йўқ қилиш ғоясига асосланган зўравонлик усули. Қўрқитиш ва даҳшатга солиш орқали ўз ҳукмини ўтказишга уриниш террорчиликка хосдир. У иқтисодий, сиёсий, диний, ғоявий, миллий, гуруҳий индивидуал шаклларда намоён бўлиши мумкин. Таъқиб, зўравонлик, қўпоровчилик ва қотиллик террорчиликнинг ҳар қандай кўриниши учун умумий хусусият бўлиб, у гуманизм, демократия, адолат тамойилларига зиддир. Шунинг учун терроризм қандай «байроқ» остида амалга оширилмасин, моҳиятан инсониятга, тараққиётга, эзгуликка қарши жиноятдир.

ТИЛОВАТ - кўпроқ Қуръон ўқиш маъносида ишлатилади.

ТОШКЕНТ ИСЛОМ ИНСТИТУТИ - Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент Ислол институти - олий диний ўқув юрти. 1970 йил ташкил этилган. 1971 йил октябрдан фаолиятини бошлаган. Ўзбекистон мусулмонлар идораси тасарруфида. Динлар тарихи ва назариясини чуқур эгаллаган, ислом дини асосларини ўзлаштирган, араб тилида сўзлаша оладиган мутахассислар, имом хатиблар тайёрлайди. Ўқиш муддати 4 йил. Ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун, таълим ҳақидаги бошқа ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси қарор ва кўрсатмалари асосида олиб боради. Дарслар ўзбек ва араб тилларида олиб ўқитилади. Инглиз, форс ва рус тиллари ҳам ўргатилади.

УМРА - ислом анъанасида кичик ҳаж. Умра Қуръон ояти ва Пайғамбаримиз (ас) суннатлари ила собит бўлган амал. Умрани йил-ўн икки ой бажариш мумкин. Умранинг иккита фарзи бор. 1. Эҳром; 2. Каъбани тавоф қилиш. Бир киши Маккага борганда бир неча бор ўзига, отасига, онасига, яқинларига умра қилиши мумкин. Фақат ҳар бир умра учун Маккадаги ҳазрати Оиша масжидларига бориб, ювиниб, эҳромни кимга умра қилаётган бўлса, ўша кишига ният қилиб кияди.

ФИҚҲ - («чукур тушуниш, билиш») - мусулмонларнинг хулқ-атвор қоидалари тўғрисидаги ислом доктринаси (хукуқшунослик), ислом ижтимоий меъёрлари мажмуаси (кенг маънодаги мусулмон ҳуқуқи). Иккала маънодаги фикҳ ислом дини вужудга келиб, мусулмон давлати — Халифалик қарор топиши билан дарҳол таркиб топган эмас. VIII асрнинг биринчи ярмигача умуман халифаликнинг ижтимоий жумладан, юридик меъёрлари тизими ислом қоидалари билан белгиланмас, балки асосан исломдан аввал мавжуд бўлган ва янги тарихий шароитда амал қилиб турган нормалардан иборат эди. Араблар босиб олган ҳудудларда аввалги юридик норма ва урф-одатлар янги дин ақидаларга зид бўлмаса, улар ҳам жиддий ўзгаришларсиз сақланиб қолаверган, чунки, аввал бошда ислом ўзининг ҳуқуқий масалаларига унчалик эътибор билан қарамаган.

ХАЛИФА - (арабча-ўринбосар, ноиб) - илк исломда жамоа ҳаётини шариат бўйича тартибга солиш ва Аллоҳ таоло кўрсатмаларига мусулмонлар томонидан амал этилишини назорат қилиш учун сайлаб қўйилган мусулмон жамоаси раҳбари. Халифа баъзи вазифаларда вафот этган Муҳаммад (с.а.в)нинг ўринларини босади, деб ҳисобланган, кейинги ҳар бир халифа эса, шу вазифада ўзидан олдингисининг ўрнини босиши керак бўлган. Муҳаммад (с.а.в)нинг энг яқин сафдошлари Абу Бакр Сидиқ биринчи халифа, кейингилари Умар, Усмон, Али бўлишган.

ХАЛИФАЛИК - Пайғамбар (с.а.в)дан ноиб бўлиб, дин ишларини, диний илмларни тарқатиш, Ислом арконлари қоиим қилиш, жиҳод олиб бориш, унга тегишли: лашкар тайёрлаш, жангчиларга маош бериш, тушган ўлжани бўлиб бериш каби ишларни, ҳозирлик ишларини, ҳадд-шаръий жазоларини қоиим қилиш, зулмларини кўтариш амри маъруф наҳий мункарни йўлга қўйиш каби давлат ишларидаги раҳбарлик («Изолатул-Хафо» 1-2). Халифалик 4 йўл билан собит бўлади: 1. Мусулмонларга фикри ва насиҳати ўтадиган, аҳли ҳилл ва ақд (ҳалол ва иш-сўзи бир) бўлган уламолар, бошлиқлар ва аскарбошиларнинг ва ҳайъати билан собит бўлади. Абу Бакр (ра)нинг халифаликлари шу йўл билан

собит бўлган. 2. Халифа одамларга васият қилиб ўз ўрнига бўладиган одамни тавсия қилиши. 3. Халифа сайлаш учун Шўро мажлиси тузиш. 4. Халифалик шартларига эга одамнинг одамларга бошлиқ бўлиб олиши билан Пайғамбар (с.а.в) халифаларидан кейинги халифалар шу йўл билан бўлган.

ШАЙХ - (арабча - кекса, оксоқол; қабила, уруғ, оила оксоқоли) - ислом дини тарқалган мамлакатларда аввал билимдон кишилар, олимлар, сўнгра руҳонийлар, уламолар, фақиҳлар. Кейинчалик сўфийлик тариқатидаги пирлар, эшонлар, муқаддас жойларнинг мутассадилари ҳам шайх дейилган. Арабларда исломдан илгари улуг, қабила бошлиқлари, катта патриархал оила оксоқоллари шайх деб аталган.

ШАЙТОН (арабча — олий даргоҳдан ҳайдалган фариштаннинг номи) араб тилида шайтон сўзи инс-жинс, хайвон ва бошқа махлуқларнинг бўйсунмас саркашларига нисбатан ишлатилади. Қуръонда талқин этилишича, шайтонни Аллоҳ оловдан яратган, кейинчалик амрига итоат этмагани учун олий даргоҳдан қувилган, ражим деб лаънатланган. Лекин Аллоҳ бандаларини синаб кўриш учун шайтонга муҳлат берган. Шунинг учун у барчани йўлдан оздиришга ҳаракат қилади. Қуръонда шайтон сўзининг синоними сифатида Иблис ибораси ҳам ишлатилади.

ШАРИАТ — (арабча - остона ва сув ичиш жойи; йўл; мусулмончиликда шариат конунчилик маъносида ишлатилади) - Аллоҳ жорий қилган амалий ҳукмлар мажмуаси, шу маънода шариат фикҳ маъносида ҳам тушунилади. Самовий динларнинг барчасидаги амалий қисм шариат дейилади. Ислом шариати ҳукмлари Қуръон, суннат, ижмоъ ва қиёсдан олинади. Шариатнинг мақсадлари учга: зарурий, ҳожатлик ва яхшилаш қисмларига бўлинади. Дин ва дунё учун зарур бўлган мақсадлар - зарурий мақсадлар, дейилади. Улар йўқ бўлса, дунёнинг ишлари бузилади ва охирабда азобга қолинади. Ислом шариатининг мақсадлари динни, жонни, ақлни, насли ва молни асрашдан иборат.

Шариатда ушбу нарсаларни муҳофаза қилиш учун зарур бўлган барча чоралар қўрилган.

ШАҲИД - (арабча - гувоҳ) - исломда дин йўлида ҳалок бўлган шахс. Ҳадисларга кўра, шаҳид ўз иймонини кофирларга қарши урушда ҳалок бўлиши билан тасдиқлайди. Унга қабр азобидан ҳоли бўлиб жаннатга тушиш кафолатланган, шунинг учун у дафн этилишидан олдин ювилмайди. Шаҳиднинг ҳаётидаги қилган барча гуноҳлари кечирилади, жаннатда у Аллоҳ ҳузурини баланд мартабага эришади.

ШАҲОДАТ - («гувоҳлик») - 1) Калимаи шаҳодат. 2) У ёки бу факт юзасидан бериладиган гувоҳлик кўрсатмиси. Шаҳодат ҳақиқий бўлиш учун у тўғридан-тўғри, яъни бошқаларнинг сўзига асосланмасдан (агарда у топшириқ ва васият бўлмаса) ва икки эркак ёки тўрт аёл томонидан берилмоғи лозим.

ШИРК - шерик келтириш. Аллоҳнинг шериги бор деб эътиқод қилиш. Ширк - Аллоҳ таолога хос бўлган сифатларни Ундан ўзгага собит қилишдир. Ширкнинг шаръий тушунчаси -Махлуқни Роббил оламинга 5 ишдан бирида тенглаштиришдир. Яъни, Аллоҳнинг зотида, сифатларида, исмларида, ишларида ва ҳукмларида шериги бор, деб эътиқод қилишдир.

Ширкнинг турлари: 1) ибодатда ширк келтириш, 2) дуода ширк келтириш. Бандаларнинг тоқатидан ташқари нарсаларда, оддий сабаблардан устун нарсаларда Аллоҳдан бошқадан нусрат ва ёрдам сураб дуо қилиши - ширк бўлиб, бу иш инсонни тавҳид соҳасидан чиқариб, куфр доирасига киритади. 3) роббилиқда ширк келтириш. 4) ҳукмда ширк келтириш. 5) мулк ва султондаги ширк келтириш. 6) халқ - яратилгандаги ширк келтириш. 7) итоатда ширк келтириш 8) таъриқдаги ширк келтириш.

ЭЪТИҚОД - Аллоҳнинг каломи ҳақиқий эканлигига астойдил ишониш, имоннинг уч унсурларидан бири: эътиқоднинг синоними сифатида турли ақидавий мактаблар тасдиқ, ақида, ақд терминларини ишлатганлар. Мазмун жиҳатдан эътиқодга энг яқин турадиган тасдиқ (би-л-қалб)

бўлиб, Аллоҳ ва Унинг Қуръон орқали етказган сўзлари ҳақиқий экани чин қалбдан эътироф этишдир. Улар ўртасидаги фарқ атиги шундаки, тасдиқ Аллоҳнинг сўзлари ҳақиқий ва ишончли эканлигини ички мулоҳаза билан англаш, эътиқод бўлса мана шунга қўшилиш, унга қалбдан имон келтиришдир.

ЯССАВИЙ - Аҳмад (тахаллуслари: Ҳазрат Хожа Аҳмад Яссавий, Қул Ҳожа Аҳмад, Қул Аҳмад ва бошқалар) (1105-1166/67) - донишманд, шоир, яссавийлик тариқатининг асосчиси. Сайрамда туғилган. Отаси Шайх Иброҳим узок йиллар Ясси ва Сайрамда шайхлик қилган. Яссавий пири Арслонбоб маслаҳати билан Бухорога бориб, Юсуф Ҳаммадонийдан тасаввуф бўйича мукаммал маълумот олган. Сўнгра, Туркистонга қайтиб сўфийликни тарғиб этган. Эл орасида катта обрў ортириб, авлиё деб улуғланган. «Мадинада Муҳаммад, Туркистонда Аҳмад» деган овозалар тарқалган. Муридлари кўпайиб, яссавийлик тариқати таркиб топган. Яссиди қазо қилган. Мозори муқаддас қадамжого айланган. 1395-1397 йилларда Амир Темур Яссавийнинг қабри узра маҳобатли мақбара қурдирган.

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ - Ўзбекистон мусулмонларига раҳбарлик қилувчи диний ташкилот. 1943 йил 20 октябрда Тошкентда бўлиб ўтган Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари қурултойида таъсис этилган. Тошкентдаги Барокхон мадрасасида жойлашган. Бу ташкилот 1992 йилдан Моваруннаҳр мусулмонлари идораси, 1996 йилдан Ўзбекистон мусулмонлар идораси деб аталади. У давлатдан ажралган мустақил ташкилот сифатида фаолият юритади. Идора ўз ҳудудидаги мусулмонлар ўртасида диний ишларни бошқариб туради, фатволар беради, масжидларга имом-хатиблар тайинлайди, диний ходимлар тайёрлайди.

ҚИБЛА - (арабча-«қарши томонда турган нарса») - мусулмонлар намоз вақтида қараб турадиган томон. Дастлаб Муҳаммад (с.а.в) ва унинг тарафдорлари Қуддус (Иерусалим) томонга қараб намоз ўқишган. Ҳижрий 2-йили (624) Маккадаги Каъба (Байтуллоҳ) Қуръон ояти ила (2; 144) барча мусулмонлар учун қибла қилиб белгиланган. Исломда қибла

муқаддас ҳисобланади. Ҳар бир мусулмон қасрда бўлмасин, албатта, қибла томонига қараб намоз ўқийди.

ҚОРА ТОШ - (арабча - ал-Ҳажар ал-Асвад) - мусулмонлар зиёрат қиладиган тош. Кумуш чамбар билан бирлаштирилган бир неча бўлақдан иборат. У қаъба деворларидан бирига ташқаридан жойлаштирилган. Маккага ҳажга борган мусулмонлар қора тошни ўпиб ёки қўл теккизиб зиёрат қилади. Қора тош исломда муътабар ҳисобланган нарсалардан бири. Шариатга қўра, умра ёки ҳаж зиёратига борган одам қора тошни ўпиши ёки қўлининг ички тарафи билан унга ишорат қилиб, сўнг қўлини ўпиши (истилом) суннат амаллардан ҳисобланади.

ҚУРЪОН - (арабча - ўқимок, қироат қилмоқ; жамлаш) - мусулмонларнинг асосий муқаддас китоби. Қуръон ўзидан олдин нозил бўлган барча илоҳий китобларнинг маъно, ҳикмат ва аҳкомларини ўзида жамлаганига ишорат бордир. «Улуғмул Қуръон» илми уламолари Қуръонни қуйидагича тарифлайдилар: «Қуръон - Аллоҳ таолоҳнинг Муҳаммад (с.а.в)га ваҳий орқали нозил қилган, тавотур ила нақл қилинган, ибодатда ўқиладиган, ожиз қолдирувчи каломидир».

Тавотур ила нақл қилинган, дегани эса каломни ёлғонга чиқариб бўлмайдиган даражада кўп сондаги кишилар томонидан нақл қилинишига айтилади. Уларнинг ҳаммалари ишончли одамлар бўлиб, бирор оғиз ёлғонга яқинлашмаган, кўпликлари жиҳатидан ёлғонга келишиб олиш имконлари ҳам йўқ бўлади.

Қуръоннинг биринчи калимасидан охириги калимасигача, айнан худди шу тариқада нақл қилинган.

ҒИЖДУВОНИЙ - Абдулҳолик, Ҳожа Абдулҳолик ибн Абдулжамил Ғиждувоний (1103-1179) -хожагон-нақшбандия тариқатининг асосчиси; бухоролик етти пирнинг биринчиси. Ҳожаи Жаҳон номи билан ҳам машҳур. Ғиждувоний (Бухоро яқини)да имом оиласида туғилиб, исломий тасаввур ва урф-одатлар муҳитида тарбия топди. 22 ёшда Бухорога келди ва Юсуф Ҳамадонийнинг муриди бўлди. Ғиждувоний

дунёкарашининг шаклланишида маломатийлар таълимоти ва каландарлик ҳаракати таъсир кўрсатди.

ФАНАТИЗМ (франц. ибодат)-муайян ғояларнинг тўғри эканлигига қаттиқ ишониш, уларга муккасидан берилганликни, ўзгача қараш ва ғояларга муросасиз муносабатни ифодаловчи қарашлар ва хатти-ҳаракатлар тизими. Фанатизм, аввало, инсоннинг ҳиссиётларидан, бирор бир нарсга ўта берилувчанлигидан келиб чиқади. Масалан, динга муккасидан берилиш ҳам фанатизмнинг бир белгисидир. Инсон ўзи қилаётган хатти-ҳаракатларини тўғри деб ҳисоблайди, айтилган ҳар қандай танбеҳ ва эътирозларни мутлақо тан олмайди. Фанатизм диний экстремизмнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Онги захарланган ёки фанатга айланган ёшлар қилаётган ишларини тўғри деб ҳисоблаган ҳолда, ўзларининг қабиҳ мақсадлари йўлида ҳар қандай номақбул ишлардан ҳам бош тортмайдилар. Ваҳоланки, уларни йўлга бошлаган ва юқоридан турли топшириқларни бериб турган «раҳбарларининг» асл мақсади эса моҳиятан ғайриинсоний характерга эгадир.

ФУНДАМЕНТАЛИЗМ лотинча сўз бўлиб, асос ёки пойдевор маъносини берсада ақидапарастлик тушунчаси унга анча яқин келади. Бирор нарсанинг асоси, жумладан, диннинг асоси ёки пойдевори, маъноларини ўзида мужассамлаштиради. Фундаментализм барча динларга хос бўлиб, динни асли қандай бўлса, шундайлигича сақлаб қолишга бўлган уринишдир. Шу ўринда диний дунёкарашнинг ижтимоий тараққиётдаги ўрни масаласига ҳам ойдинлик киритиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

ҲАДИС - (арабча-«хабар», «ангилик»), ҳадислар - Муҳаммад (с.а.в)нинг айтган сўзлари, қилган ишлари, кўрсатмалари тўғрисидаги ривоятлар. Икки қисмдан иборат бўлади: матн ва иснод. Ҳадис 2 турга бўлинади: 1. Ҳадиси қудсий; 2. Ҳадиси Набавий. Ҳадислар эътиборга олиниши жиҳатидан яна уч қисмга бўлинади: 1.Саҳиҳ. 2. Ҳасан. 3. Заиф.

Қуръони каримда барча ҳуқуқий ва ахлоқий масаллар умумий тарзда баён этилган. Уларга аниқлик киритиш ва

изоҳлаб уқтириш учун Муҳаммад (с.а.в) ўз ҳадисларини айтарди. Бу ҳадисларни пайғамбарнинг сафдошлари ёдда сақлашга ҳаракат қиларди.

ҲАЖ - Маккани зиёрат қилиш, исломнинг беш асосий рукнларидан бири. Ҳаж амали уни адо этишга қурби етган барча мусулмонлар учун фарздор; унга қурби етмаганлар ўзларининг ўринларига «ўринбосар» юборишлари мумкин. Ҳаж зулҳижжа ойида амалга оширилади ва турли маросимларни ўз ичига олади.

ҲАНАФИЙЛИК - суннийликдаги диний-ҳуқуқий мазҳаблардан бири. Абу Ҳанифа асос солган. Ундан кейинги Ҳанафийлик мазҳаби коидалари Абу Юсуф Ёқуб (795 йил), Муҳаммад аш-Шайбон (804 йил), Қудурий (1036 йил) ва бошқаларнинг асарларида ишлаб чиқилган. Бу мазҳаб тарафдорлари фикҳнинг тўрт асосий манбаини эътироф этиш билан бирга бошқа оқимлар вакилларига нисбатдан фикҳ талабларига риоя этишнинг оқилона усулларида кенгрок фойдаланилади.

ҲАНБАЛИЙЛИК-суннийликдаги диний-ҳуқуқ мазҳабларидан бири. Аҳмад ибн Ҳанбал асос солган. Ҳанбалийлик ҳуқуқ тизими ўта торлиги, ҳар қандай кўринишдаги «янгилик»ка, диний масалаларда эркин фикр юритишга қаршилиги, шариат аҳкомларига риоя этишда қатъий туришлиги билан ажралиб туради. Ҳанбалийлик тарафдорлари Куръон ва ҳадисларни эркин талқин этиш йўлидаги ҳар қандай уринишларни қоралаганлар. Шунинг учун ҳам бу мазҳаб кенг тарқалмаган. Фақат IX асрнинг иккинчи ярмида араб халифалигида мўътазилийларнинг ва илоҳиёт соҳасидаги ҳур фикрлиликнинг таъқиб остида олиними туфайли Ҳанбалийлик таъсири бир мунча кенгайган ва 12-асрда мустақил мазҳабга айланган.

ҲАРОМ - (арабча-ман қилинган, тақиқланган) - шариатда ҳеч қандай шубҳасиз, очиқ-ойдин равишда ман қилинган нарсa. Арақ, нажосат тушган сув каби ичимликлар, чўчка гўшти, Аллоҳнинг исми айтилмай сўйилган ҳайвонлар гўшти, эркак кишиларга ипак кийимлар ва никоҳида бўлмаган шахс ила жинсий алоқада бўлиш кабилар ҳаромдир.

ҲИЖРА, хижрат (арабча-кўчиб ўтиш) - Муҳаммад (с.а.в) ва тарафдорларининг Маккадан Мадинага кўчиши. Ўз диний тарғиботларини Маккада бошлаган Муҳаммад (с.а.в) Қурайш мушрикларининг унга нисбатан душманлиги кучайиши, вазиятнинг оғирлашиши натижасида 622 йил сафдошлари билан Мадинага кўчганлар. Кўчиш бир неча ой давом этган, 638 йилда халифа Умар буйруғи билан мусулмонлар ўртасида Ҳижра тақвими амалга киритилган, яъни 622 йил мусулмон йил ҳисобининг боши деб эълон қилинган.

ҲИЗБУЛЛОҲ - (арабча - Аллоҳ партияси) - исломдаги фундаменталистик фирқа. 80-йилларнинг ўрталарида ташкил топган. Бир неча мусулмон мамлакатларида, асосан, Эрон ва Ливанда фаолият юритади. Ҳизбуллоҳнинг асосий шиори - «Ислом республикаси»ни тузиш учун ислом инқилобини амалга ошириш. Ироқда, Исроил босиб олган Ғазо секториди, Ливанда ҳам Ҳизбуллоҳ гуруҳлари бор. Ҳозирда Ҳизбуллоҳ Фаластин-Исроил муносабатлари кескинлашган шароитда ўта жангари фаолияти билан ажралиб турмоқда.

«ҲИЗБУТ-ТАХРИР» - (тўла номи «Ҳизбут-тахрир ал-исломий» - «Ислом озодлик партияси») - норасмий сиёсийлашган диний тузилма (оқим). 1953 йилда Исроилда пайдо бўлди. Асосчиси-шайх Тақийуддин Набаҳоний (1909-1979). У Мисрдаги «ал-Азҳар» университетини тамомлаган, Қуддус шаҳрида шаърий шикоят судининг аъзоси лавозимида ишлаган. Иорданиядаги «Мусулмон биродарлар» диний экстремистик ташкилоти раҳбарларидан бири бўлган. «Ҳизбут-тахрир» тузилма жиҳатдан пирамида кўринишда ташкил топган. «Дорис»лардан таркиб топган «ҳалқа»даги 4-5 киши гуруҳ раҳбарлари - «мушриф»дан сабоқ олади. Бундай кичик «ҳалқа»ларга бўлиниш, ташкилот асосчиларнинг фикрича, фoш бўлиш имкониятини мумкин қадар камайтиради. Машғулот ҳафтада камида бир марта ўтказилиши шарт. Бундай «дарс»ларда номигагина диний таълим берилиб, асосий эътибор ёшлар тарбиясидаги

маънавий бўшлиқдан фойдаланиб, уларнинг онгига ғаразли сиёсий фикрларни жойлашга қаратилади¹.

ЭКСТРЕМИЗМ (лот. *Extremus* - ўта) - ижтимоий-сиёсий характердаги муаммоларни ҳал этишда ўта кескин чоратadbирлар, фикр ва қарашларни ёқловчи назария ва амалиёт.

Экстремизм мазмунига кўра — диний ва дунёвий, намоён бўлишига кўра эса ҳудудий, минтакавий, халқаро шаклларга бўлинади. Экстремистик қарашлар жуда чуқур илдизларга эга бўлиб, ҳеч қачон чегара билмаган, дин, миллат, ҳудудни тан олмаган. Дунёвий экстремизмнинг сиёсий, иқтисодий, мафкуравий кўринишлари мавжуд бўлгани ҳолда, диний экстремизм барча динлар доирасида ривожланган. Диний экстремистик руҳдаги қарашларни католиклар протестантлар, православлар орасида ҳам учратиш мумкин.

¹ Ислom энциклопедия. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», Тошкент, 2004 йил, 312-бет.

ИЛОВАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ (Янги таҳрири)

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади.

Ушбу Қонуннинг мақсади ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъий назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек, диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туришдан иборат.

2-модда. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолиятини таъминлашга оид муносабатлар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Виждон эркинлиги ҳуқуқи.

Виждон эркинлиги - фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат қафолатланган Конституциявий ҳуқуқидир.

Фуқаро ўзининг динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликка, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди.

Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек, уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўринларини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди.

Динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкин.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда виждон эркинлиги ва диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланадилар ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар туғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўладилар.

4-модда. Фуқароларнинг динга муносабатидан қатъий назар тенг ҳуқуқлилиги.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари динга муносабатидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар. Расмий ҳужжатларда фуқаронинг динга муносабати кўрсатилишига йўл қўйилмайди. Фуқароларнинг динга муносабатига қараб уларнинг ҳуқуқларини ҳар қандай чеклаш ва уларга бевосита ёки билвосита имтиёзлар белгилаш, душманлик ва адоват уйғотиш ёхуд уларнинг диний ёки даҳрийлик эътиқоди билан боғлиқ ҳис-туйғуларини ҳақоратлаш, диний зиёратгоҳларни оёқости қилиш қонунда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ҳеч ким диний эътиқодини рўқач қилиб қонунда белгиланган мажбуриятларни бажаришдан бош тортишга ҳақли эмас. Қонунга мувофиқ бажарилиши мажбурий бўлган бир вазифани диний эътиқоди туфайли бошқаси билан алмаштиришга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

5-модда. Диннинг давлатдан ажратилганлиги.

Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларга нисбатан

бирон бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатилишига қўмаклашади, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмайди.

Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қонуннинг бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламайди, уларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятини ҳамда даҳрийлик тарғиботига оид фаолиятини маблағ билан таъминламайди.

Ўзбекистон Республикасида диний моҳиятдаги сиёсий партия ва жамоат ҳаракати, шунингдек республикадан ташқарида тузилган диний партияларнинг филиаллари ва бўлимларини тузишга ва уларнинг фаолият юритишига йўл қўйилмайди.

Диний ташкилотлар амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишлари шарт. Диндан давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, ахлоқий негизларни ва фуқаровий тотувликни бузишда, бўҳтон вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Терроризм, нарқобизнес ва уюшган жиноятчиликка қўмаклашадиган, шунингдек бошқа

ғаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг фаолияти ман этилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, мансабдор шахсларга таъйик ўтказишга қаратилган ҳар қандай уриниш, шунингдек, яширин диний фаолият қонун билан таъқиқланади.

6-модда. Давлат органларининг ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг диний ташкилотлар билан ўзаро муносабат борасидаги ваколатлари.

Давлат органлари билан диний ташкилотларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита зиммасига юклатилади. Қўмитанинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низом билан белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудларда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун қонун бўйича жавобгардирлар.

7-модда. Таълим тизими ва дин.

Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилган. Таълим тизимининг ўқув дастурларига диний фанлар киритилишига йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг дунёвий таълим олиш ҳуқуқи уларнинг динга бўлган муносабатидан қатъий назар таъмин этилади.

8-модда. Диний ташкилотлар.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлари ва маросимларнинг биргаликда адо этиши мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастырлар ва бошқалар) диний ташкилотлар деб эътироф этилади.

Диний ташкилот Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаётган 100 нафардан кам бўлмаган фуқаролар ташаббуси билан тузилади.

Тегишли конфессияга қарашли диний ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва йўналтириб бориш учун уларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича ягона марказий бошқарув органлари (бундан кейин марказий бошқарув органлари деб юритилади) тузилиши мумкин.

Марказий бошқарув органи Ўзбекистон Республикасининг камида 8 та ҳудудий тузилмасида (вилоят, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси) фаолият кўрсатаётган, тегишли конфессиялар рўйхатга олинган диний ташкилотлар вакиллари таъсис йиғилиши (конференцияси) томонидан тузилади.

Диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ёки унинг жойлардаги органларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин юридик шахс мақомига эга бўлади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Тегишли диний маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари диний ташкилотларнинг раҳбарлари бўлишлари мумкин. Диний ташкилотлар раҳбарлигига Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган шахсларнинг номзоди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишиб олинади.

9-модда. Диний ўқув юртлари.

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари руҳонийлар ва ўзларига зарур бўлган диний ходимлар тайёрлаш учун диний ўқув юртлари тузишга ҳақли. Диний ўқув юртлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтказилиб, тегишли лицензия олгандан кейин фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Олий ва ўрта диний ўқув юртларида таълим олиш учун фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ умумий мажбурий ўрта таълим олгандан кейин қабул қилинади.

Диний ўқув юртларида диний фанларни ўқитаётган шахслар диний таълим олган бўлишлари ва ўз фаолиятларини тегишли марказий бошқарув органининг рухсати билан амалга оширишлари лозим.

Хусусий тартибда диний таълим бериш ман этилади.

10-модда. Диний ташкилотнинг устави.

Диний ташкилотларнинг устави куйидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлиши керак:

- диний ташкилотларнинг номи, тури, жойлашган манзили, қайси динга мансублиги;
- мақсади, вазифалари ва фаолиятининг асосий турлари;
- фаолиятни ташкил этиш ва тугатиш тартиби;
- тузилиши ва бошқарув органлари;
- маблағлари манбаи ҳамда ушбу ташкилот ичидаги, шунингдек ундан ташқаридаги мулкӣ муносабатлар;
- уставга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тартиби;
- ушбу диний ташкилотга тааллуқли бошқа маълумотлар.

Марказий бошқарув органларига эга бўлган диний ташкилотларнинг уставлари мазкур бошқарув органлари билан келишилган бўлиши керак.

11-модда. Диний ташкилотларни рўйхатга олиш.

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органларини рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан, бошқа диний ташкилотларнинг эса тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар Адлия бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Диний ташкилотларни рўйхатга олиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- диний ташкилот тузиш ташаббускорлари бўлган, 100 нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси имзолаган ариза;

- диний ташкилотларнинг устави;
- таъсис йиғилишининг баёни;

- тузилаётган диний ташкилот жойлашган манзилни тасдиқловчи ҳужжатлар;

- рўйхатга олиш йиғими тўлангани тўғрисидаги ҳужжат.

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органини рўйхатга олиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- таъсис йиғилиши (конференцияси)нинг раиси ва котиби имзо қўйган ариза;

- диний ташкилотлар марказий бошқарув органининг устави;

- таъсис йиғилиши (конференцияси)нинг баёни;

- таъсисчилар ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар;

- раҳбар орган жойлашган манзилни тасдиқловчи ҳужжатлар;

- рўйхатга олиш йиғими тўлангани тўғрисида ҳужжат.

Диний ташкилотлар ҳамда уларнинг марказий бошқарув органларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза берилган кундан эътиборан бир ойлик муддатда кўриб чиқилади.

Адлия органлари қўшимча материаллар талаб қилиб олишга ҳамда тегишли органларнинг эксперт хулосасини олишга ҳақли. Бундай ҳолда қарор рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза берилган кундан эътиборан 3 ойлик муддатда қабул қилинади.

Диний ташкилотнинг уставига киритилган қўшимчалар ва ўзгартиришлар диний ташкилотни рўйхатга олиш каби тартиб ва муддатларга рўйхатга олиниши лозим.

Диний ташкилотлар раҳбарларининг ташкилот уставини давлат органларида рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаши қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади.

Диний ташкилотларнинг фаолияти ўз уставига мувофиқлигини назорат қилиш диний ташкилотни рўйхатга олган орган томонидан амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотларнинг фаолият кўрсатишига йўл қўйган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

12-модда. Диний ташкилотларни рўйхатга олишни рад этиш.

Агар диний ташкилот уставининг қоидалари ва бошқа ҳужжатлари ушбу Қонун ёки Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларнинг талабларига зид бўлса, уни рўйхатга олиш рад этилиши мумкин.

Диний ташкилотни рўйхатга олиш рад этилганда рад этиш асослари кўрсатилган қарор ёзма равишда аризачиларга юборилади. Диний ташкилот тузиш ташаббускорлари уставларини қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолга келтирилганларидан сўнг, уставни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза билан тегишли тарзда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки унинг жойлардаги органларига қайтадан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Диний ташкилотни рўйхатга олишни рад этилганлигига ёхуд адлия органлари томонидан ушбу Қонун талаблари бузилганлиги устидан судга шикоят қилиш мумкин.

13-модда. Диний ташкилотнинг фаолиятини тугатиш.

Диний ташкилотнинг фаолияти у ўзини тарқатиб юборганда ёки ушбу қонуннинг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси бошқа ҳужжатларнинг қоидалари бузилган тақдирда тугатилиши мумкин. Диний ташкилот фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қарор уни рўйхатга олган орган томонидан қабул қилинади. Ушбу қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

14-модда. Диний урф-одатлар ва маросимлар.

Диний ташкилотлар ибодат қилиш ёки диний расм-русумлар ўтказиш учун қулай жойлар ташкил этиш ва уларни сақлаб туриш, шунингдек зиёратгоҳларни сақлаб туриш ҳуқуқига эгадир.

Ибодат, диний расм-русумлар ва маросимлар диний ташкилотлар жойлашган манзилдаги ибодатхоналарда ва уларга тегишли ҳудудларда, зиёратгоҳларда, қабристонларда, зарур ҳолларда фуқароларнинг ихтиёрларига биноан уларнинг уйларида ўтказилади.

Касалхоналарда, госпиталларда, кексалар ва ногиронлар уйларида, дастлабки қамоқ ва жазони ўташ жойларида ибодатлар ва диний расм-русумлар шу ердаги фуқароларнинг илтимосларига биноан ўқазилади.

Диний маросим ва ибодат бинолардан ташқарида ўқазиладиган оммавий ибодатлар, диний расм-русумлар ва маросимлар Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларда ибодат либосларида юришларига йўл қўйилмайди.

Диний ташкилотлар диндорлардан мажбурий пул йиғимлари ва тўловлар ундиришга, шунингдек уларга нисбатан шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи чораларнинг қўллашга ҳақли эмас.

15-модда. Диний ташкилотларнинг мулки.

Диний ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан сотиб олинган ёки яратилган, фуқаролар, жамоат бирлашмалари эҳсон қилган (васият қилиб қолдирган) ёхуд давлат томонидан берилган, шунингдек, чет элда жойлашган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда олинган, ўз фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган бинолар, иморатлар, ибодат қилиш анжомлари, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва ҳайрия иншоотлари, пул маблағлари ва бошқа мол мулклар уларнинг мулки бўлиши мумкин.

Диний ташкилотларнинг мулкӣ ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади.

16-модда. Давлат мулки бўлган мол-мулкдан фойдаланиш.

Диний ташкилотлар ўз эҳтиёжлари учун давлат органлари томонидан шартнома асосида бериладиган бинолар ва мол-мулкдан фойдаланишга ҳақлидир.

Тарихий ва маданий ёдгорликлар объектлари ва буюмларини диний ташкилотларга фойдаланиш учун бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Диний ташкилотлар учун ер ажратиш ҳамда ибодат бинолари қуриш тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг руҳсати билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

17-модда. Ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти.

Агар диний ташкилот уставининг қоидалари ва бошқа ҳужжатлари ушбу Қонун ёки Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига зид бўлса, уни рўйхатга олиш рад этилиши мумкин.

Диний ташкилотни рўйхатга олиш рад этилганда рад этиш асослари кўрсатилган қарор ёзма равишда аризачиларга юборилади. Диний ташкилот тузиш ташаббускорлари уставларини қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолга келтирилганларидан сўнг, уставни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза билан тегишли тарзда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки унинг жойлардаги органларига қайтадан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Диний ташкилотни рўйхатга олишни рад этилганлигига ёхуд адлия органлари томонидан ушбу Қонун талаблари бузилганлиги устидан судга шикоят қилиш мумкин.

13-модда. Диний ташкилотнинг фаолиятини тугатиш.

Диний ташкилотнинг фаолияти у ўзини тарқатиб юборганда ёки ушбу қонуннинг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси бошқа ҳужжатларининг қоидалари бузилган тақдирда тугатилиши мумкин. Диний ташкилот фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қарор уни рўйхатга олган орган томонидан қабул қилинади. Ушбу қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

14-модда. Диний урф-одатлар ва маросимлар.

Диний ташкилотлар ибодат қилиш ёки диний расм-русумлар ўтказиш учун қулай жойлар ташкил этиш ва уларни сақлаб туриш, шунингдек зиёратгоҳларни сақлаб туриш ҳуқуқига эгадир.

Ибодат, диний расм-русумлар ва маросимлар диний ташкилотлар жойлашган манзилдаги ибодатхоналарда ва уларга тегишли ҳудудларда, зиёратгоҳларда, қабристонларда, зарур ҳолларда фуқароларнинг ихтиёрларига биноан уларнинг уйларида ўтказилади.

Касалхоналарда, госпиталларда, кексалар ва ногиронлар уйларида, дастлабки қамоқ ва жазони ўташ жойларида ибодатлар ва диний расм-русумлар шу ердаги фуқароларнинг илтимосларига биноан ўзқилинади.

Диний маросим ва ибодат бинолардан ташқарида ўзқилинадиган оммавий ибодатлар, диний расм-русумлар ва маросимлар Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларда ибодат либосларида юришларига йўл қўйилмайди.

Диний ташкилотлар диндорлардан мажбурий пул йиғимлари ва тўловлар ундиришга, шунингдек уларга нисбатан шахснинг шаъни ва кадр-кимматини камситувчи чораларнинг қўллашга ҳақли эмас.

15-модда. Диний ташкилотларнинг мулки.

Диний ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан сотиб олинган ёки яратилган, фуқаролар, жамоат бирлашмалари эҳсон қилган (васият қилиб қолдирган) ёхуд давлат томонидан берилган, шунингдек, чет элда жойлашган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда олинган, ўз фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган бинолар, иморатлар, ибодат қилиш анжомлари, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва ҳайрия иншоотлари, пул маблағлари ва бошқа мол мулклар уларнинг мулки бўлиши мумкин.

Диний ташкилотларнинг мулкӣ ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади.

16-модда. Давлат мулки бўлган мол-мулкдан фойдаланиш.

Диний ташкилотлар ўз эҳтиёжлари учун давлат органлари томонидан шартнома асосида бериладиган бинолар ва мол-мулкдан фойдаланишга ҳақлидир.

Тарихий ва маданий ёдгорликлар объектлари ва буюмларини диний ташкилотларга фойдаланиш учун бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Диний ташкилотлар учун ер ажратиш ҳамда ибодат бинолари қуриш тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

17-модда. Ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти.

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари уставидаги мақсадлардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, ноширлик, ишлаб чиқариш, таъмирлаш, қурилиш, кишлок ҳўжалик корхоналари ва бошқа корхоналарни, шунингдек, хайрия муассаларини (етимхона, касалхоналар) таъсис этишга ҳақлидир.

18-модда. Фаолиятни тугатган диний ташкилотларнинг мол-мулкни тасарруф этиш.

Диний ташкилотларнинг фаолияти тугатилгандан кейин уларга фойдаланиб туриш учун берилган мол-мулк ўз эгаларига қайтарилади.

Диний ташкилотларнинг фаолияти тугатилган тақдирда уларга қарашли мол-мулкка эгалик қилиш уларни устави ва қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Кредиторларнинг талабларини қондириш учун ундириш қаратилиши мумкин бўлмаган ибодатга оид мол-мулк рўйхати диний ташкилотларнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Хукукий ворислари бўлмаган мол-мулк давлат ҳисобига ўтади.

19-модда. Диний адабиёт ва диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар.

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар, диний адабиётлар ва диний мазмундаги бошқа ахборот материалларни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқаришга, экспорт ва импорт қилишга ҳамда тарқатишга ҳақлидир.

Чет элда нашр этилган диний адабиётларни олиб келиш ва тарқатиш, уларнинг мазмуни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилгандан кейин амалга оширилади.

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари тегишли лицензия олгандан сўнг диний ибодат буюмларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш ҳуқуқига факат улар эга бўладилар.

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапаратслик гоялари билан йўғрилган матбаа нашрларини, кино-, фото-, аудио-, видео- маҳсулотларни ва шу каби бошқа маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш ва тарқатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади.

20-модда. Диний ташкилотларнинг хайрия фаолияти.

Диний ташкилотлар хайрия ва меҳр-мурувват фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир.

21-модда. Диний ташкилотларда меҳнатга оид ҳукукий муносабатлар.

Диний ташкилотларда меҳнат шартномалари (контрактлари) бўйича ишлаётган фуқароларга Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тадбиқ этилади.

22-модда. Диний ташкилотларнинг халқаро алоқалари.

Диний ташкилотлар муқаддас жойларни зиёрат қилиш ёки бошқа диний тадбирларда иштирок этиш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро алоқалар ўрнатиш ва олиб боришга ҳақлидир.

23-модда. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар, диний ташкилотларнинг хизматидагилар ва фуқаролар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

Янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. Янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, қонун ҳужжатлари янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳолга келтирилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг ушбу Қонунга зид бўлмаган қонун ҳужжатлари қўлланилаверади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, вазирликлар ҳамда идоралар ўзларининг мазкур қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишлари таъминлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги уч ой муддат ичида янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ диний ташкилотлар қайта рўйхатдан ўтишини таъминлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси

Э.Халилов

Тошкент шаҳри 1998 йил 1 май
№ 619-1

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қарор
Қилади:

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги Қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин:

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1995 йил № 1,3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини ахборотномаси 1996 йил № 9, 144-модда; 1997 йил № 2 56-модда; № 9 241-модда);

1) 145-моддасининг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи қисмлар билан алмаштирилсин:

Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш худди шунингдек уларни ихтиёрига, ота-оналари ёки уларни ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш, энг кам иш ҳақининг эллик бароваридан етмиш беш бараваригача миқдорида жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фуқароларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишлари ёки фуқаролик бурчларини бажаришда тўсқинлик қилиш билан, диндорлардан мажбурий йиғим ундириш ва солиқ солиш билан ёхуд шахснинг шаъни ва обрўсини камситувчи чора-тадбирлар қўллаш билан ёки диний таълим олишда ҳамда фуқаро динга нисбатан, динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликка нисбатан, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш

ёки қатнашмасликка нисбатан ўз муносабатини белгилаётган пайтда мажбурлаш билан боғлиқ диний фаолият юритиш, шунингдек диний маросимлар ўтказишни ташкил этиш шахс баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, -

энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамок ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

2) 216 –модда. Қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«216-модда. Фаолияти таъқиқланган жамоа бирлашмалари ва диний ташкилотлар тузиш

Фаолияти таъқиқланган жамоа бирлашмалари ва диний ташкилотлар тузиш ёки уларнинг фаолиятини тиклаш, худди шунингдек, бундай бирлашмалар ва ташкилотлар фаолиятида фаол қатнашиш, -

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамок ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

3) Кодекс қуйидаги мазмундаги 216¹ ва 216² моддалар билан тўлдирилсин:

«216¹-модда. Фаолияти таъқиқланган жамоа бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш Фаолияти Ўзбекистон Республикасида таъқиқланган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, -

энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқий тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамок ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

216²-модда. Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Нолегал диний фаолият билан шуғулланиш, диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши, руҳоний ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, шунингдек, диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғарақлар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва ўтказиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, -

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамок ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, -

энг кам иш ҳақини эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамок ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

4) 217-модда қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қондаларини бузиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, -

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамок ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

5) 229²-модда. Диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш

«Махсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг руҳсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш, шундай

ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,-

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлокий тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамок ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

6) 244¹-модда. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапараслик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан қўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, -

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамок ёки мол-мулк мусодара қилиниш ёхуд мусодара қилинмай уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапараслик ғоялар билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан қўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек, фуқаролар тотувлигини бузиш, тухматона вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган ҳуқуқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш,-

энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамок ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида кўрсатилган ҳаракатлар:

а) олдиндан тил бириктириб ёки бир гуруҳ шахслар томонидан;

б) хизмат мавқеидан фойдаланиб;

в) диний ташкилотлардан, шунингдек чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқаролардан олинган молиявий ёки бошқа моддий ёрдамдан фойдаланиб содир этилган бўлса,

- мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

7) 246-модданинг биринчи қисми «психотроп моддаларини»- деган сўзлардан кейин «ёки диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарасликни тарғиб қилувчи материалларни» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

8) 184-моддаси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«184-модда. Жамоат хавфсизлигига ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш мақсадида сақлаш

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапараслик ғоялар билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан қўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, материалларни ҳамда уларни тайёрлаш ва тарқатишнинг тегишли воситаларини мусодара қилиб, фуқароларга,-

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса - ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорида жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамокқа олишга сабаб бўлади»;

9) Кодекс қуйидаги мазмундаги 184¹-модда билан тўлдирилсин:

«184-модда. Фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юришлари

ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,-

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлокий тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

6) 244¹-модда. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапараслик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилгани бўлса,-

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки мол-мулк мусодара қилиниш ёхуд мусодара қилинмай уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапараслик ғоялар билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек, фуқаролар тотувлигини бузиш, тухматона вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган ҳуқуқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш,-

энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида кўрсатилган ҳаракатлар:

а) олдиндан тил бириктириб ёки бир гуруҳ шахслар томонидан;

б) хизмат мавқеидан фойдаланиб;

в) диний ташкилотлардан, шунингдек чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқаролардан олинган молиявий ёки бошқа моддий ёрдамдан фойдаланиб содир этилган бўлса,

- мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

7) 246-модданинг биринчи қисми «психотроп моддаларини» деган сўзлардан кейин «ёки диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарасликни тарғиб қилувчи материалларни» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

8) 184-моддаси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«184-модда. Жамоат хавфсизлигига ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш мақсадида сақлаш

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапараслик ғоялар билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳолиси орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, материалларни ҳамда уларни тайёрлаш ва тарқатишнинг тегишли воситаларини мусодара қилиб, фуқароларга,-

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса - ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорида жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

9) Кодекс қуйидаги мазмундаги 184¹-модда билан тўлдирилсин:

«184-модда. Фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юришлари

Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларда ибодат либосларида юришлари,-

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамокқа олишга сабаб бўлади»;

10) 201-моддаси қуйидаги мазмундаги иккинчи қисми билан тўлдирилсин:

«Диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш,-

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамокқа олишга сабаб бўлади»;

11) Кодекс қуйидаги мазмундаги 202¹-модда билан тўлдирилсин: фаолияти тақиқланган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларнинг, оқимлар, секталарнинг фаолиятида қатнашишга ундаш

Фаолияти Ўзбекистон Республикасида тақиқланган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларнинг, оқимлар, секталарнинг фаолиятида қатнашишга ундаш,-

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамокқа олишга сабаб бўлади»;

12)-240-241 моддаси қуйидаги таҳрирда баён-этилсин:

«240-модда. Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Нолегал диний фаолият билан шуғулланиш, диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши, диндорлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, шунингдек диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғарақлар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва ўтказиш,-

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамокқа олишга сабаб бўлади.

Бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган ҳатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти,-

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамокқа олишга сабаб бўлади».

241-модда. Диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш

«Махсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг руҳсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш,-

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамокқа олишга сабаб бўлади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ КОДЕКСИДАН¹

154 – модда. Ёлланиш

Ёлланиш, яъни низолашаётган давлатнинг фуқароси ёки ҳарбий хизматчиси ҳисобланмаган ёхуд назорат қилиниб турган низолашаётган давлат ҳудудида доимий яшамайдиган ёки ҳеч қандай давлат томонидан қуролли кучлар таркибида расмий топшириқни бажариш ваколати берилмаган шахснинг моддий манфаатдорлик ёки бошқа бирон шахсий манфаатни қўлаб, ўзга давлат ҳудудида ёки унинг тарафини олиб қуролли тўқнашувда ёхуд ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш учун ёлланиши –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август Қонуни таҳририда - Ўзбекистон Республика Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил 9 – 10 – сон, 165 – модда)

155 – модда. Терроризм

Терроризм – халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверентетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, ижтимоий – сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини қўрқитиш мақсадида давлат органини, халқаро ташкилотини, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирон бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол – мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга ошириш таҳдиди шунингдек террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, ишлаб туришини,

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.Т.; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2001.

молиялаштирилишини, таъминлашга, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ воситалар ва ресурслар бериш ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият –

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вазиятни беқарорлаштириш ёки давлат органлари томонидан қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатиш ёхуд сиёсий ёки бошқа ижтимоий фаолиятга тўсқинлик қилиш мақсадида давлат ёки жамоат арбоби ёхуд ҳокимият вакилининг давлат ёки жамоатчилик фаолияти муносабати билан унинг ҳаётига суиқасд қилиш ёки унинг баданига шикаст етказиш –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) одам ўлишига;
- б) бошқа оғир оқибатларни келиб чиқишига сабаб бўлса, -

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади ёки ўлим жазоси билан жазоланади.

Терроризмни тайёрлашда иштирок этган шахс, агар у ҳокимият органларига ўз вақтида хабар бериш ва бошқа усул билан оғир оқибатлар юзага келишининг ҳамда террорчилар мақсадлари амалга оширилишининг олдини олишга фаол кўмаклашган бўлса, башарти бу шахснинг ҳаракатларида жиноятнинг таркиби бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод этилади. (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август Қонуни таҳририда - Ўзбекистон Республика Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил 9 – 10 – сон, 165 – модда).

156-модда. Миллий, иркий ёки диний адоват кўзгатиш

Миллий, иркий ёки диний мансублигига қараб, аҳоли гуруҳларига нисбатан адоват, муросасизлик ёки нифок келтириб чиқариш мақсадида миллий шайн-шараф ва кадр-кимматни камситишга, диний этикодига ёки дахрийлигига қараб, фуқароларнинг ҳис-туйғуларини ҳақоратлашишига қаратилган қасддан қилинган ҳаракатлар, шунингдек, миллий, иркий, этник мансублиги ёки динга муносабатига қараб фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклаш ёхуд уларга бевосита ёки билвосита авфзалликлар бериш –

беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушба ҳаракатлар:

- а) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли усулда;
 - б) баданга оғир шикаст етказган ҳолда;
 - в) фуқароларни доимий яшаш жойидан зўрлик ишлатиб кўчирган ҳолда;
 - г) масъул мансабдор шахс томонидан;
 - д) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирилиб содир этилган бўлса, -
- беш йилда ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

159-модда. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги тузимини Конституцияга ҳилоф тарзда ўзгартиришга, ҳокимиятни босиб олишга ёхуд қонуний равишда сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини Конституцияга ҳилоф тарзда бузишга очикдан-очик даъват

қилиш, шунингдек бундай мазмундаги материалларни тарқатиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. (*Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август Қонуни таҳририда - Ўзбекистон Республика Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил 9 – 10 – сон, 165 – модда*).

Ҳокимият конституциявий органларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки уларни конституцияда назарда тутилмаган параллел ҳокимият тузилмалари билан алмаштиришга қаратилган зўравонлик ҳаракатлари, шунингдек, давлат ҳокимияти ваколатли органларининг Ўзбекистон Конституциясида назарда тутилмаган тартибда тузилган ҳокимият тузилмаларининг тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарорларини белгиланган муддатда бажармаслик -

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаган ҳолда содир этилган бўлса, -

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳокимиятни босиб олиш ёки Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ағдариб ташлаш мақсадида фитна уюштириш –

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. (*Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август Қонуни таҳририда - Ўзбекистон Республика Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил 9 – 10 – сон, 165 – модда*).

Фитна тўғрисида ҳокимият органларига ихтисрий равишда хабар берган шахс, башарти, қўрилган чоралар

натижасида фитнанинг одди олинган бўлса жазодан озод қилинади.

242 – модда. Жиноий уюшма ташкил этиш.

Жиноий уюшма ташкил этиш, яъни жиноий уюшма ёхуд унинг бўлинмаларини тузиш ёки унга раҳбарлик қилиш, шунингдек, уларнинг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга қаратилган фаолият –

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уюшган қуролли гуруҳ тузиш, шунингдек унга раҳбарлик қилиш ёки ундан иштирок этиш –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республика Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил 9 – 10 – сон, 165 – модда).

244² – модда. Диний экстремизм, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш

Диний экстремизм, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш –

беш йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар оғир – оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, –

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Башарти шахс тақиқланган ташкилотлар мавжудлиги тўғрисида ўз ихтиёри билан хабар қилган ва жиноятни очишга ёрдам берган бўлса, у ушбу модданинг биринчи

қисмида назарда тутилган жиноят учун жавобгарликдан озод қилинади. (Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрел Қонуни билан киритилган, 2001 йил 29 август Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республика Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил 5 – сон, 124 – модда; 2001 йил, 9 – 10 сон 165 – модда).

246 – модда. Контрабанда

Контрабанда, яъни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириниб ёхуд божхона хужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган хужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, кучли таъсир қилувчи захарли, захарловчи, радиоактив, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроқ, ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни, шунингдек гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ёки диний экстремизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш –

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. (Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 август, 1998 йил 1 май, 1998 йил 29 август, 2001 йил 29 август Қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республика Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил 9 – сон, 144 – модда; 1998 йил 5 – 6 сон, 102 – модда; 9 – сон, 181 – модда; 2001 йил, 9 – 10 сон 165 – модда).

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: - Т.: «Ўзбекистон», 2003.
2. «Виждон эркилиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрири)». Ўзбекистон Республикасининг қонуни. - Т.: «Адолат», 1998.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд.-Т.: «Ўзбекистон», 1996.
4. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. - Т.: «Ўзбекистон», 1996.
5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. - Т.: «Ўзбекистон», 1996.
6. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд.-Т.: «Ўзбекистон», 1996.
7. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. - Т.: «Ўзбекистон», 1997.
8. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд.-Т.: «Ўзбекистон», 1998.
9. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-жилд. - Т.: «Ўзбекистон», 1999.
10. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. 8-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 2000.
11. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд.-Т.: «Ўзбекистон», 2001.
12. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун қурашамиз. 10-жилд.-Т.: «Ўзбекистон», 2002.
13. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд.-Т.: «Ўзбекистон», 2003.
14. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва буқилмас иродасига боғлиқ.-Т.: «Ўзбекистон», 2004.
15. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. «Независимая газета» (Москва) мухбирининг саволларига жавоблар. 2005 йил 14 январ. Т., «Ўзбекистон», 2005.
16. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т., «Ўзбекистон» 2005.
17. Каримов И.А. «Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди». Т., Ўзбекистон. 2005 йил.
18. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қискача изоҳли тажрибавий лўғат). - Т.: «Янги аср авлоди», 2002.
19. Абдулатиф қори Ҳошимжон қори ўғли. Залолатга кетманг! Ҳизбут таҳрир фитнасидан огоҳ бўлинг! - Т.: «Мовароуннаҳр», 2003.
20. Азимов А. Религиозный экстремизм и фундаментализм. - Т., 1998.
21. Антонян Ю.М. Терроризм: Криминологическое и уголовно-правовое исследование. - М.: 1998.
22. Архиепископ Владимир «А друзей искать на Востоке». - Т.: 2002.
23. Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси. - Т.: 2002.
24. Баҳромов А. Ислоҳ ва маърифат. - Т.: «Мовароуннаҳр», 2002.
25. Бжезинский З. Великая шахматная доска. - М.: 1999.
26. Диний экстремизм ва терроризмга қарши қурашнинг маънавий-маърифий асослари. Тошкент, 2005.
27. Жузжоний А.Ш. Ислоҳ ҳуқуқшунослиги. - Т.: «Тошкент ислом университети», 2002.
28. Жўраев Н. Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар. - Т.: 2000.
29. Закурлаев А. Ғоялар қураши. - Т. «Мовароуннаҳр», 2000.
30. Инсон ҳуқуқлари: Универсал халқаро ҳужжатлар тўплами. - Т.: 1996.
31. Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билль.- Т.: «Адолат», 1992.
32. Ирисов Б. Дин, ақидапарастлик ва таҳдид. - Т.: «Маънавият», 2000.
33. Ислоҳ: бағрикенглик ва мутаассиблик. - Т.: «Университет», 1998.
34. Ислоҳ ва дунёвий давлат (халқаро илмий-назарий конференция материаллари). Г.: 2003.

35. «Ислом тарихи» фани бўйича ўқув-услубий қўлланма. Т.: «Тошкент ислом университети», 2001.
36. Ислом. Энциклопедия. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.
37. Каримов И. Имон ва инсон. –Т.: «Фан», 1991.
38. Кожушко Е. Современный терроризм: Анализ основных направлений. – Мн.: Харвест, 2000.
39. Комилов Н. Ислом – маърифат дини. –Т.: «Маънавият», 2000
40. Косиченко А.Г., Ашимбаев М.С. и др. Современный терроризм: взгляд из Центральной Азии. – Алматы: Дайк-Пресс, 2000.
41. Межрелигиозное согласие – важное условие углубления демократических процессов в странах Центральной Азии (На примере Республики Узбекистан). Материалы международной конференции. – Т.: 2002.
42. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – тараккиёт омили. – Т.: 2003.
43. Наврузова Г., Каримов Б., Мастонов К. Диний экстремизм ва фундаментализм махсус курсини ўқитиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. Бухоро. «Муаллиф», 1999 йил, 37 бет.
44. Р. Обидов, С. Абдуллаев, А. Азимов Ҳидоят ва залолат. –Т.: 2004.
45. С. Отамуродов, С. Мамашокиров, А. Холбеков Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафқуравий таҳдидлар. – Т.: 2001.
46. Пахруддинов Ш. Таҳдид-ҳалокатли куч. – Т.: «Академия», 2001.
47. Правовое государство – независимость, нация, экономика, идеология, политика. В 4-х томах. – Т.: «Адолат», 1994.
48. М. Раджапова Диний экстремизм ва террорчилик. – Т.: 2000.
49. А. Рахмонов, А. Рахмонов. Исламское право. Учебной пособие для вузов. – Т.: 2003.
50. Рахматов А. Бдительность – связанный долг. –Т.: «Ўзбекистон», 2000.
51. Саидов А.Х. Религиозная толерантность и светское государство в Узбекистане. –Т.: 2002.
52. Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича шартномалар. – Т.: «Адолат», 2004

53. Салимов К.Н. Современные проблемы терроризма. – М.: 1999.
54. Тарозий А.М. Олам узра тарқалган ислом. –Т.: 2001.
55. Турсунов К.С., Каримов Б.Х. Ўзбекистонда дин ва давлат муносабатлари: Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш масалалари. – Бухоро, «БухороТурРизо» - 2005.
56. Хорун Яхё. Ислом террорни қоралайди. Т.: «Мовароуннаҳр», 2003.
57. Экстремизм, терроризм, гуруҳий жиноятчиликка қарши кураш муаммолари. //Илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: 1999.
58. Юнусова А.Т. Религия и закон. – Т.: «Тошкент ислом университети», 2002.
59. Якубов О. Қашқирлар галаси: Терроризмнинг қонли изи. – Т.: 2000.
60. Хусниддинов З. Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. – Т.: «Мовароуннаҳр», 20002.
61. Хусниддинов З.М., Абдусатторов А. Исломдаги оқимлар: хорижийлик ва шиалик Т.: «Тошкент ислом университети», 2003.

МУНДАРИЖА

Кириш	4
Ўзбекистонда давлатнинг дин ва диний ташкилотлар билан муносабати.....	9
Ўзбекистонда виждон эркилиги ва диний бағрикенглик тамойилларига амал қилиниши.....	15
Исламофобия нимани ифодалайди?	18
Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш масалалари	20
Андижон воқеалари тўғрисида.....	35
Терроризм – жамият барқарорлигига таҳдид солувчи мудҳиш ҳодиса.....	41
Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг мафкуравий ва маънавий – тарбиявий асослари	48
Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда қабул қилинган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва шартномалар.....	51
Ёт ва бузғунчи ғояларга қарши курашда маърифат тамойили	55
«Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий ва маърифий асослари» ўқув курси дастури	58
«Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий ва маърифий асослари» ўқув курсидан маърузалар режаси	63
Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари ўқув курсидан схемали ўқув методик материаллар	69
«Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари ўқув курсидан талабалар билимларини назорат қилиш учун тестлар.....	97
Дин, диний экстремизм, фундаментализм, ақидапарастлик ва терроризмга оид қисқача изоҳли лугат.....	117
Иловалар	143
Адабиётлар рўйхати.....	168

МАСТОНОВ К.Ҳ., КАРИМОВ Б.Ҳ.

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ ТАҲДИДЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги томонидан олий таълим учун ўқув
қўлланма сифатида тавсия этилган

(Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик
бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашининг
1-сонли мажлиси қарори)

Тошкент Бухоро ОО ва ЕСТИ 2008

Босишга 05.05.08 а рухсат этилди. Бичими 60x84
1/16 "Таутс" гарнирида офис босма усулида босилди. Шартли
б.т. 9,1. Наир е. 9,25 жами 1000 нусха 56 рақамли
буюртмада саҳифаланиб чоп этилди.
Тошкент, Олмазор кўчаси 171.

